

43
С 34

ЖАЛОЛИДДИН САФОЕВ

ҚАҲҚАҲА СИРИ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдан _____

Узб. отд. РППО «Союз» б/ф. 99-1-90
тир. 4.700.00, Г. П. Зак. Б-22

mp oo
✓

*Узб. отд.
2700.00
окал. шиф.*

уз
сзч

ЖАЛОЛИДДИН САФОЕВ

ҚАҲҚАҲА СИРИ

ОПИСАНО

Фундаментальная
библиотека
Ферганск. политехнич.
ин-та
ИНВ. № 100341

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1998

Ўзбек адабиёти хазинаси ҳавас қилса арзиғудек асарларга бой. Турли жанр ва мавзулардаги ўнлаб ўлмас асарлар аллақачон китобхонларимиз маънавий мулкига айланиб қолган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг «Елғончи фарришталар» романи ҳам ўқувчилар меҳрини қозонган асарлар сирасига киради.

Ушбу китобда мазкур роман таҳлили орқали ёзувчининг ҳажвчилик маҳорати, қаҳрамонларининг ўзига хос характери, мавзунинг бадий тадқиқи ва ижтимоий аҳамияти хусусида сўз боради. Шунингдек, китобда асар қаҳрамонлари тақдири орқали собиқ шўро замонининг турғунлик йиллари деб ном олган даври ижтимоий-ахлоқий тартиботлари ҳақида ҳам муаллифнинг ўзига хос қарашлари мавжуд-ки — бу ўқувчиларимизда қизиқиш уйғотиши тайин.

Махсус муҳаррир — филология фанлари номзоди
Ш. Ризаев

МУҚАДДИМА

Неъмат Аминов ҳажвиётининг миқёси кенг ва чуқур. Асарларининг тили, композицион қурилиши, сюжетнинг пухталиги, характер яратиш маҳорати — барча-барчаси ҳажвиётнинг ўзига хос қонуниятларидан келиб чиққанки, ўзбек адабиётида ёзувчининг худди ана шу жиҳатидан ўз ўрни ва сўзи бор.

Халқда кулиш осон, кулдириш қийин деган нақл бор. Кулгу ҳам мазмун-моҳияти билан бир неча тур ва сифатга бўлиниши маълум. Аммо ёзувчи ижодида кулгунинг барча сифатлари қоришиқ ҳолда учрайди. Бу адабнинг атай бировни кулдириш ёки бировнинг устидан кулиш учун асар ёзмаганлиги белгисидир. Неъмат Аминов кулгуси ҳаминша теран ижтимоий илдизга эга бўлади. У кулгу тифига учраган шахсни жамиятдан айри тасвир этмайди. Иллатнинг илдизини маълум бир давр характеридан излайди.

Ёзувчи ҳажвиётига чуқур мазмун ва ҳаётийлик бағишлаб турган иккинчи омил бу — ижодкорнинг халқ турмушини жуда яхши билишлигидадир. Машҳур бир сўз устаси эътироф этганидек: «Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўздан ҳам сўзи қизиқ». Гап фақат ана шу «қизиқлик»ни илғай билишда. Айрим ўткинчи ҳолатларга боғлиқ кулгу билан орадан қанча вақт ўтишидан қатъи назар ҳаммани кулиб-кулдирадиган воқеаларни, гап-сўзлару ҳангома-маталларни бир-биридан фарқ қила билиш ижодкор истеъдоди даражасига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Неъмат Аминовнинг кулгуси боқий қаҳқаҳадир.

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов Неъмат Аминов ижоди ҳақида сўз юрита туриб шундай деган эди: «Неъмат Аминов... ижодида алоҳида бир фазилат шаклланиб, рўйрост намоён бўлдики, буни ҳажвиётга садоқат деб аташ мумкин. Буни таъкидлаётганлигининг сабаби бор: ҳажвиёт шундай соҳаки, унга узоқ йиллар давомида содиқ қолиш — ўзига хос фидойилик билан баробар. Бундай садоқат ёзувчидан кучли бардошни, сабр-тоқатни, жасоратни талаб қилади. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Аввало ҳажвчи бўлиш учун

алоҳида истеъдодга эга бўлмоқ керак. Ҳажвчилик истеъдоди эса жуда ноёб истеъдод. У ёзувчилик истеъдодидан ҳам ноёброқ. Ҳажвчи бўлиш учун инсон характери гавдалантириб, ҳаёт зиддиятларини бадий тадқиқ этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳажвчи ҳодисалар замиридаги кулгуни топа билиши ва айни чоғда кулгу замиридаги одамларга ибрат бўладиган салмоқли маънони чиқара билиши керак».

Машҳур олим Михаил Бахтин Франсуа Рабле ижоди ва унинг кулгу санъати тўғрисида фикр юритиб, Рабле кулгусининг умрбоқийлик сирини асарларининг оддий халқ ҳаёти ва турмуши билан чамбарчас боғлиқлигида кўради. Рабле кулгусини озиқлантириб тургучи куч жонли ҳаёт, халқнинг катта-кичик расм-русумларию турфа маросимлари, орзу ўйларию қувонч ташвишлари эканлигини алоҳида таъкидлайди.

1918 йилнинг ёзида машҳур рус сатирик ёзувчиси Аркадий Аверченконинг «Сатирикон» журнали большевиклар томонидан тақиқлангандан сўнг у 1920 йилнинг охирида эмиграцияга — Европага жўнаб кетади. Берлин, Париж, Прага, Варшава сингари шаҳарларни кезиб, шуҳрат қозонади. Аммо унинг ижодида кескин ўзгариш рўй беради. Ҳикояларидаги рус халқининг табиати ва руҳиятига мос хусусиятлар, юмор, кулгу, киноя сингари компонентлар хиралашиб, бадий ночорлик сезила бошлайди. Буни ёзувчининг ўзи шундай шарҳлайди: «Ўзингга таниш бўлган анъаналар, турмуш тарзига асосланган ҳаёт сендан йироқ бўлса, яшаш қандайин зерикарли ва совуқ...» Бундай армон ва алам тўла сўз ортида халқ ҳаётидан мажбуран узилиб қолган ёзувчининг чўнг дарди мужассам эди. Ёзувчи, айниқса ҳажвчи учун халқ билан ҳамнафаслик жуда катта ўрин тутиши юқоридаги мисоллардан яққол сезилиб турибди.

Неъмат Аминов кулгусининг халқ орасида оммалашиб кетганлигининг сирини ҳам, унинг ҳаётийлиги, воқеалар, характер ва образлар мантиқан асосланганлигидадир. Ёзувчи одамлар характери, воқеа ва ҳолатларни кулгу қисташ учун тасвирламайди, балки ана шу характер ва ҳодисалар замиридан кулгу яратади. Юқорида таъкидланганидек ҳажвчи истеъдодини ёзувчи истеъдодидан фарқ қилиши воқеалар ичидаги юморни пайқай билиш, уни ўзига хос тил ва усулда ифода этишда кўринади. Албатта ёзувчи билан ҳажвчи ўрта-сида кескин бир чегара йўқ. Иккинчидан, уларнинг

фарқини фақат юқоридаги фикр билан қатъий чегаралаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ижодкорлик аввало истеъдод кучига таянар экан, истеъдоднинг қирралари ва имкониятлари, кўлами ғоят кенг ва ранг-барангдирки, унга маълум бир қолипдаги мулоҳазалар билан тўла характеристика бериб бўлмайди. Шундай бўлса-да бир фактни: ҳажвчи истеъдоди ноёб истеъдод эканлигини тан олмоғимиз лозим.

Ҳажвий асарлар адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлса-да, аммо ўзбек халқидек кулгисевар, кулганда ҳам юрак-юракдан, бутун борлиғи билан куладиган, енгил-елпи, тоши енгил, бачкана юморни ёқтирмайдиган миллатнинг талабини қондирадиган даражада ва салмоқда асарлар яратилмай келаётган эди. Кўплар «Ёлғончи фаришталар»ни биринчи ўзбек ҳажвий романи ҳам дейишди. Соф жанр нуқтаи назардан қараганда ушбу асардан роман хусусиятларини топиш ҳам мумкиндир. Лекин бадий асарнинг қиммати ҳеч қачон жанр билан ўлчанмаган-ку. Унлаб «ёстикдек-ёстикдек» романларни «дўндириб» ташлаган баъзи ёзувчиларни ҳеч ким танимаган, ўқимаган бир ҳолатда, бор-йўғи кичик бир ҳикояси билан жаҳонга танилган ёзувчилар борлиги ҳаётий ҳақиқат.

Хўш, Неъмат Аминов ҳажвчи-ёзувчи сифатида ўзбек адабиётини қандай асарлару қанақанги характер ва образлар билан бойитди? Асарларининг бадий қуввати нечоғлик? Унинг ижтимоий мазмуни-чи? Умуман, ёзувчининг ҳажвчилик маҳорати қандай? У ўз устоз ва тенгдошларидан нимаси билан фарқ қилади? Уларнинг муштараклиги қай йўсинда? Қўйида ана шу саволларга ёзувчи ижоди орқали жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Неъмат Аминов адабиёт майдонига 60-йилларнинг иккинчи ярмида кириб келди. Бу давр ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради. Биринчидан XX съезднинг илиқ ҳавоси туфайли жамиятда юз берган нисбатан ижобий ўзгаришлар одамлар онгида қотиб қолган қарашларни бироз эритиб, янгиланишга, ислохотларга интилиш сезилиб турарди. Худди шу вақтда адабиёт, санъат, сиёсат оламига радикал қарашдаги ёш кучларнинг кириб келиши, давр руҳини ўзгартира бошлади. Илк бор қирғину қатағонлар ҳақида гапирила бошланди. Тақиқланган асарлар қайта «кўз оча» бошлашди. Бундай умидбахш шабадалар ўзбек адабиётини ҳам четлаб ўтмади: Абдулла Қодирий, Усмон

Носир оқланиб, уларнинг ижодларини ўқиб-ўрганишга йўллар очила бошлади. Адабиёт оламига Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи сингари шоирлар, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев каби бугунги кунда адабиётимиз ҳароратини белгилаб турган ёзувчилар кириб келишди. Даврнинг иккинчи бир хусусияти шундан иборат эдики, XX съезд уйғотган умид учқунлари кун сайини сўниб борар, тоталитаризм янги куч билан ҳужумга ўтмоқда эди. 30-йиллардагидек очиқ қатағон юз бермаган бўлса-да, қирғин қилиш сиёсатининг қора кўланкаси одамлар боши узра тобора қуюқлашмоқда эди. Бир томондан эркинлик ҳавосини олган, иккинчи томондан якка мафкуранинг сиқуви ва исканжаси кучини «татий» бошлаган бу авлоднинг ёш вакили сифатида Неъмат Аминов адабиётимиз майдонида пайдо бўлди.

Ёзувчининг энг йирик асари — «Ёлғончи фаришталар» адабиётимизда ғоявий жиҳатдан янгилик бўлди. Чунки бу асар маъмурий-мафкуравий тазйиқ ва зўравонлик туфайли адабиётдан жой олиб, ҳукмронлик қилган сиёсий кўрсатмалар, тайёр ўлчовлар, қотма қарашларнинг инкори сифатида пайдо бўлди. Иккинчидан, ёзувчи сиёсатбардорлар образи орқали даврнинг носозлигини, фожиаларини ҳажв ўқига нишон қиладики, бу шўро мафкурасида шаклланган тамойилларга мутлақо зид эди. Учунчидан, ўша замонларда салбий ҳолатлар, иллатлар, айрим ҳолларда ва баъзи кишилар фаолиятидагина учрайди, бу совет турмушига хос эмас деган расмий тушунча кенг миқёсда урф бўлган эдики, Неъмат Аминов ана шу сохталикни ҳам аёвсиз фош қилади. У асарларида ҳаётдаги «айрим» иллатларни эмас, жамиятни, одамларни иллатлар ботқоғига ботираётган, муқаррар фожиа томон етаклаётган турмуш тартибларини яхлит ҳаёт сахнаси орқали тасвирлайди. Энг муҳими ёзувчи «салбий» қаҳрамонларни «капитализмдан», «ўтмишдан» қолган сарқитлар ёки осмондан тушган эмас, ғайри оддий кишилар сифатида балки совет замонида туғниб, шу давр тарбиясини олган, биз билан бирга яшаётган, сизу биздек одамлар эканлигини юксак бадний образлар орқали исботлаб беради.

Образларни ишлаш масаласида ҳам Неъмат Аминов ўзига хос йўл тутди. Персонажлар томонидан билдириляётган ёки улар тилидан айтиляётган фикр-мулоҳазаларга ёинки кечаётган воқеа-ҳодисаларга муаллиф

қонда бўлган «изм»лар таъсирида маълум бир позициясини ҳадеб тиркайвермайди, бошқача айтганда, асарларида ҳаракат қилаётган қаҳрамонларга ғоявий, мафкуравий ва маънавий тазйиқ ўтказмайди. Ёзувчи асар якунида ёки бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан тайёр, дидактик хулосалардан атай қочади. Қандай хулоса чиқаради, қандай сабоқ олади — ўқувчининг ўз ҳукмига ҳавола қилади. Ёзувчининг ижодий услуби ҳам янгича: у қаҳрамонлари устидан ҳукм чиқаришга шошмайди. Персонажларга адабий қаҳрамон сифатида эмас, худди яқин танишидек, бирга яшаб-ишлаётган кишиларга бўлган муносабатдек муносабатда бўлади. Буюк Флобер айтган эди: «Бир одамнинг иккинчи бир одам устидан ҳукм чиқариши менда ачиниш туйғусини уйғотмаганда, кулгудан адоий тамом бўлар эдим».

Неъмат Аминовнинг ҳажвчилик маҳорати ҳақида гап кетганда унинг образ яратиш усулида индивидуаллаштириш, яъни ҳар бир қаҳрамоннинг бетакрор қиёфасини яратиши хусусида ҳам айтиб ўтмоқ даркордир. Ёзувчининг қаҳрамонлари бир-бирларига ўхшаш турмуш тарзига эга, мансаб ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни яқин бўлса-да, ёки ёши ва касб-кори тўғри келса-да, сира биров-бировига ўхшамайди. Ҳар бирининг бетакрор қиёфаси, ранги, жозибаси ва тили мавжуд. Шу боис уларнинг кўпчилиги ўзига хос кўринишда ўқувчи кўз олдида муҳрланиб қолади. Биргина мисол: «Ёлғончи фаришталар»даги Шамси Тўраевич ҳам, Асқар Бакирович ҳам мансабдор раҳбарлар. Лекин икковининг ташқи кўринишигина эмас, иш услуби, одамлар билан мулоқот-мунозаралари, характери, тили тамоман бири-бирига тесқари. Қизғин шундаки, уларнинг дунёқараши, маънавий олами эса қарийб фарқланмайди. Бир тусдаги одамлардан турлича образ яратиш ёзувчи фантазиясининг, шу билан бирга ҳаётни чуқур билишининг, ниҳоятда кузатувчанлигининг яққол далилидир.

Хуллас, ушбу тадқиқотимизда Неъмат Аминовнинг ҳажвчилик образ ва характер яратиш маҳорати, асарларининг бадний-эстетик, шунингдек ижтимоий мазмун-моҳияти, адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси хусусида батафсил фикр юритамиз. Тадқиқотимизда биз кўпроқ ёзувчи асарларининг ўз замонасига муносабати ва ижтимоий моҳиятига эътибор қаратдик.

РОСТГУЙЛИК

Севимли ёзувчимиз, сатира устаси Неъмат Аминов машаққатли ижодий йўлни босиб ўтди. Албатта бундан бошқа ижодкорлар йўли силлиқ кечди, деган фикр ҳосил бўлмайди. Чунки, Неъмат Аминов адабиёт оstonасига илк бор ўзининг ўткир ижтимоий-ҳажвий ҳикоялари билан қадам қўйган 60-йилларнинг иккинчи ярмида, собиқ Иттифоқда ва жамият ҳаётида оғир асорат қолдирган турғунлик даври деб аталмиш мураккаб ва чигал кунлар бостириб келаётган бир пайт эди. 50-йилларнинг охирида бошланган ижтимоий ҳурликнинг тоза нафаси яна бюрократия ва маъмурий-маҳкамачиликнинг кучли қўллари билан бўғила бошланди ва охир-оқибат шу бўлдики, мустақил, ҳур фикр, дабдабабозлик, умумий ёлғончилик ва ўртамиёналикнинг тўла ҳукмронлиги остида қолди. Мана шундай мураккаб бир шароитда жамият ҳаётида кундан-кун авж олаётган салбий ҳолатларни сатира тиғи остига олиш, бир оғиз бўлса-да рост гапни айтиш қанчалик мушкул бўлганлигини бугун ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин Неъмат Аминовнинг ўзига хос ижод йўли шундаки, замон зайлига қараб ижодий тақдирини ўзгартирмади, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига ҳар қанақанги шароитда ҳам содиқ қолди. Белинский таъбири билан айтганда у «... ўзи интилган мақсади ва бошлаган ташаббуси даражасида» собитлик билан туриб берди.

Неъмат Аминов бугунги кунда «Қирқ учинчи почча», «Тилло табассумлар», «Елвизак», «Ёлғончи фаришталар», «Қаҳқаҳа», «Бир аср ҳикояти» каби халқ муҳаббатини қозонган китоблар муаллифидир. Неъмат Аминов ҳикоя ва қиссаларининг муштараклиги шундаки — умумий руҳ ҳамиша ҳақ ва адолатга талпиниб туради, **ҳақсизлик** ва тубанликка чексиз нафрат тиғини санчади. Ҳаётидаги катта-кичик салбий воқеа ва шахсларни жуда ёрқин бадий рангларда асарлари саҳифасига кўчиради. Ёзувчи иллатларни шунчаки шарҳлаб ёки қайд қилиб кетавермасдан, унинг ижтимоий илдизлари билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Адиб асарларидаги ичакузди қаҳқаҳа ҳам, ним табассум ҳам, латифанамо ҳолатлару ўта драматик саҳналар ҳам — барча-барчаси юксак бадий пафос билан сугорилган. Неъмат Аминов ижодини синчиклаб қузатган киши ундаги ижодий изланиш кўлами нақадар чуқур ва кенглигини илғаб олади. Ёзувчининг устоз адиб, ўзбек адабиёти-

нинг классиги Абдулла Қодирийга ҳурмат-эҳтиром
бўлакча. Ёзувчининг ўзи кўп марта таъкидлаганидек,
Абдулла Қодирий асарларининг жозибадор ва ўткир
тили, услубининг содда ва раволиги, характерлар га-
лерясини яратишдаги ёрқин бўёқлари Неъмат Аминов
учун катта ижодий маҳорат мактаби бўлди. Биз Неъмат
Аминов қаҳрамонларида бироз қувликни кўрсак,
дарҳол Фафур Гулом асарларининг персонажлари эси-
мизга тушади. Тасвирдаги сиққиқлик, теша тегмаган ибор-
раларни топиб ишлатиш ва энг муҳими иллатларга му-
росасизлиги ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслиги Аб-
дулла Қаҳҳорни эсга солади.

Рус классик ҳажвиёти ёзувчи учун чинакам ижод мак-
таби бўлди. У Николай Васильевич Гоголь, Салтиков-
Щедрин, Илья Ильф, Евгений Петров, Михаил Зощен-
ко, Михаил Булгаков, Аркадий Аверченко ижодий мак-
табини ўрганди. Буларни ҳам ўз устозларидек эъзозла-
ди. Сербия классик сатирасининг усталари Бранислав
Нушич, Борис Станкович, Радое Доманович, Стеван
Сремац асарлари ёзувчига янги-янги изланишлар учун
илҳом манбаи бўлди.

Ёзувчининг «Ёлғончи фаришталар» номли қўшқисса-
си адабиётимизда муносиб ўринни эгаллади. Ушбу қўш-
қисса турғунлик йиллари «гуллаб-яшнаган» пайтда ёзил-
ди. Бу ёзувчига қанчадан-қанча машаққат туғдиргани
ўз-ўзидан аён. Лекин ёзувчи юксак маҳорат ва жасорат
билан даврнинг маънавий инқирозини аямасдан фош
қилди. Бу асарнинг ижтимоий қиммати шундаки, у ўт-
мишга айланган воқеалар устидан эмас, бугунги кун ус-
тидан чиқарилган ҳукм сифатида янгради. Унинг бадий
қимматини эса устоз адибимиз Саид Аҳмад китобига ёз-
ган сўнг сўзида ижобий баҳолаб, «Ёлғончи фаришталар»
замонавий ўзбек адабиётида биринчи йирик сатирик асар
деб муносиб баҳолади. Дарҳақиқат, «Ёлғончи фаришта-
лар» адабиётимиздаги ёрқин асар сифатида бутун ада-
бий жамоатчиликни ўзига тортди. Бу асар ёзувчининг
ижодий баркамоллиги ўзига хос маҳоратининг жуда кат-
та синови бўлган дейишга асос бор. Қўшқиссанинг би-
ринчиси «Елвизак» эълон қилингандан сўнг асар атрофи-
да турли хил баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лекин ёзув-
чи учун асосийси шу эдики, китобхонлар бу асарни қи-
зиқиш ва қониқиш билан кутиб олдилар. Чунки, адаби-
ётимизда ёзувчи Саид Аҳмад тили билан айтганда, чи-
накам реалистик маънодаги йирик ҳажвий асар узоқ
йиллардан буён яратилмай келаётган эди.

Бир қарашда «Елвизак» жамият ҳаётининг маълум бир давридаги салбий ҳолатларни фош қилувчи асарга ўхшаб кўринади. Аслида ҳам шундай дейишга асос бор. Бироқ ёзувчи ўз вазифасини фақат фош қилишда деб тушуномайди. Иллатларнинг илдизи қанчалик чуқур очилмасин ёки уларнинг қамрови қанчалик кенг бўлмасин, мабодо бу нарса қаҳрамонлар характериға сингдирилмаса, бадний бўёқлардан маҳрум бўлса, у шунчаки бир мақоладан фарқ қилмай қолади. Албатта бу тажрибали ёзувчи учун янгилик эмас. Шу боис асарда неки воқеа-ҳодиса қаламға олинмасин, уни асар қаҳрамонларининг характеридан келиб чиқиб тасвирлайди. Бир сўз билан айтганда, асар мантиғи характер мантиғига мос тушган.

Асар қаҳрамонлари ўсувчанлик, яъни бир-бирини такрорламайдиган тип сифатида доимо ўзгарувчан характерга эга. Масалан, Баширжоннинг маданият бўлимига бошлиқ бўлиб турган пайтдаги асосий «фазилати» ҳатто оддий шофёрнинг олди-қочди гапларига лаққа ишонувчанлиги, ўта тўпорчилиги бўлса, маҳаллий саноат корхонасига раҳбарлик қилган вақтида, дўппи тор келганда, ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдек бутун айбни ўринбосари, аввалги шофёри Илҳомжонга тўнкашга ҳаракат қилиши, бундан ҳам бир иш чиқмагандан сўнг ре-визорни ичкилик билан қўлга олишга уринишида кўрса бўлади. Баширжон Зайнишев тили билан айтганда «давлат суғурта идораси»га бошлиқ /«Суварак»/ бўлгандан сўнг эса унинг бир қанча ноёб «хислатлари» бирданга очилиб кетади. Энди у билимдон раҳбар сифатида ходимларини катта байрам — ўрмон ходимлари, балиқчилар, овчилар куни билан табриклашни одат қилиб олади. Кассир Фая опанинг туғилган кунини нишонлаш баҳонасида раҳбарларга ўзининг ишчанлигини, яъни идора территориясидаги ўн икки тонна боқиманда ахлатни чиқариб ташлаганлигини кўрсатмоқчи бўлади. Бундан ташқари унинг характерида сохта улугворлик намоён бўла бошлайди. Вафо атторнинг ҳаром ўлган бузоқлари гўштидан уюштирилган зиёфатда — «Энди келмас эдим, лекин Қиёмхон Вафо бобо ғанимат одам, хурсанд бўладилар, деб қўймай олиб келди» — деб ўзини юқори тутишга уринади.

Юқоридаги айрим мулоҳазалардан билдингиз — қўшқиссанинг бош қаҳрамони Баширжон Зайнишев. У узоқ йиллар акахони Шамси Тўраевичнинг ҳомийлигида «район раҳбарий» органларида ишлайди. Аниқроғи раҳбарлик қилган соҳани жар ёқасига элтиб, ўзи акахонининг

юмшоқ қанотларида парвоз қилиб, тинчроқ қирғоққа ўтиб олади. Бир муддатдан сўнг сокин қирғоқни ҳам абгор қилишни бошлайди. Қисқаси, у ёзувчи таъкидлаганидек, бир умр ўзининг майда турмуш ташвишлари, майда манфаатлари қобиғида ўралашиб яшайди... Унинг инсоний қиёфаси, эътиқоди шахсий манфаат номли нафс балосига айланган. Шу боис у бамисоли кузги хазондек доимо қўрқувда қалтираб яшайди. Асарда унинг беқарорлиги айниқса яхши очиб берилган. У иши юришиб кетган пайтларда ҳамма нарсани унутади. Гўё баъзи майда муваффақиятларни ўзининг «гап тўла калласида» деб ўйлайди. Ишлари чаппасига кетганда эса «мен аҳмоқман, мен ундоқман-мен мундоқман», деб ўз-ўзини ҳақоратлайди. Худога ялиниб-ёлворади. Албатта фақат хаёлан худога ёлворибгина қолмай, тириқ нажоткори Шамси Тўраевичга ҳам сажда қилишни унутмайди. Асарда Баширжон билан бирга ҳаракат қилувчи бир параллел нуқта бор. Ўхшатиш ножоиз бўлса-да, Вафо атторнинг ногирон туғилган хўтикчаси бутун асар давомида Баширжон билан бирга ҳаракат қилади. Ўхшашликни қарангки, Баширжонда ақл, фаҳм-фаросат ўзига яраша, яъни маънавий ногирон. Хўтикча ҳам бир кўзи юқорига қараган, орқа оёғи чўлоқ, яъни жисмонан ногирон бўлиб туғилган. Ўхшашлик фақат шу белгилардагина эмас. Ҳали тақдир ушбу «ногиронлар»ни кўп тўқнаштиради. Вафо аттор айтганидек: «Сабр, бўтам, сабр».

Асарнинг яна бир «ақохон» қаҳрамонларидан бири Шамси Тўраевичдир. Қиссада Шамси Тўраевичнинг мансаби аниқ айтилмаган. Лекин китобхон Шамси Тўраевичнинг қудратли қўлини китобнинг ҳар бир саҳифасида сезиб туради. Шамси Тўраевичнинг таъсири шу қадар кучлики, у ўз қобиғини ёриб чиқиб, истеъдодли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш», «Истеъфо» қиссалари, «Лолазор» романидаги биринчи раҳбар — Саидмурод Замонович Эломонов билан ҳам дўстлашиб олган. Энг қизиғи, бу асарларда ҳам Шамси Тўраевич укахони Баширжонни эсдан чиқармаган.

Хўш, Шамси Тўраевич қандай одам? Аслини олганда Баширжон Зайнишев ва Шамси Тўраевичнинг ораларида унчалик ҳам фарқ йўқ. Лекин Шамси Тўраевич ўзининг жамики кирдикорларини ниқоб остига яшириб билувчи, ўта ҳушёр ва пихини ёрган шахс. У ким билан қандай гаплашишни яхши билади. Жиноятлари изини усталлик билан йўқотади, ҳатто пора олишда ҳам ўзига хос йўл тутаяди. Карта ўйнаб, «тер тўкиб» худди она

Сутидек «ҳалол» қилиб пора олади. Шамси Тўраевич сиёсий жиҳатдан ҳушёр бўлишга интилади. У бу нарсага жамият нуқтаи назаридан эмас, балки ўзининг тор манфаати нуқтаи назаридан ёндошади. Бир мисол: Шамси Тўраевичнинг туғилган куни нишонланиш маросими сўнггида латифа айтиш бошланади. Бир киши генерал тўғрисида латифа бошлайди. Шунда Шамси Тўраевич генераллар тўғрисида латифа айтилмасин — бу «сиёсий хато», деб танбеҳ беради ва суҳбатдошига гапимга кулар эканлар, деб ҳар қанақанги гапни гапираверасанми, сенинг шалтоғингга бошқалар (яъни мен ҳам демоқчи — Ж. С.) ҳам тойиб кетиши мумкин, деб хавотирланади. Ёки бўлмаса отасининг қабр тошига Баширжон томонидан минг бир машаққатлар билан ёздирилган байтлардаги «дорилбақо», «жаннат», «риҳлат», «дорилфано» сўзларини ўқиб даҳшатга тушади ва бу ахир атеизмга тўғри келмайди-ку, ёки мени ҳам ўзингдай муҳокама қилдирмоқчимисан, галварс, деб Баширжонни қаттиқ сўкади. Энг қизиғи, овсар Баширжон (чунки яҳудий уста алдаб уч пулга қиммат ботинка киядиган куракчани қимматбаҳо, деб сотади) келтирган куракчада негр боласи суратини кўрган Шамси Тўраевич, йўқ бу бўлмайди, чунки бу ерда инсон хўрланган, дея олижаноблик қиладди...

Баширжон Зайнишев вазият тақозоси билан тез-тез ўзгариб туради. Уни фақат овсар, довдир, деб ўйлаш ҳам бир оз нотўғри. У баъзан ўта фирибгар, устаси фаранг товламачига айланишга ҳам қодир. Айниқса, идорада Қирмизхон билан зино қилиб турганда қўлга тушгандан сўнг, қоровул чолга туҳмат қилиб бўлса-да, қутулиб кетиш чорасини излайди.

Асарда Баширжон ҳамма мушкулотлардан силлиққина қутулиб кетавермайди. Маҳаллий саноат комбинатидаги жиноятлари учун нажоткори Шамси Тўраевичнинг мурувватли қўли уни жазодан яна бир марта қутқариб қолади. Бироқ суғурта идорасидаги жамики нобарликларидан қутулишнинг ҳеч чорасини тополмай қолади. *Ўзи ихлос билан сиғиниб юрган «фаришталар» ҳам, «гап тўла» калласи ҳам жонига ора кира олмайди.* Шамси Тўраевич эса бу пайтда инсультга чалиниб, ўлим тўшагида умрининг ниҳоясини кутиб ётган эди.

Асардаги энг муваффақиятли образлардан бири Вафо аттордир. Айниқса, ушбу персонажнинг тили ҳаётийлиги ва юморга бойлиги билан ажралиб туради. Вафо аттор қисса воқеаларига тасодифан кириб қолганга ўхшаса-да,

аммо асарнинг сўнгги нуқтасигача фаол ҳаракат қилиб, унинг гарданига юклатилган вазифа — Баширжонни чоҳ сари бошлаб боришни қойилмақом қилиб адо этади. Баширжоннинг хотини Зеварахон фолбиннинг бағорати билан бир ҳалол, бир ҳаром мол устидан сакраши керак. Шундай қилинса гўё ҳомиласи енгил туғилармиш. Ҳалол мол тезда топилади. Лекин иккинчисини топиш устида боши қотиб қолган Даврон тоға кўчадан «Шарабара-а-а» деган товушни эшитиб қолади ва маъна шу дақиқадан бошлаб китобхон жуда маҳорат билан яратилган персонаж билан таниша бошлайди. Вафо атторнинг ҳар бир гапи ўқувчи лабида табассум пайдо қилади:

«— Ассалому алайкум!

Икки йўғон овознинг баравар жаранглашидан Вафо аттор чўчиб тушади. Айниқса, у бироз башангроқ кийинган Баширжонга ҳадиксираб қараб, ўрнидан санчиб туриб кетди. Саломлашилгандан кейин:

— Вафо бобо, — деди Даврон тоға, — энди бир пиёла чой ичиб кетасиз бугун.

Вафо аттор норозилик билдирди.

— Йў, йў, асло. Бугун вақтим танг.

— Йўқ деманг энди, — қистади Даврон тоға.

— Йў, йў, ука... Ман яна бир неча кишлоқни айланшим керак, бу маслуқ эшак билан ҳали қачоқ уйга етаману... йў, бўлмайду. Даврон тоға нарироқдаги эски плугга бойлаб қўйилган, қориндор оқ эшакка ишора қилиб:

— Эшагизам бўғозми дейман, — деб сўради. Вафо аттор болаларга: «Қани боринглар акун, бўлди», — дея кичик сандиқчасини ёпаркан, Даврон тоғага: — Ҳа, ҳомиласи бор сабилни, — деди йўталиб олиб. — Энди шуни соғ-омон туғса, куррасини сақлаб, ўзини йўқотамиз. Биласизми, шу эшакнинг ўзидан ўн чоқли курра олдук... Ҳаммаси катта-катта эшаклар бўлиб кетишган».

Вафо атторни маҳаллий лаҳжадаги тили ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортиб туради. Вафо аттор пайдо бўлган саҳифалар қаҳқаҳа билан, завқ билан ўқилади. Зеварахон Вафо атторнинг синка суртилиб зангори рангга кирган (чунки фолбин ҳаром мол кўк рангда бўлишини буюрган) эшагининг устидан сакрайди-ю, шу билан Баширжон ила Вафо атторнинг тақдирлари боғланиб қолади. Юқорида эслатганимиздек, Вафо аттор Баширжонни ҳалокатга элтувчи муҳим воси-

та сифатида судрала бошлайди. Албатта Баширжондек товламачини чоҳ сари бошлаб боришга Вафо атторнинг якка ўзининг кучи етмайди. Худди шу пайт асар саҳнасида Вафо атторга кўмаклашиш учун Қиёмхон пайдо бўлади. Қиёмхон энди ҳақиқий офат эди. У қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, Баширжоннинг нурсиз кунлари ҳам шунча тезлик билан яқинлашиб келаверади. Лекин чўнтаклари «чуқур-чуқур» костюм кийиб юришга одатланган ва Қиёмхоннинг «чуқур-чуқур» чўнтакка солиб қўяётган пуллари ҳидидан маст Баширжон осмонда парвоз қилиб юргандай бўлади. Файласуф Сенанкур айтганидек: «Кўкка парвоз қилмоқчи бўлган одам кечки сояга ўхшаб, бир соат ичидаёқ узайиб, ўз эгасидан ҳам катталашиб кетади, гўё хиралашган сари чўзилаётганга ўхшайди-да, бир дақиқадан сўнг қарасанг йўқ». Баширжон йўқ бўлиши олдидан бир дақиқа катталашганда Қиёмхоннинг «доно» маслаҳатлари, Вафо атторнинг шерикчилиги билан талайгина жиноятлар қилади ва ўзига ўзи гўрковликни ўтайди.

Қўшқиссада Баширжон фақат мансаб, пул ва шунга ўхшаш шахсий манфаатлар донрасидагина тасвирланмайди. Баъзан у сарҳади кенгроқ воқеалар оқимига бурилиб, баъзан эса қўшилиб кетади. Баширжон пойтахт сафарида юрар экан «жаҳоншумул» илмий воқеанинг гувоҳи бўлади. Носиржон Айноқовнинг медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун «Ўлик соч тўқималарини қайта тиклаш ва соч илдизларини мустаҳкамлашнинг физиологик процесслари» деган мавзудаги диссертацияси ҳимоясига қатнашиб, «антитепакалин» дорисининг ноёб фазилатларидан хабардор бўлади... Баширжоннинг бахтига қарши бу дори фақат ондатранинг буйрагидагина эффе́кт бераркан, холос. Лекин Баширжон тушкунликка тушмайди ва «Бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин, албатта соч тўкилиши, тўғрироғи, сочнинг қайта кўкаришига яхши таъсир этувчи дори топилади» деб ўзича нажотбахш хулосага келади. Баширжон диссертация воқеаларида четдан кузатувчи бўлиб қатнашса, унинг «тирик шоирлар» билан учрашуви бевосита улар билан қилган мулоқоти асосига қурилган. Шамси Тўраевич отасининг қабрига ўрнатиладиган мармар тошга байт излаб тирик шоирларга йўлиққан Баширжон ҳам ҳовлиқиб, ҳам ҳаяжонланиб кетади. Шоир Қаримийнинг бирда олифталик билан, бирда сохта ғамгинлик билан қилган тақлидларидан таъсирланган Баширжон: «Тирик шоирлар қи-

зиқ бўларкан, зўр экан», — деб ҳовлиқади. Қаримий ўзининг нотавонлигига ишора қилиб: «Оҳ қани эди, маним ҳам шу қаргадек ўзимга хос овозим бўлса — деган хўрсинишини тушунмаган Баширжон ўзича бу нарсани илоҳийликка йўяди ва «Тавба, овозим олақарфага ўхшаса эди», — дейдими? Ё эси жойида эмасмикан? Ҳа, бунда бир гап бор. Бунга назар тушган. Раҳматли отам айтарди: «Агар бировга назар тушмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайди», — деб Қаримий «таланти»ни кашф этади.

Умуман олганда, қўшқиссадаги ҳар бир персонаж, қай бир вазиятда бўлмасин, ҳамиша энг зарур образ сифатида ҳаракат қилади. Улар ҳеч бир ўринда ортиқча киши сифатида кўзга чалинмайдилар. Бу қўшқиссанинг энг асосий муваффақиятли жиҳатларидандир.

Қўш қиссадаги қаҳрамонлар тили бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу эса ҳар бир персонажнинг ёрқин характер сифатида гавдаланиш имконини беради. Масалан, Шамси Тўраевич тили бироз расмий, суҳбатдошларига нисбатан анчайин менсимай муносибатда бўлиш ва «да», «неужели», «дурак», «тойис» каби русча сўзлар билан сохта улуғворлик яшашга мойил тил. Баширжон Зайнишевнинг тили эса «иккита». Н. А. Добролюбов «Обломовчилик нима?» мақоласида шундай деган эди: «Димоғдорликда ҳеч ким малайлардек уста бўлмайди: қўл остидаги кишиларга қўпол муомала қилишда эса ҳеч ким амалдорга хушомад қилувчилар олдига тушолмайди». Бу гаплар худди Баширжон Зайнишев ҳақида айтилгандек, унинг иккита «тили»дан биринчиси ақл-фаросатига мос — довдир, лақмалик аралаш қув ва ҳар хил бидъатларга муккасидан кетган, лекин қўл остидаги одамларга дўқ-пўписа қилишни яхши кўрадиган тил. Иккинчиси эса димоғдорлик билан ўзини саводли, билимдон ва маданиятли кўрсатишга уриниб, турли-туман мақоллар, ҳангомалар, газета-журналлар ва календарлардан ён дафтарига кўчирган олди-қочди гаплар, кинофильм, театр сахналаридан ва акахони Шамси Тўраевич тилидан ўзлаштиргач гап-сўзлар асосидаги ясама тил. Асарда шева ва лаҳжа фониди гапирувчи Вафо аттор тили зўр муваффақият билан яратилган.

ВАҚТ ҲУКМИ

Тарихий бурилишлар даврида ижтимоий ҳаётда жуда кўп нарса ўзгаради. Мутлақ ҳақиқат бўлиб туюлган гоё ва қарашлар дарз кетиши жамият тизгинини янгилашга олиб келади.

Аммо инсон ҳаётини тартибга солиб турувчи, маънавий ҳаётнинг муқаддас мезонлари мутлақ мангудир.

Хўш, инсон танлаган йўлига, дўстларига, эътиқодига бир умр содиқ қола биладими? Умуман содиқлик нима?

Маълум ижтимоий-ахлоқий қарашлар таъсирида тарбия топган киши умр давомида шаклланган баъзи бир нарсалардан воз кечмоқчи бўлса — уни эътиқодсизликда ёки сотқинликда айблаш мумкинми?

Туғилганиданоқ миясига сингдирилган ва сўнг системали равишда онг-шуурига қуйиб борилган мафкура ва гоёлар яроқсиз бўлса-да, принцип учун унга садоқат билан хизмат қилиш — эътиқоднинг мустаҳкамлигими?

Шу тарздаги саволу мушоҳадаларга турлича жавоб қайтариш мумкин. Лекин Октябрь тўнтаришидан сўнг кечган 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида кўп нарса ойдинлашдики, энди ана шу аччиқ ва аламли тажрибадан келиб чиқиб баъзи жавобларни умумлаштириш имконига эгамиз.

Аввало ўтган давр тарихига баҳо беришга шошилмаслигимиз, айниқса, конкрет шахслар фаолиятига тўхталганимиздан объектив бўла олмаслигимизни ёдда тутмоқлик зарур. Айниқса, бу даврни қоралашга, қоралаганда ҳам барча нарсаларни худди ўтмишдошларимиз большевикларга хос бус-бутун, ёнишга инкор қилиш йўлидан бориш хавfli ва зарарлидир. Чунки қоралашга ҳали улгурамиз.

Улуғ файласуф М. Бердяев «Ўзгаришлар ичра ўзгармай қолиш шахснинг биринчи фазилати», деб айтади. «Ўзгармай қолиш» бу ўринда қотиб қолган қарашларни (догматик) дастак қилиб олиш маъносида эмас, соф инсоний муносабатлар доирасидаги ахлоқий-маънавий қадриятлар хусусида кетяпти.

Сиёсий-мафкуравий гоёларнинг ўзгариши билан фикр-ўйлар, қарашлар ўзгарганлигини тушунса бўлади. Даврнинг қутқуси кўпгина чинакам истеъдодли одамларни ҳам йўлдан урганлигига гувоҳмиз. Буларнинг барчаси кечиримли. Лекин соф инсоний муносабатлар-

даги айнишу ўзгарувчанликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

Инсоний муносабатлар собитлиги ва беқарорлиги ҳам мураккаб эволюцион жараёнларни ўз ичига оладики, бу ўринда узил-кесил хулосага келиш қийин. Соф инсоний муносабат, аввало, қайси жиҳатлари билан бошқа муносабатлардан фарқланади — шунини аниқлаб олиш зарур.

Инсон оғир дамларда бир муддат ўзини йўқотиб қўйиши, баъзан муросасозлик, ҳатто принципларидан воз кечиши мумкин. Фақат виждонига хилоф иш тутмаслик, ўзи учун муқаддас бўлган ахлоқ устунларининг дарз кетишига йўл қўймаслик — шахс сифатида ўзлигини сақлаб қолишга гаровдир.

Умумий ёлғончиликка асосланган, халқнинг энг сара қадриятлари устида култепа тикловчи тоталитар мафкура мағлубиятидан сўнг ҳам уни зўравонлик билан қайта тиклашга уриниш ёки хайрихоҳ бир йўл тутиш — эътиқод кучининг зўрлиги эмас, жаҳолатпарастлик васвасасининг ёвуз кўринишидир. Инсон эркига, шахс мол-мулки, диёнати дахлсизлигига қилинган ҳар қандай тажовуз — хоҳ у большевизм, хоҳ фашизм тусида бўлсин — инсониятга нисбатан даҳшатли жиноятдир. XX асрнинг энг катта сабоғи эндиликда тарих тусини олган умумий маҳв этиш системасининг пайдо бўлиб, ҳалокатга учраганлигидадир. Бироқ оз муддат бўлсада ҳукмронлик таъмини тотиб кўрган бундай психология инерцияси вабо вирусидек ҳамон ўлмаган. У ҳозир ҳам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда жазава ичра «халоскорлик» даъвоси билан чиқаётган янги «доҳий»лар фикр-ўйларини буткул асир этган. Хавф ҳамини бошимиз узра муаллақ турибди.

Юқорида қўйилган бир неча саволга тадқиқ доирасига тортилган «Ёлғончи фаришталар» қўшқиссаси мисолида жавоб ахтарсак мақсадга мувофиқ бўлади. Аввало мазкур асарга китобхонлар ва расмий доиралар муносабати устида тўхталсак.

Асар босилиб чиққандан сўнг матбуотда бир талай мақолалар эълон қилинди. Баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Ёзувчи ўқувчилардан кўплаб мактублар олди. Ўзбек адабиётида илк бор яратилган мазкур йирик ҳажвий асар биринчи ҳажвий роман ҳам деб баҳоланди. Асарнинг жанр хусусияти эмас, унинг миллий адабиётимизда тутган ўрни ҳамда даврнинг ижтимоий руҳини нечоғли акс эттирганлиги ҳақида, шунингдек, персонаж

ларнинг ўзаро муносабатлари ва юқорида тилга олинган муаммолар хусусида алоҳида-алоҳида фикр юри-тиш имконига эгамиз.

Китобхонларнинг ёзувчига йўллаган хатларини таҳлил қилиш баробарида шу нарса маълум бўлдики, халқимиз чинакам, бадий буюқлар мўл ҳажвий асарларга жуда чанқоқ. Сийқа, яланғоч ҳажвиётлар, қитиқлаб кулдиришга қаратилган китоблар ҳамманинг меъдасига текканлиги аён. Уқувчи Неъмат Аминов ҳажвиётида кўпдан интиқ бўлиб кутган нарсасини топгандай бўлади. Китоб уларда фикр уйғотади. Баҳсга чорлайди. Хатлар ичида бадий адабиёт унсурларидан беҳабар кишиларнинг оддий, содда мулоҳазалари ҳам учрайдики, бу китобхонларимиз савиясининг ўзига хос кўзгусидир. Уқувчини асар моҳиятини тўғри тушунмаганликда айблаб бўлмайди. Ахир зукко китобхон ҳам, савияси ҳаминқадар ўқувчи ҳам осмондан тушмайди-ку? Одамлардаги китоб ўқиш маданияти ва савод-савиясини ёзиллаётган китоблар белгилайди. Бизда 70 йил мобайнида қандай китоблар ёзилмади дейсиз. Буларнинг барчаси халқ маънавиятида ўз изини қолдирди. Бир сўз билан айтганда, китобхон савияси учун энг аввало ижодкорлар жавобгардирлар. «Ёлғончи фаришталар» ёлғончи жамият кўксига ханжардек қадалди. Ҳамиша ҳамла қилиб келган, фақат ҳужумкор бўлган система жиддий ва ўта хавфли қаршиликка дуч келди. Шундан сўнг ҳарбийча тил билан айтганда «манёвр» қилиш бошланди. Қаршилиқни қандай енгиш мумкин? Чекиниш мумкин эмас. Орқада... жарлик.

Жамият шундай ривожланган эдики, у олдинга, фақат олдинга интилиб, орқасида қолаётган қонли ва қора изларни кўрмас, ҳосил бўлган тубсиз жарлиқни сезмас эди. Чунки орқага қарашга ҳеч ким, ҳеч нарса мажбур этмас, олдинда ҳеч қандай қаршилиқ кўринмас эди.

Қаршилиқ учқунлари илк бор адабиётда кўрина бошлади. Дастлаб жуда пардаланган тарзда, баъзан «тарихий мавзу» шаклида, сўнг «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонлар тўқнашувларида куртак кўрсата бошладилар қаршилиқ. Лекин очиқ-ойдин қилич яланғочлаб чиқиш шу қилич тигига бош қўйиш билан баробар эди. Кундага бош қўйганлар ҳам бўлди. Аммо ҳозир уларнинг жасорати хусусида эмас, бошқа муносабат ҳақида сўз юритаётганлигимиз боис, бу борада мухтасарроқ бўлишимиз керак.

Тоталитар тузум ва империянинг тугаб, «совет» халқлари озодликка чиқиши билан якунланган қайта қуриш сиёсати энг аввало адабиётда пайдо бўлганлигини ҳамма эътироф этди. «Ёлғончи фаришталар» ҳам келажакни тайёрлаган асарлар сирасига киради. Бу асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Қўшқисса очиқ исёнкорлик руҳи билан ажралиб туради. Сиёсий йўриқчилар адабиёт бўйнига одамларни қандай яшаш кераклигига ўргатиш вазифасини юкладилар. «Ёлғончи фаришталар» эса бундай яшаб бўлмаслигини кўрсатди. Шундай бўлса керак, асар босилиб чиққан вақтларда адабий-расмий доирада қўшқисса тўғрисида илиқ гап айтишга шошилмадилар. Зеро, асар бу нарсага муҳтож эмас эди ҳам. Ҳаққоний баҳони вақт ва китобхоннинг ўзи берди.

Энди бевосита асардаги муносабатлар таҳлилга кўчсак. «Ёлғончи фаришталар» ўзининг юксак бадий қиммати, чуқур ижтимоий мазмуни билан ажралиб турса-да, лекин бу китобга ҳам маълум маънода замоннинг талаблари нуқси урган. Лекин у зинҳор замонбоп ёки замонсоз асар эмас. Фақат ёзувчи замонга, жамиятга чин муносабатини билдириш ва уни халққа етказиш учун баъзи ўринларда чекинишларга йўл қўйган. Асар мазмунидаги бош мақсадга шу йўл билан эришилган. Баширжон Зайнишев характери орқали бутун бир давр раҳбарларининг пуч фаолияти ва фоже ҳаётини кўрсатиш учун ижобий тусдаги Хўжақулова ёки Солиҳов образи керак эди. Бу персонажлар бош ғояни амалга ошириш учун қалқон эди, холос. Даврнинг мураккаблиги нуқтан назаридан ёзувчининг ушбу усули тушунарли. Китобхон сезиб туради: ёзувчининг мақсади Хўжақулова ва Солиҳовнинг ижобий хислатларини кўрсатиш эмас. Қоса тагида ним қоса, таъбир жоиз бўлса—катта қора қозон бўлиб кўриниб туради.

«Қора қозон» асарнинг яна бир бош қаҳрамони Шамси Тўраевич тили билан айтганда «оқармасдан доимо қораланиб келаётган» Баширжон тимсолида намоён бўлади.

Қўшқиссанинг деярли барча персонажлари воқеалар давомида Зайнишев билан тўқнашади. Ва улар ҳар бирининг бу образ учун маълум вазифаси бор. Сюжет чизиқлари бош қаҳрамон атрофига боғлаш, боғлаганда ҳам бирорта энг кичик чизиқчани-да унутмаслик адибдан зўр маҳорат талаб қилганки, бундай мураккаб иш

муваффақиятли ҳал қилинган. Қисқаси, «қора қозон» — Баширжон асардаги бошқа ҳамма қаҳрамонларга ўз «қора»сини юқтирган.

Баширжоннинг турли вазиятлардаги турланиб-туслашишлари, одамлар билан турли тилда гаплашиши характериининг энг нозик қирраларигача очиб беради. Лекин бу нарсалар унинг инсон сифатида тўлиқ гавдаланишига асос бўлолмайди. Зайнишев ҳар қандай одам сингари танҳо қолган пайтларида қилган ва қилиши зарур бўлган ишларни ўйлаб кўради. Қаерда хато қилди (хатони тушуниши ҳам ўзига хос), қай ўринда «муваффақият» қозонди — қайта идрок этади. Айниқса ўз-ўзи билан «суҳбатлашиши» жараёнида бутун ички олами ойнадагидек акс этади. Масалан, Қирмизхон билан «висол» учрашувидан олдин шаҳар кезиб анча ўйланади. Бир «бораман» деса, бир «бормайман» қарорига келади. Бамисоли икки ўт орасига тушиб қолган одамга ўхшаб кўринади. Қасалхонада қийналиб ётган хотини эсига тушганда — «бормайман», кўчада оёғи «бутиличный» бўлган аёлни кўриб қолса — «борарман» бўлади. Шу тахлит икки-уч бор қарорини ўзгартиради. Қизиғи қарорини ўзгартиришига арзимаган нарсаю ҳолатлар сабаб бўлади. Идорада Қирмизхон билан айш устида қоровул чолга тутилиб шарманда бўлгандан сўнг «исқирт бир қоровулдан: «касофаттинг ўзингга урсин», деган қарғиш эшитдим-а. Мен аҳмоқман, мен эшак, йўқ-йўқ, итман», — деб ўзини ҳайвондан олиб ҳайвонга солади. Худди айни ҳолларда Зайнишев ҳақиқатда қандай одам эканлиги ойдинлашиб боради.

Довдиру ношудлиги сабаб, Баширжон доимо қалтис вазиятларга тушиб юради. Худога тавба-тавалло қилиб нажот тилайди. Сўнг озгина бошини қотириб, хаёлига келган биринчи режани амалга оширишга киришди. Юқоридаги шармандали аҳволдан эсон-омон қутулиш чорасини излаб Қирмизхон номидан сохта ариза тайёрлатади. Аризада «оддий бир совет аёлига» қоровул чол «худди босмачилардек зўравонлик қилиб» «қучоқламоқчи» бўлганлиги дарду изҳор қилинади. Қоровул чол — Ислом ота учун «ариза»даги ҳайратли жой «яқинда Қиёмхон ака» билан Қирмизхоннинг тўйи бўлиши ҳақидаги хабар бўлади. Шунда у «Ит билан мушукнинг ялоғи бир бўларкан-да», деб аччиқ киноя қилади. Ислом ота ариза қуруқ туҳматдан иборат эканлигини билиб, чолларга хос вазминлик билан «Башир-

войчи, сиз кўп ҳам анави мошакка қўшилиб мани май-дагап, деб ўйламанг. Ман чақимчиликни ўзимга ор бил-ламан», — дейди. Огир аҳволдан бу қадар осон қутул-ган Баширжон ҳовлиқиб, буни калласида «гап кўплиги, тўла ақл»лилига йўяди.

Зайнишев фожияси шундаки, у вазиятга ҳар қалай баҳо бера олади. Аммо ундан тўғри хулоса чиқара бил-майди. Одамларнинг унга нисбатан қилган яхшилиги ёки хайрихоҳлигини ҳам ўзининг ақллилиги туфайли, деб ўйлайди. Шундан бўлса керак, у ҳар қандай киши билан бўлган муносабатда самимий бўлаолмайди. Самимийдек туюлган гап-сўзлари бор, лекин булар унинг тўпорилиги ва гўл, фаросатсизлигига далилдир. Қиём-хон суғурта қилиш билан қандай қилиб «чап» йўл бил-лан пул топишини ўргатса-да, ҳеч нарсага тушунмайди. Қолхоз «бошбух»и Қурбонов даромад манбаларидан бири — отарлардаги чўпон кучуклари емишига ажра-тилган маблағ эканлигини тушунтирса, «бизларнинг меспромкомбинатда чўпон кучуклари йўқда», — дея алам билан афсусланади.

Баширжон доимо билимдон, ҳамма нарсадан хаба-ри бор бўлиб кўриниш учун газета ва календарлардан турли олди-қочди хабарларни йиғиб юради. Ҳаммага маълум нарсалар ҳақида барчани энсасини қотириб ўқиб бериб бошини қотиради. Бундай «донишмандлик» ўша йиллар раҳбарлари учун характерли ҳодисадир. Зайнишевнинг гўллиги ҳам, «доно»лиги ҳам шундай тасвир топганким, беихтиёр, унинг ана шу икки хис-лати ўртасида ҳеч қандай фарк йўқ-ку, деб юборасиз. Бироқ Баширжон Қиёмхонга ўхшаш лаганбардорлар сўзига ишониб, уларнинг «сиз ажойиб нотиксиз», де-ган сохта мақтовларидан ҳаволаниб, ҳақиқатан ҳам ноёб иқтидор эгаси эканлигига ўз-ўзини ишонтирмоқчи бўлди. Худди латифадаги болаларни «бепул нишолда сотаяпти», деб алдаб, сўнг бу гапга ўзи ҳам ишониб югурган Афандига ўхшаб.

Баъзан ўйланиб қоласан киши, Баширжон Зайни-шевга ўхшаш одамлар қандай қилиб раҳбарликка ке-либ қолишдийкин? (Бу саволга кейинги бобларда му-фассал жавоб берилади.) Китобда ҳам бу саволга аниқ жавоб мавжуд. Аммо реал ҳаётда ҳам аини китобдаги ҳолат барқарор эдики, қай тарзда фош этувчи бундай асар ёруғликка чиққан? Шу ўринда бир қисқа мулоҳа-зани билдириш мавриди келди. 70-йилларда ёзувчилар йўлига қўйилган маълум тўсиқларни назарда тутиб,

кўпчилик адибларимиз «фалон мавзуда ёзмоқчиман, лекин бу жамиятда босиб чиқариб бўлмайди», қабилдаги гапларни бот-бот айтиб қолишарди. Албатта, бу гапда жон бор эди. Аммо ўтмишга бир разм солсак жуда оғир, мусибатли замонларда ҳам катта истеъдод эгалари мавжуд тартиботларга қарши халқнинг дарду аламларини оригинал йўллар билан кўтариб чиққанларки, бу энди кўп жиҳатдан ёзувчи истеъдоди ва жасоратига боғлиқ бўлган. Ёв қочса ботир кўпаяр, деганларидек, гуруҳбозлик билан ёзилган романлару роман-монологлар умри худди юқоридан бошланган гуруҳнинг умридек қисқа бўлди. Неъмат Амминов ижтимоий адолатсизлик кўрғонига ҳали кўрғон деворлари мустаҳкам турган бир пайтда «хужум» қилди. Бизда кўпинча кўрғон вайрон бўлиб, харобага айлангандан сўнг хароба остида қолган ахлатлар титилади.

«Ёлғончи фаришталар» номининг ўзида қандайдир рамзий маъно бор. Баширжоннинг фаришталарини қўя турайлик-да, ўзини фаришта деб эълон қилган «халқпарвар» раҳнамолар ҳақида баҳс юритайлик. Катта-катта анжуманлар минбаридан, газеталар, радио-телевиденидан узлуксиз янграб турган ёлғон жаноби олийлар шундай бир мақомга эга эдиларки, ёлғон сўзлаш мажбурий нарсага айланиб қолган эди. Баширжон камданкам ўринда, деярли мутлақо рост гапирмайди. Оилада хотини Зеварахонни Қиёмхондан олган порасини бу бошқа бировни пули деб, ишхонада Хўжақуловани райкомнинг биринчи котиби топшириғи билан фалон колхозга кетаяпман деб, маиший ҳаётда Қирмизхонни маданият уйига ишга оламан деб, акахони Шамси Тўраевични гўё қўй оғзидан чўп олмаган бўлиб кўриниб — алдайди. Умуман ҳамма ишни — Қирмизхонни облгосстрах бошлиғи жияни деб ишга олишдан то Қиёмхонни «уйлантириб» қўйишгача — ёлғон билан битиради. Чунки жамиятнинг ўзи ёлғон асосида қурилиб, ёлғонлар билан яшаб, ёлғонларга йўл очиб қўйган эди. «Фаришталар» ҳам, «шайтонлар» ҳам бирдек ёлғончи, бирдек товламачига айланиб, бутун давр устида қора калхатдек чарх урарди. Уртамиёна, ёлғончи, нопок одамлар калхат қанотида юқори чўққиларни забт этишар, минглаб-миллионлаб одамлар устидан ёлғончилик билан ҳукмронлик қилишарди. Афсуски, яратилаётган асарларда ёлғон улуғланиб, одамлар чалғитилар ва маънавий ёлғончилик билан савдогарлик қилинади. Бундай бозори чаққон «савдо» ҳар томонлама қўллаб-қувват-

ланар, уларнинг эгалари мукофоту унвонлар билан тақдирланар эдилар. Бунинг тескариси бўлган — ёлғонлар қўрғонига ўт қўйгувчи «Ёлғончи фаришталар» сингари асарлар «адолатпарвар» тузумга туҳмат деб эълон қилинар эди.

Ёзувчини узоқни кўзлаб асар ёзган ёки ҳаётни бори-ча тасвирлаган деб айтишимизга асос бор. Лекин ҳозир босиб ўтилган йўлимизни қайта идрок этиб, шу нарсага амин бўлаяпмизки, илгарилари салбий қаҳрамон қилиб кўрсатилган айрим характерлар бугун ижобий, авваллар биз ижобий деб эргашган одамлар салбий аҳамият касб этмоқда. Неъмат Аминов ижодий тақдири, у яратган қаҳрамонлар тақдири тамоман бошқача. Яъни «ўзгаришлар ичра» уларнинг моҳияти ўзгармай қолди. Нафақат ўзгаришсиз, ҳатто янада теран аҳамият касб этди. Чунки ёзувчи маълум бир давр муаммо-муносабатларини замон талабига қараб эмас, ҳақиқат тақозоси, виждон садоси ичра қаламга олди. Одамларни қийнаётган, уларни ўйлантираётган оғриқли муаммолар, жамият танасига мўр-малахдек ёпишган иллатларни ҳар бири алоҳида тип даражасига кўтарилган персонажлар характерига сингдириб юборди. Давр ва сиёсат ўзгариши билан ўтмишга айланган кечаги кунларимиздан узоқлашганимиз сайин Неъмат Аминов асарларининг бадний-ижтимоий қиммати янада ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Эътиқодли инсонлар доимо оламни жамики қабоҳатлардан асрагувчи, бу йўлда жонини фидо қилиб курашувчи, жисми ҳалок бўлса-да, руҳи чирқиллаб одамларни бало-қазолардан огоҳ этувчи улуғвор кимсалардир. Эътиқод шамчироғи довулларга дош бергувчи, оламни чароғон қилгувчи серҳиммат борлиқдир. Биз яқин ўтмишдан муқаддас чироғимизни ўчирдик. Ўзўзимизни зулмат қаърига итардик. «Ёлғончи фаришталар»да ҳаракат қилаётган одамлар зулматда адашиб, дунё ва инсон моҳиятини англаёлмай юрган маънавий сўқирлардир. Эътиқодсизлик уларнинг шиори, байроғи. Эътиқод улар учун — манфаат. Манфаатнинг қулида эса эътиқод бўлмайди. Нақадар аччиқ, аламли қисмат. «Мен «атеистман», — деди кўкрагига уриб. — Лекин, худога шукр, мусулмонман...». Баширжон истаган пайтда манфаатига хизмат қилувчи томонга ўтишга тайёр. Аслида Шамси Тўраевич Баширжон Зайнишев орасида унча катта фарқ йўқ. Фарқ фақат улар эгаллаб тур-

ган лавозимда. Шамси Тўраевичнинг «ақллилик балоси» мансабининг Баширжонникидан юқори бўлганлигида. Зайнишев Шамси Тўраевичнинг ҳар бир гапидан, ҳар қандай қилиғидан маъною ҳикмат излайди. Баширжонни Шамси Тўраевичнинг амали кўр қилиб, ақлини олиб қўйган. Шу боис «акахон»нинг энг бачкана қилиғида ҳам «маъно» кўринади. Шамси Тўраевич бутун қилмишларини ниқоблаб биладиган, ким билан қайси тилда гаплашишни пухта ўзлаштириб олган, манфаат-мансабига хавф солувчи нарсалардан узоқроқ юрувчи маккор одам. У ана шу хислатлари билан «укахон»идан ажралиб туради. Баширжон ҳам акахонига ўхшагиси келади. Лекин унинг интилишлари тақлиддан нарига ўтмайди. Табиатан ношуду нотавон Баширжон, бошқа соҳаларни қўятурайлик, ҳатто турган-битгани ясамаликдан иборат, кишини нафратини қўзгатувчи иллатларни ҳам ўзлаштира олмайди. Бир умр арасат оқавалари ичида кўпикдек дам «шишиб», дам «ёрилиб» юради.

Ижтимоий адолатсизлик авж олган, инсон чидаб бўлмас ҳақоратлар гирдобига улоқтирилган тоталитар тузумда шу жамият амалдорларини ҳажв тиги остига олиш адибдан фақат истеъдод ва жасоратнигина эмас, ўқувчи билан китоб орқали мулоқотда ҳақиқатгўйликни талаб қилганки, Неъмат Аминов ниҳоятда оғир бу мушкулотни тоза виждон билан бажо келтирган.

Уша даврда рост гапни ёзиш учун ёлгонни кўрсатиш керак эди. Рост сўзни айтиш учун ёлгон сўздан оғиз очмаслик, қоғозга туширмаслик зарур эди. Баъзи ёзувчилар айрим асарларини адабий маҳорат нуқтан назаридан эмас, умри қисқа сиёсатлар таъсирида икки-уч бор қайта ёзишга ёки айрим бобларини ўзгартиришга мажбур бўладилар. Сиёсий вазиятнинг ўзгарганлиги шунчаки бир баҳона, холос. Чунки улар аввалбошдан оқ рост гапни эмас, ёлгонни ёзишган эди. Ёлгоннинг эса умри қисқа, тез миси чиқади. Сиёсатга қараб китоб моҳияти ўзгартирилаверса, адабиётдек муқаддас майдоннинг мангу қонуниятларининг аҳволи не кечади. Ўзгаришлар ичра ўзгараётган китобларнинг мазмуни-ю, ёзувчиларнинг эътиқодини умуман адабиётга даҳли борми ўзи? Минг унвону мартабаларга эришмайлик бир кун келиб ана шундай аччиқ саволларга жавоб беришимиз керак эди. Шукрким «Ёлгончи фаришталар» муаллифини чархи кажрафтор бундай саволларга рўбарў қилмади. Бундай тақдир афсуски бармоқ билан санарли адибларгагина насиб этди.

Жаҳон ҳажвий адабиёти тарихига назар солсак, ҳукмдорлар ва оддий халқ муносабатлари кескинлашиб, адолатсизлик, зулм ва маънавий террор авж олган вақтларда ижтимоий ҳақсизликнинг акс-садоси сифатида юксак ҳажвий асарлар пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳукмдорлар тимсолида жамиятнинг заҳар-заққумига айланган яралари яққол акс этди. Совет даври бутун мураккабликлари, аламли йўқотишлари фоже қисматлар билан 60—80-йилларда халқ ҳаётини, жамият тақдирини ҳалокатли манзилга олиб келди. Таг-томири билан чириган ғоялар, фаровон турмуш, бахтли келажак тўғрисидаги баландпарвоз ваъдалар ҳеч кимни ишонтирмай қўйди. Одамлар онгини лоқайдлик асир этди. Катталарнинг ҳаёти, пайдар-пай маърузалари ялпи киноя ва кулгу тигига учради. Утмишда кўп маротаба бўлганидек, иллатлар илдизини фош қилишга вазият етилган эди. Аммо уни «операция» қилишга бел боғлаган «жарроҳ»ликка ҳамма ҳам рози бўлмас, чунки ичи чириган бўлса-да, ҳали ташқи томони ҳайбатли ва ялтироқ эди жамиятнинг. Айниқса ҳажвиёт ҳақида реализм талабларидан келиб чиқиб шаклланган нуқтан назар, ҳажвнинг ичи моҳиятини инкор этар ва унинг заҳарли тиги муҳолифларимизга қаратилган бўлиши керак деган расмий кўрсатма бор эди. Неъмат Аминовнинг ижод тақдири «жарроҳлик»ка бел боғлашни тақозо қилар, зеро ёзувчи бошқа иккинчи бир йўлни кўрмас эди.

Ҳажвнинг вазифаси юқоридан белгилаб берилиши, фақат рухсат берилган нарсалар устидан кулиш удумининг шаклланиши даврнинг қанчалик ўткир маънавий инқирозга учраганига далилдир. Бадний ижоднинг шундай сир-синоатлари борки, у баъзан ҳеч қандай таъйиқ-тўсиқларга бўйсунмай, табиий йўналишини давом эттираверади. Аксинча, оқимга қарши «сузади». «Ёлгончи фаришталар» ҳалокат денгизига элтувчи умумий оқимга қарши ҳаракат қилган китобдир. Уша йилларда ғўзани сув бостирган бригадир, сояда мириқиб ухлаб ётган сувчи, ҳалол меҳнат билан томорқасида етиштирган сабзавотни «ғўза чопинига чиқмасдан» бозорда сотаётган қишлоқ аёли, кўча четида ётган пиянис-та сингари ижтимоий гуруҳлар сатира тигига нишон эдилар. Фақат шуларнинг устидан кулишга рухсат берилганида Шамси Тўраевич, Баширжон Зайнишев сингари олган порасини ҳам «она сутидек ҳалол» қилиб оладиган раҳбарлар устидан кулиш ман этилган эди.

Чунки биз коммунизмга ўтишнинг сўнгги фазаси — «ри-вожланган социализм» даврида яшамоқда эдик. Биз иллатлардан холи жамият қурдик, деб бутун дунёга эълон қилдик. Ана шундай «улкан ғалаба»лар ғалаба-ларга уланиб кетаётган бир даврда «ёлғончи» бир нараса, айниқса, атеизмга тўғри келмайдиган «фаришта»нинг пайдо бўлиши фақат адабий ўлчовларнигина эмас, ҳокимият ва одамлар муносабатини ҳам ўзгартириб юборди. Дунёга очиқ кўз билан қарашга журъат этмасак-да, қалбда аллақандай иштиёқ уйғонди. Ёзувчилардан фақат «ўз вақтида ёзилган асарлар» кутишга ўрганган «раҳбарий органлар» бевақт ёзилган ушбу асарни ҳарна уринсалар-да, ўз вақтида олдини ололмадилар. Ушбу асар босилиб чиққан пайтда маънавий, иқтисодий зулм ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди.

Зулм 17-йилнинг нарёғида қолиб кетди деб ўргатишди. Аммо зулмнинг зўрлиги одамларни муте инсонга айлантириб, фикрда, психологияда, ишда фаолиятсиз, фарқсиз, лоқайд «темир одам»ларга айлантирадики, бу инсоният тарихида мисли кўрилмаган фожиа эди. Қамчи излари қолган баданимизни силай туриб бахтиёрлик ҳақида куйлаш, «кишанлар билан дўстлашиш» (Чўлпон сатри) инсон шаънининг шафқатсиз ҳақорати эди. Ана шу шафқатсизликни айтиш шафқатсиз жазога муқаррар дучор бўлиш билан баробар эди. Назаримда, ҳажвий асарлар зулмнинг ойнаси, зулмга маҳкум одамлар қалб нидосининг акс садосидир. Давр фожиаси ҳам, инсон фожиаси ҳам кулги қаватларига жо. «Лабда табассуми кўзда ёш билан» (А. Орипов сатри) нажот кутган одамнинг илинжи, илтижоси асар қаватларида қаҳқаҳа бўлиб кетган. «Ёлғончи фаришталар» ана шундай фавқулодда ҳажвий драматик асар. Неймат Аминов катта маҳорат ва истеъдод билан даврнинг буюк адолатсизликларига ўз муносабатини маълум қилди.

Бу муносабатларга муносабат билдириш вақт ва китобхонлар ҳукмига ҳавола.

ХУРЛАНГАН ОДАМ

Таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов Неймат Аминов ижоди ҳақида ёзар экан: «Ёлғончи фаришталар»да елвизакфеълу суваракмижоз одамларнинг моҳияти фош қилинган — уларнинг «яккаш му-

теълийк, тамъаъгирлик ва майда, шахсий ўй-ташвишлар билан ўтган умри» гоъят маъносиз, «инсон шаънига доғ туширадиган умр экани»ни алоҳида таъкидлайди. Олимнинг ушбу мухтасар фикридаги «инсон шаънига доғ туширадиган умр» деган жумласи китобхонни жиддий ўйлар гирдобига тортади. Ҳажвий, бунинг устига юмористик тасвир-лавҳаларга бой асар ҳақида бу қадар кескин, ижтимоий тусдаги мулоҳаза китобхонни асар ҳақидаги илк таассуротини жиддий шубҳа остига олади. Баширжоннинг бир қарашда тўпори феъли дастлаб ўзи сезмаган (фақат Баширжоннинггина эмас) чуқур фожиалар занжири билан кишанбанд этилганлигини идрок эта бошлайди. Ниҳоят бундай тоифа шахслар жамият учунгина эмас, умуман инсон аталмиш мўътабар ном моҳияти учун икки карра зарарли эканлигини англайди.

Инсонларнинг феъл-атвори, ўй-мақсади турлича. Ҳамма инсондан бир хил характери, бир тус фикр-мулоҳазани талаб қилиб бўлмайди. Аммо инсоннинг инсонлик белгиси бир хил тошу тарози билан ўлчанади. Оддий мантиқ. Бироқ, оддий ҳақиқатни англаш — ўз-ўзини, ҳаётни, дунёга келиш-кетиш сабабини англаш билан тенг. Булар эса мутлақо улугвор ҳақиқатлар, жамият ва шахс муносабатларидан ёки муайян жамият қандай тартиботлар ва маънавий-ижтимоий қонунлар асосида қурилганлигидан қатъи назар, ахлоқий қадриятлар, мутлақ ўзгармас ва моҳиятан собитдир.

Неъмат Аминовнинг «Ёлғончи фаришталар» романи гарчанд ҳажвий асар бўлса-да, инсон характерини тадқиқ қилиш борасида, айниқса, ноҳалол йўл муқаррар фожиага етаклаши чуқур ижтимоий ва бадний мазмуни билан ҳар қандай жиддий асар билан тенглаша оладиган даражададир. Адабиётшунос олим, таржимон Иброҳим Ғафуров шундай деб ёзган эди: «Распутин худди Айтматов каби ҳар бир ... инсонга мисоли бир бутун давлат каби қарайди. Инсон деб аталган давлатнинг барча қудратли ва заиф томонларини яширмай, ошкора ёзади. Аччиқ, ҳаддан ташқари кескин, аммо рост сўзларни ёзишдан ўзини тиймайди. У виждонийликни инсон давлатини давлат қилиб, устивор этиб турган олий маънавий ҳодиса каби қарайди» (Иброҳим Ғофуров, «Шарқ юлдузи», 1986 й, 17-бет). Неъмат Аминов ниҳоятда аччиқ, аламли тақдирлар ва воқеаларни ҳажв остига олар экан, энг аввало уни ҳақ-

қоний, ишонарли тарзда ўқувчига етказа олган. Давр сиёсати қанчалик оғир бўлмасин, виждонийлик, ҳақиқат чегарасидан чекинмайди.

Ёзувчининг тасвирдаги ҳаққонияти ва характер моҳиятига ижтимоий мазмун юклаш маҳорати Баширжон образида тўла намоён бўлган.

Баширжон акахони Шамси Тўраевичга пойтахтдан бир талай нарсалар билан бирга ақлию фаросатига мос — пойабзал киядиган куракчани совға сифатида олиб келади. Совға куракчани бошқа куракчалардан фарқи шундаки, унда ҳабаш боланинг тасвири бор. Баширжон ялтоқланиб, совға учун акахондан мақтов кутиб турган бир пайтда «сиёсий ҳушёр» Шамси Тўраевич: «— Менга қара, Башир. Бу совғанг менга ўтиришмади, ука.

— Нега, акажон?

— Бу ерда одам хўрланган. Бу капиталист, ирқчи ва эксплуататорлардан чиққан гап. Мен эксплуататор эмасманки, хизматимга қора танлилардан фойдалансам», — дейди у. Тўғри, Шамси Тўраевич хизматига қора танлилардан фойдаланмайди. У Баширжонлар хизматини афзал кўради. Чунки у — эксплуататор эмас. Шамси Тўраевич ҳабашни инсон, деб хўрламайди. Ваҳоланки, хўрланган «инсон» унинг қаршисида мутеларча бош эгиб, акахонни хурсанд қилолмаганидан эзилиб боши хам, хаёли забун ҳолда ўтиради.

Шамси Тўраевич Баширжонга неки мурувват кўрсатса, унинг инсонлик қадрини хўрлаб, кўнглини синдириб, сўнг бир тўхтамга келади. Шамси Тўраевич Зайнишев тақдирига ҳеч қачон жиддий муносабатда бўлмайди. Уни қаерга хоҳласа ишга жўнатиб юбораверади. Баширжон гўё шоҳмот тахтасидаги ҳуқуқсиз пиёдага ўхшайди. Истаган вақтда уни алмаштириш ёки қурбон бериш мумкин. Аммо Баширжоннинг «пиёда»дан фарқли ўлароқ бир устун жиҳати бор. У «керакли тук». Уни буткул юлиб ташламайдилар. Аксинча, «тук» юлиб ташланиши муқаррар бўлиб қолганда уни ҳимоя қиладилар.

Баширжоннинг урилиб-сурилишию қайта-қайта тирилишида қизиқ ҳангома бўлиб туюлса-да, лекин ҳукмрон сиёсатнинг ғалати бир ўйинининг сири очилиб қолади. «Бюро» деб аталмиш ҳукмдор кимнидир арзимаган нарса учун бутун умрини, касб-қорини, тақдирини хонавайрон қилиши, кимнингдир эса, у давлатга нисбатан хавфли жиноят қилса-да, ажабтовур форму-

лировкалар билан ўз бағрида омон-эсон сақлаб қолиш мумкин. Қим нима учун асраб қолиниши керак — бунинг ҳукмдор яхши билади. Билмаганларга билдириб қўяди. Чунки, «тук» — инсон туя эмас, уч жойида боши кесилса. Билмаганлар уч жойдан — демакки «бош»ни бутунилай кесиб ташламоқчи бўлишади. Бюрола «бош»ни асраб қолиш учун «қўллаб юбориш» ваъдаси олинган, ваъда берилган. Ана шу ваъда жамиятдаги юксак ахлоқдан, амалдаги қонулардан, бюро ўзи таянган уставдан устун ва кучли. Гап хўрлангану зорланган бўлса-да, керакли одам устида боряпти. Бу пайтда «арзимаган учта дарвоза» деб, керакли кадрни жув инмарг қилишнинг кимга кераги бор?...» Майли, бу тал партия сизни ўз сафида олиб қолади. Лекин, шунга муносиб бўлингда, ахир». Ҳа, Баширжон бундай муносабатга муносиб бўлади. Чунки, унинг ҳаёти кимгадир ва нимагадир «муносиб» бўлишига қаратилган. Зайнишев бюрога таъзим қилиб «партия қаёққа юборса... биз бир солдат одам», — деб миннатдорчилигини ваҳор этади. Баширжон — солдат. Солдат бўлгандаям жони қаттиқ, юқоридан нажоткор қўллар билан бэшиқрилиб туриладиган солдат. «Солдат»ни «генерал» Шамси Тўраевич сўроқ қилмоқда: «— Ҳалиям иш берншмадимми?». Баширжон алам билан: «— Буларингиз кадрнинг кадрини билармиди? Хайр, майли, ким қилмагай, ким гоимагай. Менга қилганлар худодан топади».

«Қўй бу сафсатани, — деди Шамси Тўраевич унинг сўзини бўлиб. — Ҳамма нарсани динга, худога тақайверма. Бир шоир: «Тақдирни қўл билан яратар одам», — деган экан. Сен ҳам ўз тақдирингни ўзинг яратишинг керак. Бўлар-бўлмасга худодан кўриб, одамлардан нолиб юрма». Баширжон шундан сўнг ўз тақдирини ўзи яратишга киришади. Фатво берилган, мансаб тикланган — фақат яратиш керак.

Албатта, Баширжон ҳаётини тубдан янгитдан бошламоқчи эмас. Унинг «ганда пақир», «мулойим оғриқли» ҳаёти Тўра бобо ва Зайниш кўсанинг дўстлиги туфайли Шамси Тўраевичнинг паноҳида ўтадики, Баширжон онаснинг иссиқ патлари остида ҳаёт кечирадиган полапонни эслатади. Аммо полапондан унинг фарқи шундаки, у ҳеч қачон қанот чиқариб мустақил «учолмайди». Ҳамиша «акахон»нинг елкасида у мансабдан, бу мансабга сакраб юради. Ва охир-оқибат бу тахлит ҳаётнинг мазмунига мос фалсафа ҳам яратиб олади. «... — Йўқ, беҳазил, — деди Баширжон кўзларини чақ-

чайтириб. — Бу аниқ гап. Ишончли кишиларимиз бор, қўллаб-поддержка қиладиган... Дарвоқе, бу дунёда под-держкада гап кўп...»

«Поддержка» қиладиган акахон — Шамси Тўраевич ҳам баъзан «укахон» — Баширжоннинг яхшиликлари-ни эслаб туради. «Шамси Тўраевич Баширжоннинг йиғ-ламсираб турганига ачиниб кетди. Тўғри айтади-да. Шундан бошқа кими ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам унга кўп яхшиликлар қилди. Лекин уям яхшиликка тупурадиган йиғит эмас экан. Ҳамиша иссиқ-совуғида бор. Ҳол сў-раб туради. Ҳатто курортга кетса ҳам изидан ҳар ҳаф-тада бир марта мева-чева, у томонларда топилмайдиган камёб нарсалардан посилка қилиб туради».

Инсоннинг энг ўтқир фожиаси тагида ҳам чуқур юмор бўлади. Баъзан айрим воқеаларни ва кимсалар-ни кузатиб, на кулишингни, на йиғлашингни биласан. Кулгу билан қайғу доимо ҳамроҳ юради деган гап минг карра ҳақиқат. Баширжоннинг ҳам туриш-турмуши му-қаррар фожа бўлса ҳамки, у ўқувчида кулгу уйғотади. Қулиб туриб ачиниб кетасан. Ачиниб туриб кулгинг қистайди. Баширжонда не сир-синоат борки, бир вақт-нинг ўзида одамда турлича таассурот уйғотиб, турфа туйғулар уйғотади? Унинг калондимоғлиги ҳам, бечо-раҳоллиги ҳам ғалати. Хасислигу ипирисқилиги бор. Аммо хасислик пулу молу дунёси ошиб-тошиб ётган-лигидан эмас, «на тўй қилган», «на бирор иморат сол-ган», «на бир машина минган» камбағалликдан. Уни бутунлай хору хас ҳам деб бўлмайди. Эски омборча-нинг ҳамбаси остида кўмилган «банкада» пули бор. Олган пораларини шу ерга келтириб яширади. Раҳбар бўлиб тузукроқ кийинмади ҳам. Эски дўппию яғирн чиқ-қан шляпада умри ўтади. Кабинетидаги кўримсиз жи-ҳозлар ҳам у идорадан бу идорага кўчиб юради. Хул-лас калом, Баширжон мансабдор бўлиб на бойийди, на камбағаллашади. У ўртамиёна ҳаёт кечиради. Унинг бу турмуш тарзи ҳам жамиятда ҳукм сурган ўртами-ёналикнинг талабларига тўла мос тушади.

Ўртамиёналикнинг ўзи нима? Жамиятда танҳо ҳукм-рон мавқега эга ўртамиёналик қаердан, қандай ҳосил бўлган?

Бировдан олдин, бировдан кейин, эл қатори яшай-миз-да, деган гап кўп қулоққа чалинади. Ҳаётдан, туриш-турмушидан, жамиятдаги мавқеидан қониқиш ёки унга кўникиб яшаш, ҳеч нарсага ишонмаслик, «бер-санг ейман, урсанг ўламан» қабилида доимо юқоридан

мурувват кутиб яшаш психологияси ўртамиёналикнинг уруғларидир. Ана шу уруғ сепилса, муқарраф ҳосил беради. Ҳосил жамиятнинг барча жабҳаларини ўз меvasидан баҳраманд этибгина қолмай, бир неча авлодга етарли «туршак» ҳам қолдиради.

Ўртамиёна одамларнинг энг юқори сиёсий раҳбарликка келиб қолишининг хатарли таъминини шўро жамияти 60-йилларнинг охири, 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошида татиб кўрди. Фикрлаш ва тафаккур тарзи ҳаминқадар бўлган, донолиги умумий сиёсий йўриқлардан нарига ўтолмаган кимсалар ҳаммадан шу тахлит ақлидрокни талаб қилишар, талабга жавоб бермайдиган, чинкама истездод эгалари «маҳмадона» тамғаси билан четга суриб ташланар эди. Ўртамиёналик балиқлар боқиладиган ҳовузни суви дарёга чиқиб кетадиган саҳнасига ўрнатилган тўрчи эслатади. Ориқ, касалманд балиқлар тўрнинг тешикларидан сирғалиб ўтиб, кенглик, мусаффолик, эркинлик (эркинлик сўзи бу ўринда нисбий) мавжуд бўлган дарё ўзани бўйлаб мазза қилиб сузиб, ов қилиб, насл қолдириб «даври-давронда» яшай бошлашади. Тўрнинг тешигига сирмаган (айтайлик, бош раҳбардан ҳар жиҳатдан устун) балиқлар эса яна тутқунликда «балчиқ ҳовуз»нинг «кўлмак» (А. Орипов таъбири) сувлари остида қолиб кетаверишган.

Ўртамиёналик хавфли, ўта юқумли ва асорат қолдирувчи касалликдир. Катта-катта сиёсий гурӯҳлардан тортиб, кичик идораларда бошлиқ атрофига тўлланадиган тўдаларгача бу касалликка чалинишган. Ўртамиёна одамларнинг бирлашиши ҳам анча осон нечади. Уларнинг топишиш қуроли ассан: ҳушмадгўйлик, лаганбардорлик, мутеларча таъзимда бўлиш, повахўрлик, инсон қадр-қимматини ерга урадиган, уни хўрлайдиган шу тахлит салбий сифатлар ўртамиёна кишиларнинг турмуш тарзи, касб-корига айланади. Улар бир тўдага бирлашиб олишгач, оламни ёрат қилишга киришишади. Аввало уларнинг йўлига тўсиғ бўлиши эҳтимол тutilган шахслар ва нарсалар бартараф этилади. Тўда фаолиятини эркин, ҳеч қандай тўсиқсиз олиб бориши учун шароит изланади ва яратилади. Бу кимсалар доимо ўз манфаатлари нуқтаи назаридан иш кўришади. Мамлакат миқёсида бўлса қонунларни, идорада бўлса кўрсатма-қоидаларини иш услубларига, манфаатларига мослаштириб олишади. Кимки бунга қарши чиқса «қонунбузар» сифатида қаттиқ жазоланиб, «халқ

манфаатларига» қарши чиққан душман каби сазойи қилинади. Энг қизиғи улар ўз манфаатларини ҳаммиша эл манфаатлари сифатида талқин қилишади ва гўё халқ фаровонлиги ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқишади. Узаро муносабатлардан ҳам ёзилмаган қонунлар асосида иш кўрилади. Раҳбарнинг продасига бўйсуниш, унинг буйруғини амри вожиб деб билиш ҳамма учун мажбурий эканлиги барча поғоналарда таъминланади. Эътироз билдириш, қарши чиқиш муқаддас тамойилни бузиш билан баробар ҳисобланадики, бундай шакколикка йўл қўйган кимса поғонама-поғона мансабдан пастлаштирилиб, охири тупроққа қориб ташланади. Дарвоқе, бу тизимнинг фарқланадиган ўзига хос хусусияти бор. «Шаккок»ларни жазолаш услуби қизиқ. Бундай қилиш ўртамиёналик сиёсатининг обрўйига путур етказида, деб аста-секин мансабдан тушириш, айтишлик министр бўлса бирор гадоё топмас жойга раҳбар, сўнг ўринбосар шаклида шаккокдан халос бўлинган. Ишни эплай олмаган ёки мансабини сунистеъмол қилиб жиноятга қўл урган раҳбарлар ҳам худди шу тахлит «тахт»дан мосуво қилинган.

Ўртамиёналик ҳар томонлама урчигандан-урчиган пайтда Баширжонлар «қайноқ ҳаёт» кучоғига отланишади. «Ёлгончи фаришталар» воқеалари асосида биз юқорида тилга олган, тарихга «турғунлик йиллари» номи билан кирган даврда кечади. Жамият ҳаёти ўртамиёналик ҳавосидан нафас олиб, ўртамиёналик тўлқинлари ичра гоҳ ўннга, гоҳ сўлга тебраниб турган бир пайтда ижтимоий-маънавий ҳаётимиз инқирозу айнишларга «бой» бўлди. «Бой»ликнинг акс садоси сифатида «Ёлгончи фаришталар»дек асар ва Баширжон Зайнишев, Шамси Тўраевич, Қиёмхон каби қаҳрамонлар дунёга келди.

Ёзувчи Баширжон Зайнишев характерини чизар экан, миллий психологиямизда қаттиқ ўрнашиб қолган яна бир зарарли хусусият илдизларини очади. Бу — хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик бўлсин — меъёрни билмаслик касридир. Баширжон Зайнишев атрофидаги одамлар билан муносабатларда кимнидир «бошини силаса» ҳам, кимгадир дўқ-пўписа қилса ҳам меъёрсизликка йўл қўяди. Қўрқув салтанати деб ном олган собиқ империянинг сиёсий найранглари нуқси Баширжон характерида ҳам кўриниш беради. Бу ўринда ҳам қаҳрамонимиз «қўрқитиш» меъёридан чиқиб кетади: «—Ўв, Ҳамид Солиҳов, — деди дағдағали овозда (Баширжон —

Ж. С.) — Сизда бундан бошқа ҳам камчиликлар йўқ эмас. Хўш, айтингчи, нега масъул идорада ишлай туриб, одамлар орасида ҳукуматга қарши гапларни айтасиз?

Ҳамид Солиҳовнинг ранги оқариб, қулоқлари шанғиллаб кетди.

— Менми?

— Ҳа, сиз, — деди Баширжон рақибининг қалтираётганидан қувониб. — Қачон дейсизми? Мана, мана. — У стол устидаги календарни варақлай бошлади. — Масалан, йигирма еттинчи март куни қабулхонага кириб: «Бозорда помидорнинг килоси олти сўм», дедингиз. Учинчи апрель куни бутун ходимлар олдида японча магнитафонни оғиз кўпиртириб мақтаганингиз-чи? Яна... айтаверсак, сизнинг ҳам хатоларингиз тўлиб-тошиб ётибди. Орқангиз гиж-гиж минус...»

Биз етмиш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ўз орамиздан доимо душман изладик. Айниқса хорижга қарши нафрат алангасини ёқиш учун бир неча авлодлар қўли чақмоқ тош уришдан бўшамасди. Баширжон худди шу сиёсат ҳавосидан нафас олган, ҳатто сиёсий йўриқларни тушуниб-тушунмай рақибидан ўч олиш мақсадида синалган — сиёсий қўрқитиш усулини қўлламоқчи бўлади. Фаросатли одам сиёсий исканжа қанчалик ўткир бўлмасин «японча магнитафонни мақтагани» учун бировни айблаб бўлмаслигини яхши билади. Аммо Баширжоннинг калтафаҳмлиги ҳар қандай меъёр-чегарасини бузишга қодирки, Ҳамид Солиҳов «ҳамма хатоларини эшитиб бўлгач», ҳатто баҳслашишни ҳам эп кўрмай, бор-йўғи сиз «догмасиз» дейиш билан кифояланади.

Баширжон Зайнишев адабий қаҳрамон сифатида ўзига хос хусусиятга эгаллигини бир неча бор таъкидладик. Баширжон «адабийлик» доирасидан чиқиб халқона қаҳрамон сифатида ном чиқарди. Шундай «машхурлик» аввалбошданоқ унинг пешонасига битилган эди. Чунки, унинг характери даврнинг жуда кўп хусусият ва хислатларини ўзида жамулжам этганки, ундан истаган бир салбий жиҳатни топиш мумкин. У бамисоли салбий хислатлар қомусига ўхшайди. Ундан хоҳлаган саволингизга «жавоб» топиш имконига эга бўласиз. Аслида Баширжонга ўхшаш одамлар, характери характерига яқинлар ҳам ҳаётда кўп учрайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ана шу характерлар ва хислатларни бир одам атрофида йиғиб, умумлаштира олган ва ундан ҳеч кимга ўхшамаган индивидуал образ

яратган. Бир қарашда Баширжон ҳаммамизга танишдек туюлса-да, аммо адабий қаҳрамон сифатида ҳеч кимга ўхшамайди. Унинг оригинал характерининг чинакам бадий моҳияти ҳам шундадир.

Езувчининг образ ва қиёфа яратиш маҳорати ҳақида гап кетганда Баширжон ҳақида такрор-такрор тўхталишга тўғри келади. Зайнишев фақат бош қаҳрамон сифатидагина эмас, адабиётимиздаги энг ёрқин бадий образ, мантиқан асосланган характер сифатида ҳам воқеадир.

Ушбу тадқиқотимизда Баширжон Зайнишев образи алоҳида кўздан кечирилмаганга ўхшаб туюлади. Аммо у асардаги бошқа ҳамма қаҳрамонлар билан фаол муносабатда бўладиким, ким ҳақида, айтайлик, Шамси Тўраевич, Зеварахон, Вафо аттор, Қирмизхон ёки Қиёмхон ҳақида сўз борганда, албатта Баширжон шу «сўз»нинг марказида бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Баширжон характерини тўла намоён бўлиши учун юқоридаги персонажлар асосий хизматни ўташади.

Баширжон Зайнишевнинг ижтимоий тип даражасига кўтарилиши асосий омилларидан бири — у ҳамиша ҳукмрон сиёсатнинг кичик винтчаси сифатида айланиб туради ва тегирмон тоши мисол хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантиради. Асардаги бошқа қаҳрамонлар Баширжоннинг «тегирмони»да обдон янчилиб сўнг маълум бир қиёфага эга бўлишади. Ўз ўрнида Зайнишев ҳам ҳамтовоқларининг «тегирмони»га сув қуяди. Ушбу образ ижтимоийлигининг яна бир хусусияти — доимо раҳбарлик лавозимларида ишлаши ва мавжуд сиёсатни ниқоб қилиб олиб ёки унинг паноҳида ўз манфаатини, нафсини қондиришида кўринади. Уша даврнинг якка, онда-сонда учраб турадиган одами эмас, аксинча, «турғунлик» деб ном олган замон раҳбарларининг жуда катта маҳорат билан умумлаштирилган, типиклаштирилган образидир.

Бу образнинг умумлаштирилган жиҳатлари биринчи галда унинг раҳбарлик лавозимига келиб қолишида намоён бўлади. Уша даврда мансабу лавозимларни таниш-билиш ёки кимнингдир «поддержкеси» билан эгаллаш урф бўлганди. Бу борада Баширжоннинг омади юришади. Акахони Шамси Тўраевич Баширжон учун мансаб олишда суянч тоғи бўлади. Бировнинг суёви билан аксарият ҳолларда тасодифий, нўноқ одамлар мансаб жиловини туттишган. Бу борада ҳам Баширжоннинг ҳеч кимдан ортда қоладиган жойи йўқ. У ношуд-

нотавонлиги сабаб бирор идорада муқим ишлаб, яхши ном қолдирмайди. Доимо урилиб-сурилиб, «оқланмасдан қораланиб», шарманда бўлиб юради. Маданият бўлими бошлиғи бўла туриб «поэзия» билан «поезд» ёки умумий овқатланиш идорасининг директори сифатида «кафе» билан «кофе»ни фарқига бормаслиги, ўзи раҳбарлик қилаётган жабҳани билиш-билмаслигини кўрсатади. Ношуд одамнинг фаросати ҳам ўзига яраша бўлади. Фая опанинг юбилейи муносабати билан тузилган тўкин дастурхон бошида узундан-узоқ «нутқ сўзлаш», бунинг устига зиёфат устида: «Идора ҳовли-сидан 12 тонна боқиманда ахлатлар чиқариб ташланди... халохонани янгилаш...» дейиш фаросатли одамнинг гапи эмас, албатта. Аммо, Баширжон «Фая кампирнинг баҳонасида обрў олишни» ўйлаб юқоридагига ўхшаш «хизмат»ларини кўз-кўз қилмоқчи бўлади. Шамси Тўраевичнинг «туғилган кунлари»ни нишонлаш зиёфатида эса дабдурустан: «Сизга қарғанинг умрини тилайман, Чунки қарға уч юз йил умр кўради», — деб «ака-хон»ни бошқалар олдида кулгу қилади. Баширжоннинг типик образ эканлигининг кейинги томони — унинг ҳаром-харишдан, порадан ҳазар қилмаслигидадир. Маданият уйида раҳбар бўлганида зардўз туфли, зардўз камзулларни, местпрокомда ишлаганда темир дарвозаларни, суғурта идорасида бошчилик қилганида ноқонуний йўллар билан тузилган «акт»лар ҳисобидан келган пулларни Қиёмхон орқали ўзлаштириш, аниқроғи, пора олиши — Баширжоннинг шу хислатига яққол далилдир. Қаҳрамонимизнинг раҳбарлик қилиш усули ҳам замон тамойилларига тўла мос тушади. Раҳбар «раҳбарлик ролини» қойилмақом қилиб ўйнаса, яъни «артист»лик қилиб: истаган пайтда кулиб, истаган вақтда йиғлаб: «кулги»сига ҳам, «йиғиси»га ҳам бошқаларни ишонтира олса — ошиғи олчи, ўзи от устида юраверар эди. Бир ўринда Баширжон: «...ахир артист деганингиз ҳам бизлардек одамдирда», — деб бекорга айтмаган бўлса керак. Боз устига, ўша йиллардаги кўплаб раҳбарлар «артист» деган лақаб олганлиги ҳам бежиз эмас. Баширжоннинг «артист»лик истеъдодига ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, у партия мажлисидан қочиб, нега эълонни уч кун олдин ёзмагансиз, деб ва бошқа нарсаларни баҳона қилиб Хўжақуловага бақира кетади. Партия ташкилотининг котибаси бўладиган партия мажлисида Баширжон ўмариб кетган «ансамблнинг зардўзи камзулино

туфлилари» масаласини кўтармоқчи бўлганлигини сезиб дарров юмшайди ва ҳатто партком котибасига хушомад қила бошлайди. Бундай манзарага суғурта идорасида унинг Ҳамид Солиҳов билан бўлган муносабатида ҳам дуч келамиз. Аввал Ҳамид Солиҳовни роса сўкиб, ҳатто сенсираб кабинетидан ҳайдаб солгандай қилади. Райкомдан таъзирини еб қайтгач, Солиҳовни кабинетига таклиф қилиб «хушмуомала»лик билан кутиб олиб, бола-чақасию, ота-онасининг соғлигигача сўраб, уни «старший инспекторлик»ка кўтарилганини эълон қилади.

Баширжон ўзининг нўноқлигини яшириш учун доно ниманидир ўйлаб топиб, билимдонлигини кўрсатмоқчи бўлиб юради. Суғурта соҳасига мутлақо алоқаси бўлмаган «овчилар», «балиқчилар», «ўрмон хўжалиги» ходимлари байрамлари билан суғурта идораси ходимларини табриклар, мажлислар ўтказди. Умуман олганда Баширжонни умумлаштирилган қиёфаси сифатида адабиётга кирганлигини исботловчи жиҳатлари жуда кўп. Биз юқоридаги мисоллар билан кифояланмоқчимиз.

Ёзувчи Баширжон Зайнишевдек йирик типик образни яратишга узоқ тайёргарлик кўрган. Адибнинг ҳикояларида Баширжоннамо нусхалар образи кўплаб учрайди. «Ҳаммаси равшан» ҳикоясидаги Исломжон Оқилов, «Педагогика»даги Мардон Тоҳирович, «Муслим Алиевич кулибдилар»даги Муслим Алиевич, «Бобик»даги Яхшибой ака. образлари Баширжон учун «масаллиқ» вазифасини ўтаган. Бу персонажнинг муваффақияти унинг чуқур реалистик руҳ билан суғорилганлигидадир. Зайнишевнинг кулгуга маҳкум ҳаёти аслида фожиа эканлигининг юмористик тусда ифода топганлиги, Неймат Аминов ижодида кулги остида инсон фожиясини чизиш ўзгача бир алоҳида мавқеъ касб этади.

Баширжон кескин баҳолар ва ўлчовлар билан қуролланган, ғоявий пухта ўқувчилар учун ўта салбий қаҳрамон. Бизга ўргатишганки, салбий характерли қаҳрамонлар фақат нафратга лойиқ. Ўқувчи ҳам унга нисбатан юрагида тезроқ нафрат оловини ёқмоқчи бўлади. Қиссанинг беш-ўн, ўн беш-йигирма, ҳатто тенг ярми-ю охиригача шиддат билан ўқийсиз — қанийди уйғона қолса ўша нафрат деб. Хаёлингиз чалғиб кетади. Нафратдан эса дарак йўқ. Аксинча, қайсидир маънода Баширжон севимли қаҳрамонингизга айлана боради. Яна хушёр тортасиз. Ахир сизга нафрат йўли керак эди-ку!

«Сизда нафрат ҳисси уйғонмадим, демак сиз «бизнинг одам» эмас, мафқурангиз коммунистик дунёқарашга ёт экан. Бизнинг одам йўқни аллақачон йўндирган, йўқдан бор қилган бўлар эди», — деяётгандай бўлади замоннинг мафқуравий талаблари.

Уқувчи ўйланиб қолади. Нега Баширжон бутун борлиги, салбий жиҳатларни, нокас-ношуд ҳаёти билан нафрат уйғота олмади. Шунда бу саволга ҳаётнинг ўзи жавоб бергандай бўлади: ахир атрофимиздаги одамларнинг характери, туриш-турмуши Баширжонникидан яхши эмас-ку? Хўш, шундай экан «алоҳида олинган социалистик мамлакат»нинг «алоҳида фуқароси» Баширжондан эмас, бир йўла шу жамиятнинг ўзи нафратга сазовор эмасми?

Баширжон Зайнишев устидан кулмоқчи бўласиз — кулолмайсиз, нафратламоқчи бўласиз — нафратлана олмайсиз. Ҳолбуки, унинг ҳаётида кулгу бўладиган ҳам, нафратга лойиқ воқеалар ҳам бисёр. Ёзувчи айниқса, кулгили воқеа-характерларни зўр маҳорат билан тасвирлаганки, беихтиёр хандон отиб кулиб юборганингизни ўзингиз сезмай қоласиз. Кулгунинг сеҳри илонинг макрига ўхшайди. Унинг домига тез илинасиз. Кулгу ортида заҳар томчилаб туради. Бу замоннинг қусури — иллатларидан ҳосил бўлган ва асар бош қаҳрамони — Баширжон буткул заҳарланган оғудир. «Кулгу оғуси» Баширжон баъзан «нажот қуёши» бўлса, гоҳ шармандаю шармисорликка айланади. Унинг «заҳарланган» ҳаётидан орқасида қора из бўлиб қолаётган «шалтоғи»ни тозалаб юриш акахони Шамси Тўраевич зиммасига тушади. Шамси Тўраевич «шалтоқ»ни бир йўла, бутунлай «тозалаб» ташламайди. Чунки, акахоннинг ўзи ҳам «шалтоқ»дан манфаатдор. «Шалтоқ» — Баширжон Шамси Тўраевичнинг яхши-ёмон кунларида бирдек хизматда. Отасини гўрга қўйишдан, карта ўйинида пул ютқазишу «раҳматли Тўра бобо»ни қабрига сағана ўрнатиб, курортга орқасидан сўраб боришгача «шалтоқ»нинг бўйнида. Шундай экан, уни орадан кўтариш ўз зарарига иш қилиш билан баробар. Фақат вақти-вақти билан унинг «орқаси тозалаб турилса бас, қолгани насия бўлмайди».

Баширжон тақдирининг фожиавий яқун топиши чуқур рамзий маънога эга. Фоже қисмат фақат бир шахснинг — бу ўринда Баширжоннинггина эмас, Баширжонга, Шамси Тўраевич, Қиёмхону Қирмизхонга ва Вафо атторга ўхшаш кимсаларнинг, бундай одамларни тар-

биялаган, уларнинг дунёқарашию ҳаётини шакллантирган жамият ва шу жамиятнинг сохта қонуну тартиботлари, маънавий оламининг ҳалокатидир. Баширжон ўзига келган не бир ёмонлик борки, доимо унинг сабабкорини четдан ахтаради: «— Ҳа уйгинанг куйсин, Хўжақулова. Ҳамма балони сен қилдинг... Ҳа, уйгинанг куйсин ревизор, ҳар бало қилдинг, сен қилдинг КРУ бўлмай охир бўл...» Боши тошга теккач, охири «ўз тақдирингни ўзинг яратишинг керак» деган фатво билан фоже қисматига бош айбдор ўзи эканлигини тан олади: «Ҳа уйгинанг куйсин фалончи, ҳар бало қилдинг, сен қилдинг», деб қарғар эди. Бу қарғишдан уни фельетон қилган «лаънати» Қимсан Найза ҳам, суғурта идорасининг «беймон» қоровул чоли ҳам, ўтган кунни кўча тумонат одам олдида ёқасидан олиб: «Эримни чиқариб бер», деб шарманда қилган «манжалақи» Қирмизхон ҳам, унинг қамоқдаги «ҳезалак» эри Қиёмхон ҳам қуруқ қолмади. Яна кўпларни қарғади у. Ниҳоят, ойнадан бош кўтариб, қизғиш из тушиб, совуқ тер чиққан пешонасига шапатилади. «Ҳаммасига ўзим сабаб, — деб юборди тўсатдан. — Уйгинамга ўт тушсин мени...»

«Ҳаммасига ўзим сабаб» — бу Баширжоннинг биринчи ва охириги иқроридир. Сўнг у бундай хаёлларга берилмайди, иқрору ўтмиш ҳақида ўйламайди ҳам. Баширжон ўзининг фоже ҳалокатига етиб келган эди. Бу йўл узоқ, жуда узоқ давом этгандай. Аслида бир киприк қоққунча ўтиб кетган, мазмунсиз, мақсадсиз кечирилган ҳаёт эди бу. Унинг ортидан қора из қолди. Бесамар сарфланган умр сонияларининг изтиробу афсус-надоматлари қолди. Маънан хўрланган, таҳқирланган инсоннинг дунёга келишию кетиши сабабини билмаган «ҳаммасига ўзим сабаб», деган ўнсиз фарёд қолди, холос. У ўз ҳаёти давомида адашиб, улоқиб, тентираб етиб келган манзил шу бўлди.

Насмат Аминов «Елғончи фаришталар»да зоҳиран «адолатли тузум» баданига ёпишган иллатларни фош қилаётгандай кўринса-да, аслида даврнинг носозликларини, ахлоқий-маънавий емирилишларини, умуминқирозга маҳкум жамиятнинг ҳақиқий башарасини кўрсатган эди.

МАНСАБ ОТИ

Қадимдан қолган бир нақл бор: «Е заринг бўлсин, ё зўринг». Шулардан бири бўлса барча мушкулотларинг бартараф бўлиб, оғиринг енгил, йўлинг доимо очиқ бўлади. «Зар»нинг моҳияти тушунарли, «зўр» эса бироз кенгроқ мазмунга эга. Билакнинг кучи билан кўча-кўйдаги жанжаллардан ғолиб чиқиш мумкин дир. Жисмоний куч-қудрат чекланган. Аммо миқёси кенг, борни йўқ, йўқни бор қиладиган, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта оладиган, камчиликларингни фазилатга айлантириб, оддий каломингга ҳам донишмандлик бахш этадиган бир куч бор. Бу — мансабнинг кучи. Мансабнинг қанчалик баланд бўлса унинг қудратию зўри ҳам шунчалик ўткир бўлади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган «Ёлғончи фаришталар» қўшқиссаси «мансаб оти ва унинг шунқор чавандозлари» Шамси Тўраевич ва Баширжон Зайнишевларнинг мансаб эгарларига интилишлари, қоқилиб-судралиб, осилиб-йиқилиб юришларию, ҳаётнинг мазмун-моҳиятига айлантириб, мансабсиз бир кун ҳам кун кўролмайдиган, унга эришиш йўллари калитлари ҳақидаги ёрқин бадий асар дир. Мансабга эришишнинг бадий калити айнан ана шу қўшқисса дир.

Хўш мансабдорлару мансабнинг қай бир жиҳати ёзувчини кўпроқ қизиқтиради? У ўз қаҳрамонларини мансаб томон қандай йўллардан бошлайди? Охири оқибат шу мавзу орқали ёзувчи одамларни нимадан огоҳ этмоқчи бўлади? Унинг хулосаси қандай? Қуйида мазкур саволларга ушбу асардан жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ёзувчи ижоди ҳақида ёзган «Ҳажвиётга садоқат» мақоласида Баширжон образи ҳақида гапира туриб шундай деб ёзади: «Баширжон район миқёсидаги кичик мансабдорлардан. Унинг тайинли касби кори, астойдил ушлаган ҳунари йўқ. Бундайлар ҳақида одамлар ярим ҳазил, ярим чин билан, асосий мутахассислиги — умумий раҳбарлик дейишади... Тўғри, Баширжонни ялқов, ишқмас ёхуд фаолиятсиз одам, деб бўлмайди. Аксинча, «у бир ташкилотга бошлиқ бўлиб келган захоти маълум бир ишлар қилиш мақсадида югуриб-еларди. Лекин ҳаял ўтмай у яна ўз шахсий манфаатлари кичик, арзимас ташвишлари билан алаҳсиб кетарди». Нима учун унинг «югуриб-елишлари» бирон

арзийдиган самара бермайди?.. Бунинг сабаби қиссада яхши очилган: Баширжон бирон-бир соҳада тузукроқ билимга эга эмас, лекин шунга қарамай, сир бой бермайди — ўзини маданиятли, савияси баланд, билими зўр қилиб кўрсатишга уринади».

Юқоридаги қисқа тасвифномадан кўриниб турибдики, Баширжоннинг кўз-кўз қиладиган бирор фазилати йўқ ҳисоб. Лекин шундай бўлса-да, у донмо қандайдир ташкилотга раҳбарлик қилади. Ҳатто бир пайтлар райижроқўм раиси ўринбосари лавозимида ҳам ишлайди. Умри мансаб оти устида ўтади. Қанчалик урилиб-сурилмасин, яна раҳбарлик курсисига қайтади. Тайинли касб-кори, истеъдоди бўлмаган одам қандай, қай йўллар билан раҳбарлик ишларига келиб қолади?

Совет даврининг, айниқса компартиянинг энг мукамал иш услубидан бири номенклатура эди. Бу тизим жуда пухта ишлаб чиқилган бўлиб, барча поғонадаги раҳбар кадрлар тайёрлашни ўз зиммасига олганди. Ривожланган хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларига тасодифий, иқтидорсиз кишиларнинг келиб қолишига демократик сайлов йўли билан чек қўйилган. Бизда эса номенклатурага амал қилиб, катта рўйхатларга ном тиркалиб қолса бўлди — омаднинг чопгани шу. Лаёқатинг борми-йўқми, ишни эплай оласанми-йўқми — бировнинг иши йўқ, муҳими, таржимаи ҳолинг анкета талабларига жавоб берса бас. Янада муҳими, тепароқда бирор суянчининг, номингни номенклатурага киритувчи «акахон»нинг бўлса — мансаб дарвозалари ланг очилиши муқаррар. Баширжону Баширжонмижоз одамларнинг бахти ҳам, омади ҳам совет замонида туғилиб, Шамси Тўраевичдек акахон назарига тушганлигида эди.

Раҳбарларнинг аксарияти ўртамиёна, савод-савия ҳаминқадар бўлганлиги боис ҳам ўз атрофларига ўзларига ўхшаган, муте, хушомадгўй одамларни тўп-лашга ҳаракат қилишган. Демак, номенклатурага ҳам худди шу тоифа одамлар киритилган. Бунақанги шароитда Баширжондек лаёқатсиз кимсаларнинг «от устида» пайдо бўлиши мутлақо табиийдир.

Шамси Тўраевич билан Баширжоннинг топишишига эса уларнинг оталари — Тўра бобо ва Зайниш кўсанинг дўстлиги сабаб. Шу ҳурмат баробарида қаттиқ кўрқади ҳам. У доимо бир нарсани: «Шамси акамнинг менга қилган яхшиликларини ота-онам ҳам қилолган

эмас...»лигини бир умр унутмайди. Баширжоннинг Шамси Тўраевичга бўлган муносабатида «дили бошқа-ю, тили бошқа»лик кузатилмайди. Масалан, Қиёмхон ҳам хушомадгўй «баччагар». Аммо у тилида ҳамду сано ўқиса-да, орқасидан кулади. Баширжон эса аксинча — акахонни ҳар бир сўзюю ҳаракатига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Бироз узоқроқ бўлса-да, айрим мисолларга мурожаат қилайлик.

«— Ассалом, Шамси ака, — деди йиғламсираб. — Сизга нима бўлди, акажон, а, сизга нима бўлди?»

— Гиппертония, — деди Шамси Тўраевич, — қани юр палатага кирамиз.

Палатага киришди. Кичкина хонага битта каравот қўйилган, бош учиди ўртача стол турар, унда пахта гулли чойнак-пиёла, олма-анор, узум ва бошқа хил мевалар сочилиб ётарди. Ён томонда ойнасига парда тутилган шкаф ва яна бир бўш стол турарди. Эшикка яқин бурчакда «Неман» маркали телевизор қўйилган бўлиб, экрани энсиз сочиқ билан омонат ёпилган эди.

— У-ҳў, курорт-ку бу ер, — завқини яширолмади Баширжон. Ҳамма шароит муҳайё экан, телевизорлар... Арзийди, сизга минг марта арзийди, Шамси ака, — деди илҳом билан қўл силкиб. — Ахир сиз ҳукуматимизга керак одамсиз, нафақат ҳукуматимизга, балки биздай қадрдонларингиз учун ҳам азиз ва мўътабарсиз, акажон...»

«— Ассалому алайкум, акажон.

— Қани, кирчи, — Шамси Тўраевич Баширжонни қўлтиғидан олиб ичкарига бошлади. — Қачон келдинг?

Баширжон бироз қоронғироқ дарвозахона йўлагига кираркан: «Кеча кечқурун», деди. Шамси Тўраевич олдинга тушиб, меҳмонхона томон йўл оларкан, қулочларини ёзиб: «Ас, два, ас, два», деб турли хил машқларни бажариб борарди...

— Шамси Тўраевич, янги одат-ку?

«Акахон» гапирмади. Баширжон, қаттиқроқ гапириб юбордим шекилли, деб ўйлаб юрагига қўрқув тушди. Аслида бошқачароқ қилиб сўраса ҳам бўларкан...

— Дўхтирлар буюрган — деди у эгилиб кафтларига сув оларкан. — Гимнастикани қон босимига фойдаси катта экан.

— Жуда тўғри, — деб маъқуллади Баширжон. —

Мен ҳам бир журналда ўқиган эдим, яхши қиласиз.
Бир ярашдики. . .»

Юқоридаги парчалардан кўриниб турибдики, Баширжон учун «акахон»нинг сўзи тугул гавдасининг ҳар бир ҳаракати ҳам қандайдир маънога эга. Баширжон довдир бўлса-да, Шамси Тўраевичга айтган гапларини ўйлаб кўради. Фожиаси шундаки, айтишдан олдин эмас, айтиб бўлгандан сўнг тўғри гапирдимми, йўқми, деб ўйлаб кўради. Уни ҳамма вақт: «Э худо-жон-эй, кошки эди ишдан ҳайдатмасалар-а. . .» деган хаёл безовта қилади. Ўзининг ҳаёт-мамотию мансаб-мартабаси «акахон»нинг қўлида эканлигини ҳар қадамда сезиб туради. «Оқланмасдан доимо қораланиб» юрган Баширжон ҳамма жойда бир ишқал чиқариб туради. «Қачонгача бировлар сенинг шалтоғингни тозалаб юради, галварс», деганда Шамси Тўраевич минг марта ҳақ. Баширжон хушомад қилишни озми-кўпми ўрнига қўя билади, «акахон» ҳам уни суяб-етаклаб бир амал олиб беради, аммо ишга келганда «галварс»нинг «шалтоғи» чиқиб, оғзидагини ҳам олдириб ўтиради.

Керакли тошнинг оғири йўқ, деганларидек, Баширжон қандайин бало-қазоларга гирифтор бўлмасин, қанчалик ишончни оқлай олмасин, Шамси Тўраевич ундан батамом воз кечиб кетаолмайди. Орада бўлиб ўтган иссиқ-совуқ гап-сўзлару «ака-укалик» уларни бир-биридан ажрай олмайдиган эт билан тирноқ қилиб юборган. Умуман олганда Шамси Тўраевич Зайнишевдан кечиб кета олмас ҳам эди. Чунки унга сира бошқача бўлмаган, айнан Баширжондек одам керак эди. Уртамиёна одамлар ҳеч қачон атрофига ўзларидан ақллироқ одамни тортмаганлар. Бундай кимсалар давраси ҳамиша елвизакфеълу суваракмижозлар билан «обод» бўлган. Шамси Тўраевичлар даврасида соф инсоний муносабатларга, самимий суҳбатларга ўрин бўлмаган. Уларнинг донолиги ҳам, гўллиги ҳам расмий, одамни зериктирадиган, гўё тирик инсон ҳаётига ҳеч алоқаси йўқдек. Уч-тўртта одамни тўплаб (албатта ўзига ўхшаган раҳбару уларнинг хизматкорлари) туғилган кунини нишонлаш баҳонасида Шамси Тўраевич зиёфат уюштиради. Бироқ Норқул чакакнинг генераллару (гарчи Оқ подшонинг генерали бўлса-да) хотинлар ҳақида айтган латифалари Шамси Тўраевични қўрқитиб юборади. «Гурр этиб кўтарилган кулги тингач, Шамси Тўраевич: «— Генераллар

тўғрисида анекдот айтилмасин, — деди жиддий қиёфада. — Сийёсий хато... Яхши эмас, — деди ўйчан, — аёллар шаънига бу хил бўлмағур латифаларни айтиш. Сен-чи, чакак, гапимга куларканлар, деб ҳар хил бўлмағур латифаларни айтишга одатланма. Сенинг шалтоғингга бошқалар ҳам тойиб кетишлари мумкин». Бу гапдан сўнг давра совиб, зиёфат ҳеч кимга татимайди. Мансаб Шамси Тўраевич ва у тонфа одамларни деярли барча самимий инсоний туйғулардан, ақли ҳушидан айириб, фақат мансабни ўйлашдек, «шалтоққа» тойиб кетмасликдек фожиага дучор қилган эди. Мансаб ҳамма нарсадан: оила, бола-чақа, шахсий ҳаёт, дўсту ёр, ота-онадан ҳам юқори қўйилади. Ҳатто мансабидан айрилиб қолишидан қўрқиб отасининг қабр тошидаги «атеизмга тўғри келмайдиган» байтларни кўчиртириб ташлайди, аниқроғи, «брак» қилади. Шамси Тўраевич ўлим тўшагида ётганда ҳам мансабу мартабасини ўйлайди. Қисқаси мансаб муқаддаслиги Шамси Тўраевичу Баширжон Зайнишевларнинг кўзини тугул, қалбию продасини ҳам кўр қилиб қўйган эди. Улар мансаб васвасаси билан туғилиб, мансаб васвасаси билан гўрга киришади.

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз фалсафаси бўлганидек, Шамси Тўраевичнинг ҳам, Баширжоннинг ҳам мансаб ҳақида ўз фалсафаси бор. Шамси Тўраевич анчайин ўзига ишонган одам. Лекин бир нарсадан: бошқаларнинг шалтоғига тойиб кетишдан қўрқади. Иккинчидан, мансаби туфайли оладиган порасини ҳам «она сутидек ҳалоллаб», яъни карта ўйинида ютиб олади. Баширжонники эса тамоман тескари. Ҳеч бир ишни ўзича мустақил ҳал қила олмайди. Доимо кимнингдир суёвию етовида юради. Шундай бўлса-да, ўз ҳолидан беҳабар, ўзига бино қўйган ва мақтанчоқ. Мана унинг мансаб ҳақидаги «фалсафаси»: «Оббо, сиз-эй, Қиёмхон укам-эй, — деди кресло суянчиғини чертаркан.—«Мен бошлиқ бўлганимда», дедингизми? Тўғри. Биласизми, ука, бу мансаб дегани бамисоли бир от. Уни сиз минсангиз — йўрғалатасиз, айтайлик, анови, «сарик» минса — чоптиради, яна бирови минса — лўкиллатади; мен минсам — жиловини қаттиқ тортиб тураман. Буни мен айтганим йўқ, бир ўтиришда Шамси Тўраевич айтганлар. Хўш, айтинг-чи, нега мен мансаб отини чоптирмайман? Ана, ана, тополмадингиз. Айтиб бўлмайди-да, баъзи отлар чарс, ўргатилмаган бўлади, устидан улоқтириб ташлаши мум-

кин. Шунинг учун мен қандай мансаб отига минсам ҳам, жиловини қаттиқ тортиб туришга ўрганганман. Тез борган ерга секин борса ҳам бўлади. Иш бўлса ўз йўлига кетаверади. Гап, худо кўрсатмасин, мансаб отидан йиқилмасликда».

Баширжондек довдиру ношуд одамнинг бундайин сипо ва равон мулоҳазалари унинг характериға мутлақо мос келмайди. Шунда мансаб хусусидаги бу «мулоҳазалар» Шамси Тўраевичға тегишли эканлигини Баширжоннинг ўзи тан олади. Аммо ўзлаштириб олинган фикрларни ҳаётға татбиқ эта билмайди. Мансабға минсам «жиловини қаттиқ тортиб туришға ўрганганман», — дейди-ю, аслида мансаб жиловини илк кунларданоқ Қиёмхонға бериб қўяди. Албатта Қиёмхондан бошқа киши ҳам бўлиши мумкин. Баширжон учун буни аҳамияти йўқ. Муҳими чўнтаклари «чуқур-чуқур» костюмға ким садақа—пора солиб қўйса, «жилов» ўшанға тегар эди. Суғурта идорасида эса Қиёмхон чаққонлик қилади. «Жилов»нинг бўш жойини биринчи бўлиб пайқайди. Баширжон от устида бўлиб кўринса-да, отнинг жилови Баширжоннинг қўлида эмасди.

Ёзувчи даврнинг кенг қўламли фожиаларини мансаб ишқида ёнган, ўзини ўт-оловға урган кимсалар орқали тасвирлар экан, замонанинг характерли бир жиҳатини назардан кочирмайди. Бу «қўғирчоқ» раҳбарлик услубидир. Энг катта раҳбардан энг кичигигача мустақил фаолият кўрсатишни мансабдан ажралиб қолишға тенг эканлигини яхши сезиб туради. Ҳамиша кимнингдир тақдири кимгадир боғлиқ бўлган. Бирор кимса, айтайлик, қўшқисса қаҳрамони Баширжон Зайнишев маданият уйини ёки суғурта идорасининг биринчи раҳбари бўлса-да, аслида райисполкомдан сўроқсиз, мустақил иш юритолмайди. Ҳатто «старший инспекторлик» штатига Қиёмхонни ўтказолмайди. Бундай тенденция жамиятда мустаҳкам илдиз отиб, айниқса, «ташкилий масалалар»да яхши шакллланган эди. «Қўғирчоқ» раҳбар ва «қўғирчоқбоз» раҳнамо шаклида шакллланган бошқарув усулининг йўлу йўриқлари жуда кўп, албатта. Биз фақат Баширжонға тааллуқли бир жиҳатини тилға олиб ўтдик, холос.

Баширжоннамо кимсаларнинг яна бир фожиаси шундаки, халқ уларға ўзларига ўхшаш одамлар деб қарамайди. Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари, яхши-

ликларни ёмонликларини мансаблари билан ўлча-
шади. Масалан, ишхонада, кабинетда Қирмизхон би-
лан Баширжонни зино устида қўлга туширган қоро-
вул Ислом отанинг тилига келган биринчи калима:
«—Э, садқан бошлиқ кетинг-э. Э, садқан мансаб кур-
сиси-е», — деган сўзлар бўлади. У «садқан одамгар-
чилик», «садқан эркаклик» деб сўз бошламайди. Ай-
нан мансаб нуқтаи назаридан келиб чиқиб сўқади.

Қўшқиссанинг биринчи китоби «Елвизак» номи ҳам
Баширжоннинг мансабу урилиш-сурилишларидан ке-
либ чиқиб танланган. Елвизакфёъл Баширжон гўё
одамлардек яшашга ҳаққи йўқдек, мудом парвозу ин-
қирозларга маҳкумдек, аммо буларнинг барчасига ўзи
сабабчидек таассурот қолдиради. Синчков ўқувчи эса
Баширжон фожияси замирида замонанинг, жамият-
нинг қусурларини, заҳар-заққумга айланган иллатлар-
ни кўради: Баширжон Хўжақулова билан юз берган
ўша охириги дилсиёҳликдан кейин яна Шамси Тўрае-
вичга сиғиниб борган эди. Бир жиҳатдан у елвизакка
ўхшаб кетарди. Елвизак — терлаган, димиққан бадан-
ларга хуш ёқса-да, аслида у жуда кўнгилсиз оқибат-
ларга олиб келади. Баширжон ҳам ўта соддалиги,
кўринишда беғараз, беозорлиги билан кўпларга ёқар-
ди. У бир ташкилотга бошлиқ бўлиб келган заҳоти
маълум бир ишлар қилиш мақсадида югуриб-еларди.
Лекин ҳаял ўтмай у яна ўз шахсий манфаатлари, ки-
чик, арзимас ташвишлари билан алаҳсиб кетарди.
Агар у ношудлиги туфайли бир ташкилотдан дакки
эса, унга отадек бир қўл — акахони Шамси Тўраевич-
нинг эътиборли қўли иккинчи ташкилот эшигини очиб
берарди. У худди елвизакдек ўша ташкилот эшигидан
«ғув» этиб кириб, қиларини қилиб, нариги деразаси-
дан силлиққина чиқиб кетарди. Оқибат... ўша таш-
килотда тумовнинг бурнидек икки-уч кун «пинг-пинг»
гап-сўз юриб қолар, лекин ҳаял ўтмай, ҳаммаси бос-
ти-бости бўлиб кетар эди».

Ёзувчи Баширжоннинг елвизакфёъл раҳбарлигидан
кейин қоладиган изни енгиллаштирган кўринади. Ба-
ширжонга ўхшаш кимсаларнинг раҳбарлиги оқибат-
ларининг ижтимоий зарари фоятда катта ва кенгдир-
ки, бу «икки-уч кун пинг-пинг» билан ўтиб кетмади.
Унинг фожиялари бутун бир авлодлар умрига, фео-
лиятига зомин бўлди, юртни хароб, халқни хорлик
сари етаклади. 70-йилларда ёзилган ушбу асар 80-йил-
ларнинг иккинчи ярмида содир бўлган мудҳиш воқеа-

лардан дарак бериб, огоҳ этардики, афсуски, юрт бошига худди шу даврда келиб қолган «гап тўла калла»лар буни сезишга, таҳдид солаётган хавфни олдини олишга ожизлик, қилишди. Уларнинг ҳам фикри ёди халқни, ватанни, юрт улуғлари руҳларини сотиб бўлса-да, мансаб курсиларини сақлаб қолишга қаратилди. Охир-оқибат мансабдан ҳам, обрўдан ҳам айрилиб, миллионлаб одамларнинг нафратига дучор бўлдилар.

Мансаб ортидан қувиб, ҳеч нарсадан тап тортмай халқнинг энг сара қадриятлари устидан култепа тиклаган бадкирдор кимсаларнинг нисбатан пастроқ лавозимдаги вакиллари ҳақидаги ушбу асар нафақат ижтимоий, айти вақтда юксак бадий қуввати билан ҳам маънавий қимматга эгаки, Баширжон Зайнишев ва Шамси Тўраевичларнинг катта маҳорат билан яратилган образлари фикримизнинг яққол далилидир. Шу ўринда ёзувчининг ижтимоий типлар даражасига кўтарилган образлари адабиётимиздаги бетакрор характерлар галереясини бойитиб, муносиб ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Адибнинг характер яратиш маҳорати қаҳрамонларининг мансаб ортидан қувиб, бирда юксалган, бирда шармандаю шармисор бўлган вазиятларда яққолроқ намоён бўлади. Сохта улуғворлик, манманлик, ёлғон ва хушомадни асар қаҳрамонларининг доимий ҳамроҳига айлантириш, уларнинг характери хос табиий хусусиятлар сифатида ифодалаш ёзувчидан алоҳида адабий маҳорат талаб қиладики, буни Неймат Аминов муваффақиятли уддалаган.

Баширжоннинг мансабпарастлик хусусияти фақат турли ишхоналардаги ходимлари билан мулоқот-суҳбатларидагина эмас, кўча-кўйда, ёру дўстлари даврасида, қолаверса, уйда ҳам бўртиб намоён бўлади. Ўзини ҳаммадан юқори олиш, ўзида йўқ фазилатларни бор қилиб кўрсатиш, ҳар нарсадан ўзига манфаат излаш, гўллигу соддалик, қувлик ва айёрлик, бечораҳоллигу порахўрлик аралаш хусусият уни ўзига хос одамга айлантириб қўйганки, бу ўзбек ҳажвиётида ҳеч кимга ўхшамаган оригинал образ сифатида ҳам қадрлидир.

Мансабни шахсий ҳокимият, бойлик, қонунсизлик манбаига айлантириш халқ манфаатию келажак авлодга хиёнатдир. Бу ҳам моддий, ҳам маънавий жиноят ҳисобланади. Энг ёмони, мансабпарастларнинг савод-савияси ҳаминқадарлигини эсласангиз, доқори

лавозимларга маърифатсиз инсонларни келаётганлигига гувоҳ бўлсангиз, кўнглингизга нималар келмайди дейсиз. Олиймақом идоралардаги мансаб учун бўлаётган курашлар, интригалар, майдаликлар — мансабпараст кимсаларга ҳалокат йўли эканлигини ўйлаб қоласиз. Бунга Баширжоннинг тақдири ёрқин мисол бўладики, пешона деворга бориб теккандан кейингина уни таъми тотилиб, «шўр» эканлигини сезамиз. Мансаб пиллапояларидан сакраб-сакраб, униб-ўсиб, «балоғатга» етсак ким бўлишимизни биламизми?

Ҳокимият учун кураш инсониятга азалий одат. Қаҳрамонларимиз — Шамси Тўраевич ва Баширжон Зайнишевдек мансаб қуллари ҳаётида инсоний нур, ёруғлик, самимият буткул барбод бўлиб, ғаразгўйлик, ноҳалоллик ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Умр мазмуни мансаб, ҳаёт мезони, ўлчови мартаба, «замонамиз қаҳрамон»лари мақсади эса юқорига интилишдангина иборат бўлган даврнинг давомийлиги кимларнидир таажжубга солар. Аммо мансаб оти — гарчи унинг чавандозлари ўзгариб турса-да — доимо эгарланган, гижинглаб турибди. «От»нинг феъли ҳам замонга қараб ўзгариб туради. Баъзан ювош тортса, баъзан яқинига йўлатмайди. Унинг устидан «учиб» кетган, ҳалокат жарликларига улоққан Шамси Тўраевичу Баширжон Зайнишевнинг «муносиб» ворислари, аттанг, ҳали бор экан.

ҒОФИЛЛИК ҒОЛИБЛИҚДИР

Ўзбек адабиётида халқ орасида оммалашиб кетиб, афсонага айланган ўнлаб қаҳрамонлар мавжуд. Отабек, Қумуш, Мирёқуб, Шум бола, Ғофир, Саидий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Отақўзи ва бошқа кўплаб образлар юксак бадийлиги билан давр ва миллат рамзига айланишган. Ҳақиқатан ҳам буларнинг барчаси ғоятда мукамал ва бадий бақувват ўзига ҳос характерлардирки, уларнинг улуғворлигига шак-шубҳа йўқ. Шукрим, бундай ёрқин образлар галереяси 70—80-йилларда ҳам чуқур бадий ва ижтимоий қимматга эга қаҳрамонлар билан янада бойи-ди.

«Елғончи фаришталар» қўшқиссаси адабиётимизда ўз ўрнини топган бўлса, ундаги қаҳрамонлар бетакрор қиёфаю характерлари билан юқорида тилга олинган образлар галереясини бойитди. Асарнинг етакчи

қахрамонлари — Баширжон Зайнишев, Шамси Тўраевич, Қиёмхон, Қирмизхон қаторида Вафо аттор ҳам борки, бу образ ёрқин маҳаллий колорити, тили ва характери билан ҳажвий адабиётимизда воқеа бўлди.

Вафо аттор образи аввало чуқур халқона ташбеҳларга бойлиги билан ўқувчи диққатини тортади. Асарнинг энг гўзал кулгига, юморга тўла саҳифалари Вафо аттор билан боғлиқ. Ушбу персонаж пайдо бўлган саҳналар зўр шавқ билан ўқилади. Вафо атторнинг бухороча шевада алоҳида бир қироат билан гапириши, қишлоқ одамига хос соддалигию фаросати, ўрнида келганда қувлигию тамаъгирлиги мантиқан кучли асосланган.

Бу дунёда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни, вазифаси бўлганидек, Вафо атторнинг асарда ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Бу кимса қўшқиссанинг илк саҳифасидан то охиригача барча воқеа-ҳодисаларда фаол иштирок этади. У Баширжон Зайнишев, Қиёмхон, Зеварахон, ҳатто Шамси Тўраевич тақдирига жиддий таъсир ўтказган, марказий ва кўп ҳолларда ҳал қилувчи қахрамондир.

Бир қарашда Баширжон билан Вафо атторнинг танишуви тасодифдек туюлади. Асарни ўқиб танишганингиз сайин мазкур учрашувда ҳеч қандай тасодиф йўқлигини, билъакс, бу Баширжоннинг табиатига мутлақо зид келишини, чунки у гарчанд «атеист» бўлса-да, «алҳамдулло мусулмон» бўлиб, фолбину паричаларнинг дуохону муллаларнинг бидъатларига ишонувчан бир кимсаки, Вафо атторни учратишига унинг ана шу хислати сабаб.

Хўш бу учрашувнинг ўзи қандай кечган? Гарчанд эслатиб ўтган бўлсак-да, яна бир назар ташлаш фойдадан холи эмас. Баширжон оиласи узоқ йиллар фарзандсизликдан қийналади. Хотини Зеварахон ҳомиладор бўлгач, уни соғ-омон «юк»дан халос бўлиши йўллари ахтарила бошланади. Парича Зеварахонга бир ҳаром, бир ҳалол ҳайвон устидан сакраш кераклигини, шунда бола соғ-саломат туғилажagini маслаҳат берган бўлади. «Сакраш маросими» Даврон тоғаникида ўтказилади. Ҳалол ҳайвон устидан сакраш муваффақиятли ўтади. Аммо, ҳа деганда ҳаром ҳайвон топила қолмайди. Худди ана шу жойда Баширжон билан Вафо аттор илк бор тўқнаш келишади. «Ҳаром ҳайвон» атторнинг бўғоз эшаги бўлиб, бу «ҳари бадбахт» бахтга қарши оқ рангда бўлади. Парича

эса кўк рангли ҳайвонни буюрган. Бахтга қарши Вафо атторнинг эшаги оқ. Биз рангларнинг фарқига аллақачон етганмиз. Қайси ранг бизники, қайси ранг ёт — буни бизга яхшилаб уқтириб қўйишган. Яна бир нарсани — биз ўзимизга зарур рангини тезда «тайёрлаб» олишни ҳам биламиз. Оқни қора, қорани оқ қилишга етмиш йиллик тажриба етарли. «Ветеринар» Вафо бобо ҳам бироз содда бўлиб кўринса-да, замоннинг ҳикматларини яхши билади. Ван ютуқларини ишга солиб, топқирлик билан шу вазиятда зарур бўлган рангини муҳайё қилади. Оқ эшак бир пастда кўк эшакка айланади. Бироқ оқми, кўкми — барибир эшак-да. Ранг ўзгаргани билан моҳият ўзгармайди. Вазият кўк рангини тақозо қилган эди, шу ранг тезда муҳайё қилинади. Вазиятга қараб ранг ўзгаради. «Ўзгартиш»нинг сирини эса — синкада. Хуллас сакраш маросими учун ҳамма нарса тайёр қилинади. Дарвоқе, аттор ўз одати-ча аввал «сакраш» ҳаққини ундириб олади. Зеварахоннинг ҳаром ҳайвон — «кўк» эшак устидан сакраши муваффақиятсизликка юз тутди. Айни сакраш вақтида эшак туриб кетиб Зеварахон йиқилиб тушади. Аммо бу Баширжон билан Вафо атторнинг бўлғуси «ошначилигига» зарра таъсир кўрсатмайди. «Кўр кўрни қоронғида топар» деганларидек, нафс қуллари бир умр ажралмайдиган бўлиб бир-бирларини топишган эди. Иккинчи томондан, «сакраш маросими»дан сўнг Баширжон ўғил кўради. Худодан тилаб олинган яккаю ягона фарзанд Баширжон ҳаётига бироз бўлса-да мазмун, ота сифатида унга тенгсиз қувонч бағишлайди. Афсуски, қувонччи узоққа чўзилмайди. Айни шодлик кунларида, одамлар табригидан маст бўлиб юрган кезларида иттифоқо Вафо атторга йўлиқади. Вафо атторнинг ҳам «кўк ранг»даги эшаги «юкдан халос» бўлган, тақдирнинг шум ўйинини қаранг, янги туғилган хўтикнинг оёқлари калта-узун, кўзлари «шалпанг» ҳолда дунёга келади. Аттор бул қасофатнинг сабаби ўша — машъум «сакраш маросими» оқибати бўлса керак деган хулосага келиб, «курран ногирон» учун ҳар ойда Баширжондан пул ундириш пайига тушади. Баширжон ҳам анойи эмаски, аллақандай ногирон эшак учун ҳар ой ем-хашак пули тўлаб турса. Бироқ Вафо аттор ушлаган жойидан узадиганлардан: у Баширжоннинг энг нозик жойидан — агар ўғлингиз ногирон бўлиб туғилса нима қилардингиз? — деб ушлайди. Яқиндагина «Кўр музикачи» фильминини кўриб юрақла-

ри эзилган Баширжон дарров чол талаб қилган пулни берадию ундан қутулиб кетмоқчи бўлади. Ҳамма бало шундаки... у қутулиб кета олмайди. Баширжон даҳшатли фалокатнинг ижрочи-раҳнамосига дуч келган эди. Хосиятсиз «сакраш маросими» туфайли Баширжон қопқонга тушади. Зайнишев бир неча бор «қопқон»дан қутулиб кетишга уринади. Лекин қутулиш у ёқда турсин, у билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлади, ҳатто кучукларга ташланиши керак бўлган «ҳаром ўлди»га чиқарилган жигари илвираб кетган жўжалар гўшtidан уюштирилган зиёфатларда бирга бўлишади. Бу ҳақда бафуржа бироз кейинроқ тўхталамиз.

Вафо аттор асарнинг шундай саҳналарида пайдо бўладики, бу сира олдиндан режалаштирилганга ўхшамайди. Ҳаётнинг табиий мароми атторнинг у ёки бу жойда ҳозир у нозир қилади. Аттор Баширжондан турли нарсаларни баҳона қилиб ногирон хўтикча учун ем-хашак пули ундиради-да, кўздан ғойиб бўлади. Уқувчи шу-шу у бутунлай йўқолган бўлса керак, деб ўйлаб турган бир пайтда яна у «лаббай» деб иккинчи бир жойдан чиқиб туради.

Хўш, аттор асарнинг қай бир саҳнасида, қандай намоён бўлади? Унинг муддаоси не? Унинг гарданига қандай вазифа юкланган?

Вафо атторнинг асар саҳнасида қандай кириб келганлигига юқорида шохид бўлдик. Ногирон туғилган хўтикчанинг аламини кимдан олишни билмай юрган кезларда, иттифоқо бозорда Баширжонни учратиб қолади. Вафо аттор хўтикча эсон-омон туғилса «ўн чоғли» курра берган, ҳозирда бу курралар «катта-катта эшаклар бўлиб кетган» эшагини йўқотиб, куррасини сақлашни умид қилиб юрган эди. Бахтга қарши атторнинг сўнгги илинжи — курра ногирон ҳолда дунёга келади. Бозорда ўғил кўрган Баширжонни таниш-билишлари муборакбод этиб турган пайтда атторнинг қўлига тушади. Вафо аттор ўғлингиз эсон-омон вояга етишини хоҳласангиз, «курран ногирон» озуқаси учун ҳар ой пул бериб турсангиз, деган шарт қўяди. Худодан тилаб олинган ёлғиз ўғил учун жонидан ҳам азиз бўлган — пулни бериб туришга Баширжон рози бўлади. Шундан сўнг уларнинг «ота-болалиги» ришталари боғланади.

Вафо аттор образи атрофига асарнинг бош ғояси, ёзувчининг асосий мақсади чамбарчас боғланган. Ат-

тор асарнинг жамки фазилатларини ўзида қамраб олган образдир. У асар сюжетида энг муваффақиятли ҳаракат қилган қаҳрамондир. Қаҳрамонимизнинг ногирон хўтиқчаси билан боғлиқ барча воқеалар қўшқисса бош персонажи Баширжон тақдирига келиб тақалишида катта бир ҳикмат борки, биргина шунинг ўзи Вафо атторнинг асарда тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини яққол кўрсатади.

Сакраш маросими, Баширжоннинг ўғил кўриши, ногирон хўтиқчани дунёга келиши, шу баҳонада Зайнишев билан Вафо атторни учрашиб туриши, сўнг уни суғурта идорасига бошлиқ этиб тайинланиши, Кўчабузул аригини тошишию Вафо атторнинг моллари, офилхонасини сув остида қолиши, нажот нстаб суғурта идорасига келиши ва яна Баширжонга йўлиқиб, Қиёмхон билан танишиши, хуллас, Зайнишевни жисмонан ҳалокатига ўша «хари бадбахт»нинг «балоси» ногирон хўтиқчанинг сабаб бўлиши — ниҳоятда табиий, жонли маромга эгаки, аттор тугул хўтиқчасининг ўзи шунча воқеалар мобайнида қимматини йўқотмасдан, сўнгги нуқтагача фаол ҳаракатда бўлиши ёзувчининг катта маҳоратидан дарак беради. Сюжет чизиқларини унчалик аҳамиятга эга бўлмаган «курраи ногирон» орқали қаҳрамонлар тақдирига боғлаш, боғлаганда ҳам даҳшатли ижтимоий мазмун ва кулгу бахш этиш адабнётимизда ноёб воқеа бўлди.

Хўш, нега атторнинг эшаги ногирон хўтиқча туғди? Бу фақат ўқувчини кулдириш, шунчаки ҳажвий мақом асаридан келиб чиқиб ҳангомани кучайтириш учунми? Бир қарашда аслида ҳам шундай бўлиб туюлиши мумкин. Аммо асарни ўқиганингиз сайин, бу «ногирон»лик ортида жуда катта ногиронликлар борлигини сезиб борасиз. Ва хўтиқчани асар охиригача Баширжон билан бирга бўлиши мутлақо зарур ва табиий эканлигини англаб қоласиз.

Баширжон Вафо атторнинг озуқа пули учун ҳар ойда қиладиган хархашаларидан қутулиш учун бир неча маротаба уриниб кўради. Уни аттор назоратидан қутулиб кетишига бир нарса — ногирон хўтиқча монельлик қилади. Аттор ана шу ногирон жонивор туфайли Баширжон ўғиллик бўлганлигини, худодан тилаб олинган фарзандни ёмон кўзлардан сақлаш учун ҳар ой озуқа пули тўлаб туриши лозимлигини яхшилаб ўқитиб қўяди. Баширжонгина эмас, ҳатто ўғлининг, демак-

ки, онласининг тақдири ҳам «курраи ногирон»га боғланиб қолади.

Умуман, Баширжон билан атторнинг ногирон эшакнинг турмуши, ҳаёт кечириш қонунлари ҳам бир-бирига жуда мосдир. Гарчи бу ўхшатишимиз ғайритабиий ёки Баширжонга нисбатан ҳақорат бўлиб кўринса-да, асарда бир маъно-мазмундан чиқиб кета олмаймиз. Қўшқисса моҳияти эса худди ана шундай ўхшатишни, қолаверса уларнинг маънан яқинлигини тақозо қилади. Бу ўхшатишликнинг асосий белгилари нимада кўринади? Аввало уларнинг текинхўрликка асосланган тирикчилигида, деб ўйласак бироз хато бўлур эди. Ёзувчи жамиятда ҳукм сурган маънавий ногиронликни фош қилиб, бадний таҳлил қилар экан, бу нарсани ҳажв йўли билан, асар персонажларининг моҳирлик билан чизилган портретлари, характерлари орқали ифода этади. Шу билан бирга мажозий образ ва қиёслардан ҳам унумли фойдаланади. Фикримизча, ногирон ҳўтикча маънавий ногиронликнинг ўзига хос мажозий ифодаси ва намунасидир. Баширжон инсонийликнинг мудҳиш маънавий ногиронлигининг акс-садоси сифатида «курраи ногирон» билан тенгдир. Уларнинг ҳаётга келишню ҳалокатга учраши ҳам бир-бирига жуда яқиндир. Зайнишев кетаётган машина йўлига диконглаб чиққан ҳўтикча туфайли авария содир бўлиб, ҳам Баширжон, ҳам курраи ногирон ҳалок бўлишди. Вафо аттор нобуд бўлган куррасига ачиниб, ҳўб катта эшак бўлган эди-я, эссизгина, деб чеккан азияти Баширжонга ҳам тааллуқлидир. Баширжон ҳам суғурта идораси бошлиқлигидан умумий овқатланиш корхонаси директорлигига кўтарилиб, мансаб борасида ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди.

Вафо аттор характерини жонлантириб турган асосий унсурлардан яна бири — унинг ўзига хос тилидир. Тил жозибаси, таъсири ва бутун абадий гўзаллигини кўрсатиш учун бир неча мисолларга мурожаат қиламиз:

«— Оббо сиз-э, Даврон ука, — деди аттор илтижолу жилмайиб. — Лубой кимсадан ҳатто бир қарич боладан ҳам сўрасангиз: «Бу қанақа эшакдур — деб, у— кўк эшак деб жавоб бергай».

«— Гап бундоқ, ўртоқ Зайнишув ука, — деди Вафо аттор митти кўзларини ялтиратиб, ингичка бўйинини Баширжон томон чўзиб. — Биздан эшак... Ўша ана бу келинпошшо устидан сакрағонлари эшак жонивор...

Ўшал хари бадбахт енгил бўлди. Локигин курраси майиб ва ногирондур... Шундоқ, бўлам. Умедим катта эрди ўшал бечора хари бадбахтдин. Бахтимга ногирон курра туғилди... Ҳаммасига ана бу келинпошиша сабаб.

— Э, нима деяпсиз ўзи? — деди Зеварахон ҳайратга тушиб.

Вафо аттор митти кўзларини йилтиратиб, қўлини пахса қилди:

— Сабур, бўтам, сабур, — деди дағ-дағ титроққа тушган эр-хотинга. — Ушал айёми баҳорда, мана бу келинпошиша камина бобонгизнинг ҳомилали эшаги устидан ҳатлагон эрдилар. Ушанда бу кишингизнинг вазминлик ва оғирликлари, яъни бори кароҳатлари эшак устига тўкилгон эркан. Шул боис бечора хари бадбахтнинг курраси чухсли туғилган, яъни кўр ва бир орқа оёғи шалпангдур...

Бечора эр-хотин донг қотишди. Ниҳоят тинчликни Баширжон бузди.

— Эшон бобо.

— Лаббай, бўтам.

— Уша эшакни курраси ногирон бўлса, йўқотиш керак, ахир эшак арзон-ку.

Вафо аттор:

— Ло ҳавло валоқуввата, — деди ёқасини жуфтлаб ушларкан. — Ман кафур ва амиркон эрмасманки, Оллоҳ жон ато қилгон бир маҳлуқнинг хунига зомин бўлсам...

— Хўп, нима қилиш керак? — деб сўради Баширжон.

— Кўп ҳавл қилманг, бўтам, — деди яна Вафо аттор қизишиброқ. — Ана, қаранг, ҳукумати шўромизни... Етим-есир, ногирону майибларни ҳам парвариш қилодур. Қаранг, манави чумчуқни, — дея у Эргаш чумчуқ томон ишора қилди. — Ана ўшанга ҳам ҳукуматимиз эллик сўм пенсиё беродур ва локин ўшал ношукр банда яна худра атторликни ҳам касб қилибдур... Гап бундоқ, ука ўртоқ Зайнишув. Мадомики, келинпошишонинг оғирликлари тушиб, ўшал курра ногирон туғилибдур, энди унинг парвариши ўзларига тан».

Вафо аттор тилидаги равонлик, ўткир жозиба ниҳоятда халқона ташбеҳларга бойлиги образ характери ни чуқур очилишига беқиёс таъсир кўрсатганки, қаҳрамонимиз шундоқ ҳаётдан ранг олиб турганлиги биллиниб туради. Унинг лаҳжасидаги «кароҳат», «чухсли»,

«шалпанг», «худра», «сулфа», «ваража», «роҳи», «ти-
рамоҳ», «хўжак», «акун», «чарс», «ҳавл» сингари сўз-
лар образнинг индивидуал характерини очиш билан
бир қаторда, маҳаллий колоритни кучайтириб, асар-
нинг тил бойлигини оширади.

Вафо аттор бұхороча лаҳжаси ўзида одамзотнинг
мангу императивлари бўлмиш — соддалик, қувлик, ёл-
ғончилик, фаросатсизлик, ишига пухталиқ хислатлари
орқали ўқувчи кўз олдида мустаҳкам муҳрланиб қола-
ди. Аттормнинг ҳар бир гапи замонни, ҳамтovoқларини
фош қилувчи ҳукм бўлиб янграйди. Унинг ўзига хос
яна бир жиҳати — ҳаммадан ва барча нарсадан манфаат
излашдадир. Асарнинг кўпгина қаҳрамонлари қато-
ри манфаатнинг қўлига айланиб, жирканч бир тасав-
вур қолдирадими, сурбетлигу тамаъғирлигига таъриф
йўқ. Иложи бўлса, қабрга кираётган ўликнинг кафа-
нидан бир парча юлиб олишга интиладиган «иймонсиз»
чолдир.

Аттор анчайин тақводор, ҳаром билан ҳалолнинг
фарқига борадиган, имон-эътиқодли киши бўлиб кў-
ринса-да, ҳаётда ҳамма нарсани пулу нафсга чақадиган,
бекорга ҳатто «дуо» қилмайдиган одамдир. Унинг
«муллалиги» ҳам манфаатдан юқорилаб кетолмаган.
Шу ўринда ушбу образни бу қадар мукамал ишлан-
гани устида ўйлаб қоласиз. Неъмат Амнинов ижодининг
ўзига хос хусусиятларининг калити ҳам ана шунда.
Ёзувчи ҳикоятларида бўлғуси йирик асари учун хом
ашё тайёрлаб борган. «Ёлғончи фаришталар»нинг кўп-
гина **етақчи** қаҳрамонлари образи ҳажвий ҳикояларда
куртак чиқарган бўлиб, «ҳосилнинг етилиши» қўшқис-
сада намоён бўлган. Вафо аттор образининг ҳам ибти-
доси «Арзиҳол» ҳажвиясидадир. Бу ҳикоя аттор учун
ўзига хос старт майдончаси вазифасини ўтаган.

Энди бир неча мисолларга мурожаат қилайлик. Ат-
торни художўй дедик. Унинг ҳар икки гапнинг бирида
худони, мусулмонлик ва иймонни тилга олиши шундай
хулоса чиқаришга асос бўлса-да, аслида у юқорнда
айтиб ўтганимиздек, манфаат тарозусини тошига қа-
райдиган, тош босган томонга оғадиган оғмачи, муно-
фиқ одамдир. Баширжон қайнонаси қайтарган чўчқа
ёғини атторга берганда оғзидан дину иймон тушмай-
диган «мулло бобо»: «—... Ёғдурму, баракалло... Бай-
бай. Оҳ, оҳ. Бунни пўлка (буханка) нонга суртиб емоқ-
лиқнинг алоҳида, хўб лаззати бордур...», дея тап
тортмай «макруҳ» емишни олиб қолади. Бу жойда

иймондан нафс устун келади. Айниқса, «Ҳаром ўлган хўжак»лар ҳангомасида Аттормнинг ушбу хислати янада бўртиб намоён бўлади. Кўчабузил ариғи тошиб, аттормнинг офилхонаси ва касалманд бузоқлари сувда қолади. Нажот истаб суғурта идорасига борганида «қадрдони» Баширжонни учратиб қолади. Зайнишев «қария»га ёрдам берса бўлиш-бўлмаслигини Қиёмхонга маслаҳат солади. Шундан сўнг сув остида қолган бузоқлар баҳона қинғир ишга қўл урилади. Бузоқлар сўйилиб, гўшти пулланади. Ана шу ҳамкор-ҳамтовоқлик шарафига уюштирилган зиёфатда «улфатлар»нинг ҳақиқий ба-шараси очилади:

«... Иккинчи қадаҳдан сўнг Баширжон ҳеч кимга сўз бермай, ҳаммани офзига қаратиб ўтирарди.

— Келмоқчи эмас эдим, Қиёмхон: «Отахон хафа бўладилар» деб қўймади, — деди у шилп-шилп устихон кемириб. — Ҳай, майли, борсак борайлик, дедим. Вафо бобо ғанимат одам, деб келавердик-да.

— Боракалло, боракалло, ука ўртоқ Зайнишув, — деди Вафо аттор бароғи учини ялаб. — Бизни-ку сиз йўқлабсиз-ку, сизни Олло-таолонинг ўзи йўқласун. — Ба чи сабаб бул хўжаклар юра олмайду, десам, боиси бор экан. Кеча Турди қассоб сўйди. Қарасам, жониворгиналардан бирининг жигари илвираб кетибдур. Яна бирисининг ишкамбаси тешилгон эркан, қони ҳам зардобга айланиб, гўштига уриб кетибдур.

Ҳамманинг иштаҳаси йўлига «шлагбаум» тушди. Мол дўхтири ўнг оёғи тиззасини уқалай туриб, мезбонга танбеҳ берди:

— Мулло бобо...

— Лаббай, духтуржон ука.

— Энди, гап бундай, — деди мол дўхтири томоқ қириб. Вафо анграйиб: «Хўш, хўш», — деди. Шариф пиён салмоқлаб давом этди: — Ҳар ерларда бузоқларни Турди қассоб сўйди, деб юрманг. Бузоқларингиз ҳаром ўлган, тушундингизми?

Баширжон билан Қиёмхон қизариб кетди. Вафо аттор ҳам эсанкираб:

— Ҳа-я, эсим қурсин мен пирсаги беймонни, — деди ўзини қарғаб. — Хўжак, ҳа, бузоқлар ҳаром ўлди, гўштини кучукларга бердук.

«Ҳаром ўлган» бузоқлар гўштини еган «кучуклар» ичида мол дўхтури Шариф пиён образи ҳам бевосита Вафо аттор билан боғлиқ бўлганлиги боис ушбу типнинг характериға бир назар ташлаш фойдадан холи

эмас. Шариф пиён фақат «ҳаром ўлган» бузоқларни гумдон қилиш соҳасидагина иштирок этади. Қисқа фурсат ўқувчи кўз олдида намоён бўлган «духтуржон ука» узоқ вақт эсда сақланиб қолади:

«Эртаси куни Вафо аттор ялиниб-ёлвориб қўшни қишлоқлик дўхтири Шариф пиёни ҳовлисига бошлаб келди. Бир оёғи чўлоқ, бурни қип-қизил мол дўхтири ўзини жуда катта олиб, «ма, санга, ма, санга» қабилда юриб келарди. У молхонага киргач, тўғри қоқшол бузоқларга яқин борди. Сарик бузоқни аямай бир тепди. Бузоқ жонивор «Иҳ!» деган овоз чиқарди-ю, қимирламай ётаверди.

— Ана, ана, кўринг, дўхтиржон, — деди Вафо аттор йиғламираб.

— Аҳволи бисёр бад. Бугун эрмас, эртага албатта бандаликни, эҳ, ғалат, ҳаром ўлиши бартайиндур. Инчунин...

— Ҳовлиқманг кўп. — Шариф пиён эгилганча бузоқларнинг танасини пайпаслаб кўра бошлади. — Эти ёмон эмас. Сўйиб гўштини пулласа ҳам бўлади... Яхшиси, сўя қолнинг, справка ёзиб бераман. Турди қасобни чақирасиз бир пасда...

— Қани, ўртоқ дўхтиржон, — деди ялиниб. — Бир пиёлагина чойимиз бор. Йўқ, деманг энди, укажон, қани юрингиз.

Шариф пиён ит думини чалган жойдан қолмайдиган, айниқса, текин зиёфатларга суяги йўқ кимса эди. Кўп зориқтириб ўтирмади...

— Бу дўхтиржон, виёно-пийно ҳам ичадурларму?

Шариф пиён мўрт, сарик тишларини кўрсатиб, пиқиллаб кулди:

— Сўраб бергунча, уриб бер, деган эканлар...

Ароқдан икки пиёла тўлдириб ичиб олган мол дўхтири анча эзмаланиб қолди. У олдинга узатиб юборган оқсоқ оёғини силаганча, мақтанчоқлик билан гап маъқуларди.

— Э, отахон. Бу, бизнинг касбимизни ҳам жуда осон, деб ўйламанг. Ўзига яраша қийинчилик, жавобгарлик томонлари ҳам бор. Масалан, олинг, ана бу оёғимни. Уруш даври эди. Одамлар билан бирга отларни ҳам фронтга ола бошлашди. Мен ўшанда мол дўхтирилиқ мактабини эндигина битириб чиққан, бақувват ўсмир бола эдим. Военкоматда отларни бичардик. Бир куни икки одам бўйи келадиган бир жайронни келтиришди. Ўзиям том бўйи келадиган маст бир

айғир денг. Юракда ўт бор экан-да. Арқонни ҳалқа қилиб оёғига солдим-да, силтаб бир тортдим. Жонивор тоғдай нарса, шилқ этиб тушди.

Вафо аттор ҳайрат билан: «Офарин, офарин!» деб қўйди.

— Иккита солдат отни босиб турибди денг. Оби тобида асбобларни ишга солдим. Шу пайт денг, ҳалиги солдатлардан бири қаттиқ аксириб, қўлдан арқонини чиқариб юборса бўладими? От пишқириб, бир шатто отганини биламан... кейин балнисада кўзимни очдим. Оёқ синган... Шундай қилиб денг, бизни армияга ҳам олмади. Агар ўша жайронни ахта қиламан, деб шу кўйга гирифтор бўлмаганимда, мен ҳам урушга бориб, айрим фронтовиклардай эллик беш ёшдан пенсияга чиқармидим... Э, бошқа имтиёзларни айтсангиз-чи... Э, от, хўкиз, қўчқор, серка... булар нима? — деди у лабини ялаб. — Буларни ахта қилиш чепуха, кўзимни юмиб туриб ҳам бичиб ташлайвераман. У ёғини сўрасангиз, ҳатто хўрозу беданагача бича оламан...

Вафо аттор унинг ҳунарига қойил қолиб, мақтов сўзларини ёғдириб ўтирарди.

— Акун, бу ахтачилик ҳам бир ҳунари комил-да,— деди у митти кўзларини ўйнатиб».

Вафо аттор атрофида бирор бир нек ниятли одамни учратмаганингиздан сўнг бир савол туғилади. Наҳот одамларнинг барчаси шу қадар мунофиқ, товламачи, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган бўлиб қолган бўлса? Баширжоннинг ахvoli маълум, Қиёмхон қинғир ишларга суяги йўқ, Шариф пиён бир қултум ароқнинг гадоси ва шу йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто ёлғондакам справка ёзиб беришдан ҳам қайтмайди. Масаланинг яна бир томони шундаки, ҳаётда шундай воқеа бўлишига ишонасиз ва ўзингиз ҳам бу каби воқеа ва одамларни кўплаб кўргансиз. Бу ерда оддий турмуш тарзига айланиб қолган нарсалар устидагина гап кетаётганлиги, турли қинғирликлару ёлғонни ҳаёт тарзига айлантириб юборган жамиятнинг расволиги устида ўйлаб қоласиз. Вафо аттор ва унинг ҳамтовоқлари фожиаси илдизлари сиз ўйлагандан кўра чуқурроқ эканлигига — бу персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, дунёқарashi билан танишганингиздан сўнг кўнглингизда ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Атторнинг елкасига эски хуржунгина эмас, масбуллиятли яна бир вазифа юкланган. Уни асарнинг бошида пайдо бўлиб охиригача воқеаларда фаол иштирок

етиши бежиз эмас. У асарнинг бош қаҳрамони Баширжон Зайнишев ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳалокатга етакловчи қудратли кучдир. У бу вазифани қойилмақом қилиб уддалайди. Баширжон ҳаётининг сўнгги дақиқаларининг гувоҳи ва иштирокчи-ижрочиси бўлади.

— Ҳай дариг, ҳай дариг, — дерди у (аттор—Ж. С.) фигони фалакка чиқиб. — Бисёр хўб эшак бўлиб эрдиди. (ким? — Ж. С.) Эсиз-а, эсиз. Бу курраи ногиронни одам қиламан, деб қанча азият чекибдурман. Вой, хонсалот бўл, шопур бола. Эшагимни нобуд қилдинг-а. Эссизгина эшагим-а».

Гап ногирон хўтик ҳақида кетаяптими ёки Баширжон ҳақидами, тўғриси билиб бўлмайди. Аттормнинг ачинишини иккаласига ҳам тадбиқ қилса бўлади. Ҳолбуки, даҳшатли ногиронликка дучор бўлган Баширжон ва хўтикча ёруғ дунёдан кўз юмган эдилар. «... Бул курраи ногиронни (Баширжонни деса ҳам бўлаверади — Ж. С.) одам қиламан деб қанча азият чекибдурман» деб аттормнинг йиғлашига қараб, унга ҳамдардлик уйғонади. Афсуски, Баширжон одам бўлиб дунёга келадую, аммо одам каби яшай олмайди. Балки ушбу дақиқаларда Шамси Тўраевич бўлганларида Баширжоннинг боши узра, аттор эшаги учун қандай ҳасрат чекиб йиғлаган бўлса, айнан шундай гаплар билан марсия айтармиди? Бироқ айни пайтда окахоннинг ўзи ҳам... ўз Вафо атторига муштоқ бўлиб ётарди.

Бу дунёда Баширжонмижоз одамларнинг ўз Вафо аттори бор.

Вафо атторлар ҳам кимга йўлиқишни, ким билан ошначилик қилишни яхши билади.

Вафо аттор «буюк хизмат»лари ва тиниб-тинчимаслиги билан адабиётимиздаги энг кучли ҳажвий-драматик образ бўла олади. Чунки унинг ўқувчи олдида юзи «ёруғ». У бу дунёда гарданига юкланган вазифани тугал бажариб бўлди ва...

Яна ҳар қандай хизматга мунтазир бўлиб турибди.

Бу образнинг ҳаққонийлиги ва яшовчанлигини сирри ана шунда.

Бу сирдан кимки ғофил қолса ўша ғолибдир.

УСИШИ ҚЕРАК БЎЛГАН ЙИГИТ

Хушомадни шахсий, майда икир-чикир дейиш инсон табиатига тухматдек туюлади. Бунини иллат деб атадик, бидъат деб урдик, лекин бир иш чиқмади. Замонлар ўз-

гарди, янги-янги авлодлар дунёга келди, ammo хушомад одам боласи характерню қонини тарк этмади. Демак, хушомад жамият ҳаётидаги тарихий илдизга эга ижтимоий ҳодиса.

Хушомадга қарши кўп курашган тоифа — ҳукмдорлар бўлса керак.

Хўш, бу икки ҳолатнинг мутаносиблигининг боиси не?

«— Сўз, инспектор Қиёмиддин Муслимовга...

— Ҳурматли ўртоқлар, — деди нотiq силлиққина илжайиб. — Районимиз ижроия комитети раисининг ҳурматли ўринбосари, қадрли ва азиз Асқар Бакирович... Мен Баширжон акамларни яхши биламан. У киши район маданият бўлимини бошқарганларида бирга ишлаганмиз. Эҳтимол, у киши эсан чиқариб юборгандирлар. Лекин мен у кишини яхши биламан. Мен ўшанда «Чаман» ансамблида рақсга тушар эдим. Ўртоқлар, мен шундай тажрибали раҳбар билан келажакда яна бирга ишлашимдан ниҳоятда бахтиёрман...»

Ушбу парчани ҳам тадқиқ қилинаётган «Ёлғончи фаришталар» асаридан олдик. Биз айнан ана шу асар ми-солида, аниқроғи, Қиёмиддин Муслимов ва Баширжон Зайнишев муносабатлари орқали юқоридаги саволимизга жавоб излашни ният қилдик.

Гални мазкур парчадан бошлашимизнинг боиси шундаки, қаҳрамонларимиз илк бор шу ерда тўқнаш келишади. Ва «учрашув»нинг биринчи дақиқаларидаёқ бу икки шахс муносабатлари Қиёмхоннинг хушомадли гаплари билан бошланади. Асар матнига эътибор берсангиз Қиёмхоннинг гаплари «енгил бош силкиб» қўйган Баширжонга мойдек ёқади. Чунки, айти шу вақтда Баширжоннинг бошига навбатдаги «бахт қуши» қўнмоқда эди. Уч-тўрт жойдан урилиб-сурилиб, бир ойча уйда бекор қолган Зайнишев «акахон»ларнинг қўллови билан суғурта идораси бошлиқлигига тайинланмоқда эди. «Коллектив» қандай қабул қилар экан, деган ички бир ҳадикда бўлган Баширжон учун Қиёмхоннинг хушомаду дабдабадан иборат «нутқи» ўзига хос далда бўлдики, келгусида бу йигитга муносабати худди шу «далда» натижаси билан ўлчанади.

Натижа эса ёмон бўлмайди. Кечагина қамоқдан қутулиб қолиш, партиядан ўчмаслик ўй-ёди билан яшаган Баширжон худди эртаклардагидек бир юмалаб суғурта идорасига бошлиқ бўлиб олади. Албатта, орада нажоткор — Шамси Тўраевич билан анча-мунча гап-сўз бўлиб

ўтадики, бу нарса ўқувчига яхши маълумлиги сабаб ва қахрамонимиз Қиёмиддинга ҳозирча бу нарсанинг алоқаси йўқлиги боис гапни узоққа чўзмаймиз.

Хуллас, Баширжон бошлиқ бўлиб олгач, уларнинг иккинчи учрашуви ҳамма нарсани очиқ-ойдин қилиб олади: улар «қиёматли ака-ука» бўлишга онт ичадилар:

«Эшик гийқ этиб очилдию Баширжоннинг тизгинсиз хаёлларини бўлди. У китобни стол устига қўйиб, эшикка қаради: остонада қош-кўзлари қоп-қора, сочлари ўнг томонга силлиқ таралган, оқ, бежирим юзли Қиёмхон жилмайиб турарди.

— Э, келинг, Қиёмхон, — дея Баширжон хиёл қўзғалди ва «ўзини жуда яқин олди, очиққина йигит экан», деб ўйлади.

— Келинг, ука.

— Ҳали кирсам йўқ экансиз, Баширжон ака, — деди Қиёмхон бармоқларини қарсиллатиб. — Кейин мановини қолдириб...

— Ҳа, — деди Баширжон, — ташқарига чиққан эдим, шу, бир зарурат билан...

Қиёмхон қоғозни олиб, битта «Экстра» ароқ билан «Сайра» консервасини олди. Баширжон ўрнидан қўзғалиб қўйди.

— Э-ҳа, — деди кулиб, — тинчликми?

Қиёмхон унга қиё боқиб жилмайди:

— Вой, Баширжон ака, — деди ҳамон ўша ишвали оҳангда, — иш бошлаганингизга, мана, бир ҳафта бўлибдики, ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз-а?!

Бир-бирларини «яхши билиш» жараёни кўп узоққа чўзилмайди. Дастлабки қадаҳ сўзидан кейиноқ ўртада «меҳр-муҳаббат» уйғонади. Баширжон: «Мана бугун яна бир янги, садоқатли дўст орттирдим, деб ўйлайман... Сизга (демак, Қиёмхонга — Ж.С.) бахт, соғлиқ ва ишларингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилайман», — дейиши билан: — Вой, — деди Қиёмхон одатича ўнг елкасини қоқиб, — бизнинг бахтимиз сиз-да, Баширжон ака», деб хушомад қила бошлайди. Хушомаднинг илк учқунлари ялтоқлигу тилёғламалик аралашиб аста-секин аврашга айланиб кетади.

«— Баракалла, — деди бошлиқ инспекторнинг юмшоқ кафтини қаттиқ қисиб. — Бўлмаса, гап бундай, ука. Бу ташкилотда сиз менинг энг ишончли, суянадиган кишим бўласиз. Лекин бир-биримизга хиёнат қилиш йўқ. Топганимиз ҳам, обрў-эътиборимиз ҳам арра...»

Қиёмхон миннатдор жилмайди.

— Менга кўп пул керак эмас, — деди киприкларини пирпиратиб, — бир бошим, икки қулоғим бор, холос. Сиз хурсанд бўлсангиз кифоя. Шу даргоҳда сизга орқа қилиб юрсам бас, акажон.

... Баширжон «Умм» деганча, инспекторнинг лабла-ридан сўриб ўпди-да:

— Бир-бирига хиёнат қилган кўр бўлсин, — деди.

— Кўр бўлсин! — деб такрорлади Қиёмхон.

— Хиёнат қилсам, худо урсин.

— Худо урсин! — деб такрорлади Қиёмхон.

— Хиёнат қилсам нон урсин, чор китоб урсин...

— Ака-укалик учун».

Арақ ҳам, қасам ҳам ичилди. Аҳду ваъдалар берилди. Навбат ушбу «ака-укалик» битимининг мевасини тезроқ пиширишга келди. Қиёмхон ҳам анойи эмас. Ушлаган жойидан узадиганлардан. Хушомад қилишнинг минг битта йўлини билиб, шайтонга дарс беради. Нияти — Баширжонга «орқа қилиб» бойлик ва мансабга эришиш.

У ўсиши керак бўлган «ойдай йигит».

Баширжоннинг лақмалигию ношудлиги Қиёмхонга қўл келади. Айниқса, янги бошлиқнинг нафси ўпқонлиги, очкўзлиги, назари пастлиги — уни турли мақомга солиб ўйнатишга Қиёмхон учун кенг имкон беради. Инспектор хушомаднинг шундай йўлини танлайдики, барча хатти-ҳаракати бошлиқни лаққиллатишга қаратилади. Қиёмхон Баширжоннинг бепарволиги, гўллиги ва саводсизлиги орқасидан амалга оширилган қинғир ишлардан келган фойданинг ўндан биринигина беради унга. Ҳеч нарсадан хабари йўқ бошлиққа арзимаган улуши бир олам дунё бўлиб кўринади. Қиёмхонга қайта-қайта ташаккур билдириб, «дунё кўрган» йигитга кўпдан-кўп яхшилиқлар қилгиси келади.

Баширжон Қиёмхонни маҳаллий комитет раислигига кўтармоқчи бўлади — бўлмайди. Бош инспекторлик мансабини инъом этади — шармандаларча ўз буйруғини ўзгартиради. Хушомадга «суяк ташлайди» — суяк томоққа тиқилади. Томоққа зарар етказмасдан ўтадиган лаҳм гўштга қурби етмайди. Умумий овқатланиш корхонаси директорлигига кўтарилгач, қўли узайиб, имкони кенгайиб қолади-ю, аммо «ҳаром ўлган бузоқлар» у зилзиладан дарз кетиб «йиқилган» уйларнинг миси чиқиб қолади. Ҳали бу воқеаларгача «қиёматли ака-ука» муносабатлари янада қуюқлашиб, ҳатто қариндош ҳам

бўлиб олишадикки, ҳозирча Баширжоннинг Қиёмхонга кўрсатган мурувватлари нега муваффақиятсизликка учраганлигига бир назар ташлайлик-чи?

Баширжон — Қиёмхон «иттифоқи»га тўғаноқ бўлиб, уни илдиз отишига йўл қўймай, уларга соядек эргашиб юрадиган бир куч бор. Бу партия ташкилоти котиби — Ҳамиджон, Зайнишев тили билан айтганда эса «Ҳамид сариқ» ёки «сариқ чаён». Бу образ кимгадир замонасозлик муносабати билан киритилгандек туюлса ажабмас. Чунки партия ташкилоти котиби совет даври адабиётида ҳаминша адолат, ҳақиқат, ҳалоллик рамзи бўлиб келган. Компартияга барҳам берилгандан сўнг бундай одамлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деб ўйлаган эдик. Аммо ҳозир ҳам ҳар бир идоранинг ўз «Ҳамид чаёни» бор. Бошлиқ улар билан ҳисоблашишга мажбур. Чунки булар «ўзи емайди, еганларни кўролмайди», қабилида иш тутишади.

Зайнишев «Ҳамид сариқ»ни йўлга солиш учун кўп марта уриниб кўради. Дастлаб «юқори раҳбарий орган»ларда танишлари борлиги билан нописандроқ муомалада бўлишга ҳаракат қилиб кўради. Сўнг мансаби орқали тазйиқ ўтказмоқчи бўлади. Гапга кўнса охириги чора сифатида «олтита эмчаги»дан сут келадиган эмчагини тутмоқчи эканлигини шаъма қилганда, партия ташкилоти котиби «итнинг эмчагини эмиб ўрганмаганлигини» айтади. Хуллас, Ҳамид Солиҳов қайсарлик қилади, Баширжон таваккал деб Қиёмхонни бош инспекторликка кўтариб юборади. Таваккал ишнинг умри бор-йўғи икки кунга боради. «Старший инспектор»лик буйруғининг «Қиёмиддин Муслимов» деган жойига «Ҳамид Солиҳов» фамилияси ёзилади. Бу «эллик яшар болакай»нинг шуңчаки ҳазили эмас, ўта жиддий буйруғи эди.

Қиёмхоннинг мансаб масаласида ишлари юришмасида, Баширжондан қўлини ювмайди. Аксинча, янада жипсроқ пинжиги суқилади. Бошлиқнинг суғурта юзасидан ҳеч нарсага ақли етмаслигини яхши билиб олгач, «ўннинг тескарисини бўлмиш» «чап» қилиш, яъни мингминглаб текин пул ишлаш йўлига ўтиб олади. Назари пастроқ бошлиқнинг чўнтаклари «чуқур-чуқур» костюмга ойда-йилда арзимас чойчақа солиб қўяди-ю, яна ошиғи олчи, айшини суриб юраверади.

Баширжон Ҳамид Солиҳовдан ҳайиқиб, ҳадиксираб буйруғини бекор қилмайди. У шундай қилишга мажбур бўлади. Зайнишев раҳбарлик лавозимларига тасодифан келиб қолганлигини исботловчи нарса шуки, у ҳатто

мансабини ҳам эплаб, «суийстеъмол» қила олмайди. Суғурта идорасида дастлаб бир талай янгиликлар қилишга уриниб кўради. Шу жиҳати билан бироз обрў олгандек ҳам бўлади. Аммо асосий ишга келганда нототонлиги, фаросатсиз, лақмалиги яққол сезилиб қолади.

Шу ўринда воқеалар тафсилотини тўхтатиб, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари хусусида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтайлик. Хўш, Баширжонга нега Ҳамид Солиҳов эмас, Қиёмхон ёқиб қолди? Бир қарашда савол ноўрин ёки жавоби тайёрдек туюлади. Жавобни Қиёмхоннинг бошлиққа хушомадун пораларидан, Ҳамид Солиҳовнинг эса адолатпарварлигидан излаш тайёр хулосани шунчаки қайд этиш билан баробар. Аслида «ўзиники» ёки «бегона»га бўлиш психологиясининг чуқур ижтимоий илдизлари бор.

Жамиятда инсоний муносабатларни барқарор ушлайдиган ахлоқ нормалари, бошлиқлар ва қўл остида ишловчи одамларнинг сунъий равишда яратилган муносабатлар қонун доирасига ҳеч сизмай қолган узоқ бир даврни бошдан кечирдик. Собиқ шўро замонида раҳбарнинг ходимга муносабатини — кўпроқ хушомад белгилаганини гувоҳи бўлдик. Раҳбарнинг ўзгариши билан унинг энг катта айби сифатида хушомадгўйликни авж олдирганлиги кўрсатилади. Собиқни уриб туриб янги раҳбарнинг ишчанлиги, билимдонлиги, камтарлиги улуғланади. Хушомаднинг умри ана шундай узайгандан-узайиб бораверди. Ахлоқсиз сиёсат туфайли иккиюзламачилик, ёлғон урчигандан-урчиб энг оддий одоб устунларини ҳам синдириб одамларни маънан ялонғочлаб қўйди. Маънавияти кемтик инсон ҳар қандай пасткашликка қодир кимсага айланиб қолади. Умумий тамойиллар сохталикдан, қўрқув аралаш ҳадиксираш, ёлғондакам мақтовлардан иборат бўлиб қолганлиги одамлар учун табиий ҳаёт маромига айланиб қолган эди ўша замонларда. Шу боис Баширжон ҳам Қиёмхоннинг ёлғон мақтовларини хушомадларини ўзи аслида шундай бўлиши керакдек қабул қилади. Унинг ўзига бўлган муносабатида ортиқча ҳеч нарса сезмайди. Аксинча Қиёмхоннинг одамгарчилиги, инсонни тушуниши бор деб, энг муҳими, «дунё кўрган», одам танийдиган даражага кўтаради. Баширжон ҳам акахони Шамси Тўраевич олдида шундай эгилиб-эшилиб хушомад қиладики, бамисоли осмон олдида ер бўлиб кетади. Доимо мутелик, ҳар қандай гапга кўниб «хўп» деб туриш, акахон-

нинг сўзини энг сўнгги ҳақиқат, қонун сифатида қабул қилиш, баҳс ёки эътирозни ўйлашга ҳам қўрқиш — Баширжонни самимий инсоний муносабатларидан буткул мосуво қилган эди. Шу боис ҳам Қиёмхоннинг сохта хушомадларини жиддий қабул қилади. У дунёни ўз қаричи билан ўлчайди. Ўзининг майда манфаатларидан иборат чекланган ҳаётию турмушини инсон умри мазмуни деб ўйлайди. Ваҳоланки, у бошқа ҳаётни орзу қилиш у ёқда турсин, ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди. Бу фақат орамизда учраб турган айрим кимсаларнинг фожиасигина эмас эди.

Бу қуллик психологиясининг энг аччиқ мевасидир.

Эҳтимол, халқнинг бутун бир авлоди онгию фикрини асир этган бундайин тушунча вақт ўтиши мобайнида йўқ бўлиб кетар, аммо у яна қайта бош кўтариши, урчиши учун жамиятда ҳамиша ижтимоий замин улдизга, қонга, генларга ўтиб қолган вирусдек яшовчанлик хусусиятига эга.

Хушомаддан кўзланган мақсад — мансабу бойлик.

Ҳамма ўсишини ўйлайди.

Жумладан, Қиёмхон ҳам ўсиши керак бўлган «Йигит»лардан.

Ҳаётда ўсиш учун мансаб ишқида ёниб, елиб-югурган қиёмхонлар асардаги Қиёмхондан ҳеч бир жиҳати билан фарқ қилмайди. Шўринг қурғурлар мансаб пиллапоясидан бир қадам олдинга силжиши учун ўзларини не кўйларга солишмайди. Уткинчи дунёда ўткинчи умр лаҳзалари ана шу тахлит елга созурилади. Инсон бўлиб яшаб инсон қадрини билмай, кўру басир бўлиб ўтиб кетиш одамзотнинг ўз-ўзига қилган мудҳиш жиноятига тенгки, бунга сўз ҳам, таскин ҳам йўқ. Машҳур серб ҳажвчи-ёзувчиси Родое Доманович «Министрнинг туши» ҳикоясида мансабга кўтарилиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракатда бўлган одамлар галаси фожиасини тасвир этган. Ватан истиқболи йўлида ҳалол меҳнат қилишни, тинимсиз ўқиб-ўрганишни ният қилган ўспирин йигитча ана шу одамлар тўдасига тушиб қолади. У узоқ вақт тиним билмай меҳнат қилади. Аммо сеҳргар қуш келгунча бир қадам ҳам юқорига кўтарила олмайди. Йигит сеҳргар қушдан озгина бўлса-да тепароққа кўтариб қўйишни илтимос қилади. Бироз юқорига чиққач яна юқорилашни истаб қолади. Қўйингки, сеҳргар ёрдамида мансаб пиллапояларининг энг чўққисига кўтарилади. Шундан сўнг йигит сеҳргардан ўзини бу қадар юксалиши сирини сўрайди. Сеҳргарнинг жавоби қисқа бўлади:

«— Мен сени характерингдаги қатъиятни, қалбингдаги ҳалоллик ва бошингдаги ақлингни олдим, холос. Сенга мана шу нарсалар юқорига кўтарилиш учун халақит бераётган эди».

Наҳотки, мансабга эришишга қатъият, ҳалоллик ва ақл асосий тўсиқ бўлса? Саволни берасизу, ён-теварингизга қараб оласиз. Ҳеч бўлмаганда «Ёлғончи фаришталар»даги раҳбарлар сиймосини кўз олдингизга келтиринг. Шунда Радое Доманович нақадар ҳақ эканлигига яна бир карра ишонасиз.

Қиёмхон сеҳрли қушга дуч келмайди. Унинг қўлида бошқа нарса — «Сеҳрли капкир»и бор.

«Кейинги пайтларда Қиёмхоннинг қўлидан капкир тушмай қолди. Дарҳақиқат, у пазандаликка, айниқса, чўзма лағмон, манти, мошова, ловияли шилпилдоққа жуда уста эди... Асқар Бакирович икки марта ўзи ва бир марта Шамси Тўраевич билан келиб, «мошовахўрлик» қилиб кетишди... Мошова тортиладиган зиёфатлар ҳурматли меҳмонларга манзур бўлгани сари, Баширжоннинг назарида, аяхонлар олдида обрўси ошиб борар, одати бўйича тез-тез такрорлайдигани: «Э, парвардигори эгам» ҳам эсидан чиқиб, Қиёмхоннинг сеҳрли капкиригагина суяниб қолгандек эди».

«Сеҳрли капкир»га нафақат Қиёмхон, ҳатто Баширжон ҳам нажоткор сифатида қараб қолишган кунлар ҳали айни шу «капкир» туфайли Баширжонга янада юқорироқ ва ёғлироқ жой насиб этишини хаёлларига ҳам келтиришмас, ҳозирча борига шукур қилиб, шодон ўтиб турган умрларидан мамнун эдилар. Асқар Бакирович нозикроқ бир меҳмон билан мошовахўрлик қилишиб, пазанда Қиёмхон ижросидаги «Мошоважон, мошова» кўшигини эшитиб кайфи чоғ бўлиб қайтаётган пайтда, унинг Қиёмхонга айтган—«койилман... Талантингиз зўр экан, хор қилмаслик керак. Ўзингиз керак, йигитча». — сўзларидан Баширжон усталик билан фойдаланмоқчи бўлади. У Асқар Бакировичнинг «Ўзингиз керак, йигитча» деган гавнини фатво ўрнида қабул қилади.

Хўш, Қиёмхон ҳақиқатдан ҳам ўсиши керак бўлган йигитми?

Нега дуч келган одам уни «ўетириш»га ҳаракат қилади?

Қиёмхоннинг қандай сир-синоати бор?

Тўғрида, ёшлигида қолхоз раиси уни ўзига шофёр қилиб олса, сўнг шахсий ошпаз, оёғини уқалайдиган, ҳаммомга тушганида ходимгарлик қиладиган одамга

айланса — унинг нимаси раисга ёқиб қолдйкин, деб ўйлайсиз-да? Ҳатто колхоз раиси Ҳожи мўйлов уни газета ва радиоларда номи дoston бўлган Азизахон исмли қизга уйлантириб ҳам қўяди. Тўйдан сўнг чимилдиқ ичида Қиёмхоннинг келинга: «Келинг, Азизахон, «ошиқ-маъшуқ» ўйнаймиз. Сиз келин бўласиз, мен — куёв...» — деган гапи ҳамма нарсани ҳал қилади. Келин уйига кетиб қолади. Онаси Азизахонга: «Ойдай йигит бўлса, нега ноз қиласан, жувон ўлгур», — деганда, қиз: «Ойдай йигит эмас у...» дейиши баъзи нарсаларни ойдинлаштиради. Хуллас, Қиёмхон Ҳожи мўйловдан сўнг, Баширжонга ҳам ёқиб қолганлигини ўзингиз гувоҳи бўлдингиз. Асқар Бакирович эса гапни қисқа қилди: «Ўсишингиз керак!», тамом вассалом.

Қиёмхоннинг пешонасига фақат «ўсиш» ёзилган экан.

Баширжон қўшқиссанинг бош қаҳрамони сифатида деярли бошқа барча персонажлар билан фаол мулоқот-муносабатда бўлади. Унинг тақдири ҳамма образлар тақдири билан мустаҳкам боғланган. Гарчи, Қиёмхон асарнинг иккинчи қиссаси бошланишидан саҳнада пайдо бўлса-да, Зайнишев характерини тўла-тўқис намоён бўлишида катта ўрин тутади. Баширжон сийқа ва жўн «донишманд»лигини, умуман хатти-ҳаракатларини доимо маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб турувчи одамга муҳтож эди. Дастлаб бу вазифани шофёри Илҳомжон бажариб тургандек бўлади. Лекин унинг «думчаси сув олиб», кўп жойларда «хўжайин»га панд бериб қўяди. Қиёмхонни Баширжонга худонинг ўзи етказди. Баширжон «еб турган оши» Қирмизхонни унга «ҳадя» қилганда «қандоқ бўларкин» деб қимтиниб турса-да, Қирмизхон билан ҳоли қолишганда «Эшаккаям пашмакми» дея уни устидан кулишади. Қиёмхон ўзининг тўйига атаб ёзган шеърини «тўй раиси» Баширжонга бериб, ўз номингиздан ўқинг, дейди. Бечора Баширжон Қиёмхону Қирмизхоннинг бахт тўйи ҳақида байт битганман, дея тантанали руҳда шеър ўқиб бўлиши ҳаманоқ «Қиёмхон лабини унинг (Қирмизхоннинг — Ж.С.) қулоғига яқинлаштириб шивирлайди: «Парво қилманг, шеърни ўзим ёзиб берганман». Келин-куёвнинг ҳиринглашиб турганини кўрган Баширжоннинг кайфи учди: «Ҳа, номард, сотдинг-а... Марг сендай йигитга... Ҳойнаҳой байт-ни ўзим ёзиб берганман, деди... Албатта шундай деб айтди. Бўлмаса кулармиди? Ана, ер остидан тагин менга қараб ҳиринглаб ўтирибди. Байтинг бошингда қолсин.

Ўзи қўймади-да, «Абу Абдулло Рудакийнинг шеърларидан кўп тўйларда ўқигансиз, яхшиси мана бу байтларни айтинг», деб... Ҳе, касофат, байтнинг ҳам, ўзинг ҳам брак экансан. Қиёмхон ичида Баширжоннинг устидан кулса-да, юзаки хушомадун мақтовларини селдек ёғдирадиди.

Хушомад эса ҳаммага ёқадиди.

Жумладан, ўзини итдан олиб эшакка солган — Баширжонга ҳам.

Қиёмхоннинг яна бир энг муҳим вазифаси бор. Баширжон асарининг бошиданоқ муқаррар ҳалокат томон ҳаракат қила бошлайди. Уни «ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида Шамси Тўраевич, Вафо аттор, Қирмизхон ва бошқалар бирин-кетин майдонга чиқа бошлади. Қиёмхон пайдо бўлиши биланоқ Баширжон фожиаси ҳам тобора тезроқ яқинлаша бошлади. Устига-устак табиий офат — зилзила ҳам ҳалокатнинг асосий омилга айланади. Зилзила туфайли Қиёмхон ва Баширжон чўнтақларини пулдан тўлдириб олишади. Табиатдан-тортиб инсонгача — ҳамма нарса ҳалокат йўлларига яшил чироқ ёқадиди. Баширжон атрофида нималар бўлаётганини илғаб-илғамай сўнгги манзилга етиб келади.

Баширжонни буткул ҳалок қилиш учун бор-йўғи «ҳезалак» Қиёмхону ногирон хўткча кифоя қилади.

Қиёмхон эса ўсиши керак бўлган... йигит...

Афсуски, ўса олмайди...

Фақат ушбу қўшқиссада.

Ҳаётда эса Қиёмхонларнинг боши узра «бахт қуши» чарх уриб учадиди. Уларга ҳамма эшиклар очик. Энг юқори идоралардан «назарногир идора»ларгача Қиёмхонлар жавлон уришади. Идоранинг салобати уларни «ҳезалак» мижозлиғино «вой-вой»лаб гапиришларини текислаб юборади. Уларнинг ясама суҳандонлиғино ишвали хушомадлари одамлар тугул «ҳаром ўлган бузоқлару» ногирон хўткчаларга ҳам ёқадиди.

ПЕШОНАДАГИ ТАМҒА

Бундан ўн беш йил муқаддам Неъмат Аминовнинг «Елвизак» қиссасини илк бор қўлимга олган эдим. Ушанда кулгили ҳолатлару воқеалар китобни қайта-қайта ўқишга ундар, ўқиганда ҳам тезроқ «кулгили жойин» келсайди деган қизиқиш устун турарди. Ҳали кулги ортидаги чуқур ижтимоий мазмунни тўла илғаб олишга «бахтли болалик»нинг ширин эртаклари йўл бермас эди.

Ҳаёт «фаровон», партиямиз «меҳрибон» ва «раҳнамо» эди ўшанда.

Баширжону Шамси Тўраевичларни партия ташкилоти котибаси Хўжақулова албатта фош этади, ҳақиқат ғалаба қилади, деб мутлақ ишонардик замонага боқиб.

Ҳеч бўлмаса катталар шу китобни ўқиб албатта бундай кимсаларга чора кўради, деб ўйлардик — адолат, ҳалоллик ҳақида рўзномаларда босилаётган маърузаларни ўқиб.

Лекин шундай китоб ёзганлиги учун ёзувчига чора кўрилишини сира тасаввур қила олмас эдик.

Ҳали олдинда уч йилда учта «доҳий»ни дафн этиш вазифаси турарди. Аммо буларнинг бари ҳали олдинда «порлоқ» истиқболда эдики, замона зайли бу қадар ўзгариб кетишини худо шоҳид зарра тасаввур қилмасдик.

Кулгисевар китобхон бироз гангиб қолади. Фикрлар, ўйлар, қочириву киноялар, коса тагидаги нимкоса гаплар хаёлларини тўзғитиб юборади. Китобни қоқ ярмидан яна қайта ўқишга киришади. Лаби даҳанини йиғиштириб олмоқчи бўлади. Бироқ бўлмайди. У Баширжон атрофига йиғилаётган одамлар мақсадини, турфа характерли кишиларни бирин-кетин китоб саҳифасига олиб кираётган ёзувчи муддаосини билишни истайди.

Одам кулиб туриб жиддий фикрлай оладими?

Умуман жиддийликнинг ўзи нима?

Ахир Баширжон доим жиддий, сипо бўлиш ҳаракатида эмасми? Шамси Тўраевич бирор марта юракдан хандон отиб кулганми? Бу саволларга «йўқ» деб жавоб бериб бўлмайди. Мабодо шундай десак ўз-ўзимизни алдаймиз. Шамси Тўраевич нафақат «жилмаялла», ҳатто укашонининг ганда пақирлигидан хандон отиб кулган вақтлари ҳам бўлган. Зукко китобхон эътироз билдиради. Шамси Тўраевич кулган бўлсалар «кулгига маҳкум этилган» одам устидан кулганлар. Ўз-ўзларича у киши ҳеч қачон кулмайдилар.

Жуда тўғри. У зот ўз-ўзинча ҳеч қачон кулмайди.

У кишига кулиш, бизга йиғлаш ман этилган.

Буйруқ шунақа. Буйруқ муҳокама қилинмайди, у бажарилади. Худди ҳарбий уставдагидек.

Дарвоқе, армия ҳаётини, аскар ва зобит муносабатларини нима тартибга солади? Албатта устав. Лекин Баширжон ҳарбий эмас-ку. Нега унинг ҳаёти маълум рамкалардан ташқарига чиқмайди. Рамка ичидаги ҳаёт ҳаётми? Баширжон ҳам, Шамси Тўраевич ҳам, сизу биз

ҳам, жамият ҳам қатъий рамкаларга солинган эди. Баширжон учун Шамси Тўраевич, Шамси Тўраевич учун яна бошқа улуғвор бир зот, у зот учун яна бир улуғ зот, улуғ учун доҳий рамка белгилаб берган эдики, у ўтда ёнмас, сувда чўкмас бир офат эди. «Рамка» шу қудрати билан бир нарсдан — худди фил сичқондан ҳайиққондек — қаттиқ қўрқарди...

«Рамка» кулгу даҳшатидан қўрқиб қақшарди.

«Қаққақа» рамкага дарз кетишига сабаб бўлди.

«Рамка» буни яхши билар ва охир-оқибат нафақат йиғи, шу билан кулгуни ҳам ман этди.

На йиғи, на кулгу товуши — худди кинодагидек атроф жим-жит. Фақат мурдалар чалғи эмас, қизил байроқ ушлаб туришибди.

Тоталитар ўтмишни аёвсиз фош этаётган қаҳрамонлар хусусида икки оғиз сўз юритсак. Бошқа муаммолар хусусан, ҳалокатга учраган денгизимиз ҳақида шу қадар кўп гапирилдики, энди юртимиз танидаги бу улкан жароҳат раҳм-шафқат эмас, бошқа нарса уйғота бошлади. Нега энди айнан янги замон «қаҳрамон»ларига келиб тўхталдик? Неъмат Аминов билан буларнинг ўртасида қандай боғлиқлик бор? Шу саволларга жавоб ахтарамиз.

Ўтмишинчи йиллар жамиятнинг умумий таназзули энг юқори нуқтага чиққан эди. Аммо ягона ҳукмрон партия, қудратли армия ва даҳшатли хавфсизлик хизмати таянган жамият пойдевори ҳали метиндек мустаҳкам эди. Сталинизм ва қатағоннинг бошқача шакли ҳукмрон, эркин фикр, расмий қарашларга мос келмайдиган зарра мушоҳада қатъий тақиқланган бир замонлар эди. Худа-беҳудага ҳайқиришдан кўра «бахтли» замонани улуғлаб мукофоту мартабалар олиш урф бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Истеъдодли бир адибимиз ёзганидек, «йўғон билаклар билан сув омборлари қуриш» ҳақидаги романлар ёзиш шараф эди. Аммо ҳозир ўша йўғон билаклар сув омборларини бузиш билан овора. Партия, Ленин, Қизил майдон деб шеър у романлар, мақолаю қиссалар ёзган ва шу орқали партия раҳнамолигида ёғли жойларни эгаллаб «арбоб» бўлган кимсалар бугун ҳаммадан кўра кўпроқ «қизил империя», «қизил қон» деб яна нималарнидир илнжида баланд овоз билан қичқирмоқдалар. Тўғри, империя бор эди, ёвузлик ва ахлоқсизлик ҳукмрон эди. Аммо уни ўз вақтида айтадиган овоз йўқ, тиллар гунг эди.

Неъмат Аминов жамият танасидаги иллатларни ҳали

шу жамият пойдеворлари мустаҳкам бир пайтда айтди, айтганда ҳам унинг устидан юз минглаб одамлар қаҳқаҳа отадиган даражада айтди. У бугун сукут сақлаб турган одамга ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин бу сукунат ўталган бурчнинг замонага қараб тўнини, юзини ўзгартираётган одамлар устидан қаҳқаҳаси, маънавий галабаси эмасми?

Сукунат ортида овоз бор эди.

Сукунатдан сўнг ҳам бу овоз қолади.

Фақат ана шу ўрталиқда бақириб-чақираётган овозлар кеча йўқ эди, эртага ҳам бўлмайти.

Бизнинг асл мақсадимиз китоб ичидан кулгу ахтариш эди. Юқорида бу ниятимиздан сағал чалғиб кетганлигимизнинг боис атрофимиздаги ҳамма нарса сиёсийлашиб кетганлигининг оқибати бўлса керак. Энди асосий машғулотибизга қайтамиз.

Баширжон Шамси Тўраевичнинг буйруғи билан у кишининг қадрдоникига тўйга боради ва «санъатчи» жонон Қирмизхон билан танишиб қолади. Бу воқеанинг ҳеч қандай китобийлиги йўқ. Ишонмасангиз, тўйга боринг-да, ўзингизни ким эканлигингизни билдириб қўйинг. (Айниқса маданият соҳасида раҳбар бўлсангиз жудаям яхши.)

Сўнг учрашув жойи, вақти келишиб олинади. Ҳаммаси хамирдан қил сугургандек. Баширжон вафодор инсон эмасми, айтилган кунни шаҳарга тушади. Китобхон ҳам унинг ортидан эргашади. Баширжонга висол лаззати, Қирмизхонга маданият уйдан иш, бизга эса ҳангома керак. Асосий воқеага ҳали пича бор. Яхшиси, шаҳар кезайлик. Баширжон вилоят театр биноси ёнидан ўта туриб бир муддат афишага термулиб қолади. Асар муаллифи, саҳналаштирувчи режиссёр ва бош ролда—«З. Ошиқов». Одамларнинг бу қадар йўлгирилиги ҳайрон қолдиради уни. Албатта бу қатағон қилинган, турғунлик йилларида бўлган. Ҳозир уч-тўрт жойда эмас, ўн жойга номимиз ёзилса ҳам, ўн биринчисидан умидвор бўлиб турамиз ёки ўн бешинчи марта таъкидланмагани учун бирор кимсани сўкамиз. Эндиликда фақат бозордаги картошкани эмас, кўплаб рўйхатлардаги исм-шарифларнинг ҳам нархи ошиб кетган. Ҳалати парадокс: бозорда шолғомни, дўконда тоғоранинг нархи ошганлиги билан уларнинг на сифати, на сони кўпайди. Демак, «қайд этиш», «зиқр қилиниш» омонат бир нарса экан-да. Аммо ўша маҳалда Баширжон ҳеч бўлмаса район маданият уйи афишасига ўз номини ёздириб қў-

йишни кўнглига тугиб қўяди. Ваҳоланки бу нисоннинг номи абадий кулгу солномасига жо бўлаётганди.

Баширжон ортидан кулгу излаб юриш анчайин мушкул иш. Чунки, арзимас нарсаларга ўч бўлган бу «тип» китобхонни овора қилиб қўйиши турган гап. Яхшиси, турган-битгани кулгудан иборат Зайнишевни ўз ҳолича ойнага солиб кўрайлик. Шунда қозонда бори чўмичга чиқади. Фақат башарамиз қийшиқ бўлса, ойнадан ўп-каламасак бас.

Баширжон ким ўзи? Бу саволни наинки китобхон, ҳатто Баширжоннинг ўзи ҳам ўзига бериб кўради. Фақат сал бошқача усулда: ким эдимۇ ким бўлдим? Айниқса Шамси Тўраевич ёдига тушган маҳал бу саволни кўпроқ эсга олади. «Ким эдилигида» эмас, «ким бўлганлигида» акахоннинг хизматлари мўл. Қим эканлиги отаси «Зайниш кўса» билан боғлиқ болаликнинг хира таассуротлари, холос. Тўғрироғи, отасининг «пул пулни топар, пулсиз бош оғриқни» деган ўғити. Бошқа ҳеч нарса қолмаган. Ўзи бирор бошқа нарса бўлганми, деган иштибоҳга Баширжоннинг жонсарак ҳаёти йўл бермайди. Энди «ким бўлганлиги» масаласига қайтсак, китобхоннинг сўнгги саҳифасини ёпиб, одамлар ўртасида кулгу бўлди, бошқа нимаям бўларди, деган жўнгина хулоса чиқарса ҳам бўлади. Аммо китобнинг сўнгги саҳифасигача анча-мунча йўл босиб ўтиш керакки, бирданига тугал хулоса чиқаришга шошмайлик. Балки ўшанда хулосамиз ҳам бутунлай ўзгариб кетар. Олдиндан бир нарса дейиш қийин-у, лекин аввалданоқ кулгунинг моҳияти ўзгармаслигини сезиб турасиз. Илк қадамда сизга моҳият муҳим эмасдек туюлган бўлса-да, лекин чин моҳиятдан ҳеч қаерга қочиб қутула олмаслигингизга ишонишга мажбур бўласиз.

Сизни мажбур қилишмайди.

Сиз мажбур бўласиз.

Ёзувчининг маҳорати хусусида бошқа бир ўринда сўз юритамиз. Аммо китобхонни ёзувчи ўз ортидан эргаштирмай, унга уч-тўрт йўлни таклиф қилиши, танлашни ўқувчи ихтиёрига қолдириши ўзига хос маҳоратки, буни ўқувчининг «мажбур бўлиши» фониди яққол кузатиш мумкин.

Асар мазмунидан биров узоқлашиб, ёзувчи китобхонни ўз ортидан «эргаштира билиш» санъати хусусида мухтасар фикр юритиш имкони туғилди. Бизда кўпинча маълум бир асарни бадий ёки бошқа фазилати эътироф этилганда далил сифатида ёзувчининг эргаштира

билиш хусусияти алоҳида таъкидланади. Бир қарашда бу гапда жон бор. Бошқа тарафдан олиб қаралса, бу адабиётимизда совет даврида ҳукм сурган соцреализм кўрсатмаси эканлигини сезиш қийин эмас. Ғоявий йўриқчилар адиблардан совет кишиларини коммунизм идеаллари томон етакловчи қаҳрамонлар, китоблар яратишни талаб қилишар ва охир-оқибат мазкур ғоя адабиётнинг темир қонунига айланган эди. Дастак қилиб олинган қаҳрамонлар фикр-ўйларига шубҳа билдириш, баҳслашиш, ҳеч бўлмаганда мулоқотга киришиш тақиқланган зонага кириш билан баробар бир нарса эдики, биздан бир нарса — фақат етовда юриш, эргашиш талаб қилинади.

Бироқ Неъмат Аминов асарларидан бундай мисол келтириб бўлмайди. Чунки Баширжон, Шамси Тўраевич, Вафо аттор, Қирмизхону Қиёмхон (гап асосий персонажлар устида кетаяпти) ортидан эргашиш «коммунизм қурувчисининг порлоқ кодексига» сира ҳам тўғри келмайди. Бундан чиқди Неъмат Аминов «бош қонунимиз» соцреализмга тамоман тескари руҳда ёзган экан-да?

Ёзувчи бизни қайси йўлга, қаёққа бошлаган?

Бу саволга бир томонлама жавоб бериш қийин.

Демак, ёзувчи ўқувчини ортидан эргаштирмайди, унга бир неча йўлни, ҳозирги сиёсий ҳаётимизда муомалага кирган гап билан айтганда муқобил йўлни таклиф этади.

Танлаш ҳуқуқини ўқувчига қолдиради. Энг муҳими, китобхон ҳуқуқи тан олиниб, бу ҳуқуқ ҳар қандай мафкура ва ғоядан устун қўйилади.

Биз шу ҳуқуқдан фойдаланиб, кулгу йўлини танладик. Шундай қилсак, маъқулроқ кўринди.

Эсингизда бўлса керак, Баширжон хотини Зеварахоннинг ҳомиласи баҳонасида, яъни «ҳаром ҳайвон» устидан сакраш маросимида Вафо аттор билан қадрдонлашиб қолади. Икки етакчи персонажнинг бу тасодифий учрашуви кейинчалик барча муносабатларда қалин «ҳамкорлик»ка айланиб, охир-оқибат Баширжоннинг ҳалокатигача давом этади. Ушбу муносабатларнинг асар сюжетидаги, қаҳрамонлар тақдиридаги ўрни ғоятда салмоқли, қўшқисса ижтимоий мазмун—мағзининг энг катта бўлагики, бунга алоҳида тадқиқ қилиш зарур. Биз ҳамкорликнинг айрим кулгига сазовор ўринларини бир қўр кўздан кечирамиз.

Зеварахон минг бир машаққатлар билан ахийри ўғил кўради. Худодан тилаб олинган яккаю ягона фарзанд

Баширжон ҳаётига биров бўлса-да мазмун, ота сифати-да унга тенгсиз қувонч бағишлайди. Афсуски, унинг қувончи узоққа чўзилмайди. Айни шодлик кунларида, одамларнинг табригидан маст бўлиб юрган кезларида иттифоқо Вафо атторга йўлиқади. Вафо атторнинг ҳам «қўк ранг»даги эшаги «юк»дан халос бўлган, тақдирнинг шум ўйинини қаранг, хўтикнинг оёқлари калта-узун, бир кўзи қийшиқ ҳолда дунёга келади. Аттор бул касофатнинг сабаби ўша, машъум «сакраш маросими»-да бўлса керак деб ўйлаб, «курраи ногирон» учун ҳар ойда Баширжондан пул ундириш пайига тушади. Баширжон ҳам анойи эмаски, аллақандай бир ногирон ҳайвон учун ем-хашак пули тўлаб турса. Бироқ Вафо бобо ҳам ушлаган жойини узадиганлардан: у Баширжоннинг энг нозик жойидан — агар ўғлингиз ногирон бўлиб туғилганда нима қилардингиз—ушлайди. Яқиндагина «Кўр музикачи» фильмини кўриб юраклари эзилган Баширжон дарров чол талаб қилган пулни беради-ю, ундан қутулиб кетмоқчи бўлади... Ҳамма бало шундаки...

У қутулиб кета олмайди.

Баширжон буюк фалокатнинг ижрочи-раҳнамосига дуч келган эди.

Эндиликда у «фалокат сабабкори» билан ҳамкорлик қилишга мажбур бир инсон эди.

Ҳаёт унга ана шундай фоже қисматни ато қилди.

Ундан қочиб қутулишнинг энди сира иложи йўқ.

Зайнишев фалокатга ҳам ўзига хос йўл билан борди. Биз кўниккан юқоридан пастга эмас, пастдан юқори томон одимлагани сайин муқаррар кулфат сари учиб бораверади. Унинг бир мансабдан иккинчи мансабга ўтиши ҳам қизиқ. Бир қарашда «идорача»даги арзимас дилхиралик Зайнишев «истеъфо»сига сабаб бўладигандай кўринади. Айтайлик, маданият бўлими бошлиқлигидан кетишига Хўжақулова билан ансамбль зардўз туфлиларидан бир-иккитасини ўмарганлиги боис чиққан жанжал сабаб бўлгандек туюлади. Чунки ана шу даҳанаки жангдан сўнг Баширжон нажоткори Шамси Тўраевичга «кетаман, акажон» деб бош уриб борди. Аслида эса унга «фаолияти»ни эркин, ҳеч қандай таъйиқу таъқибсиз олиб борадиган, элнинг кўзидан сал нари майдон керак бўлади. Ҳатто Шамси Тўраевичнинг «энди автоклуб минмайсиз» каби писандасига ҳам «грузовой» бўлса ҳам бўлаверади деб «ботир»лик қилади.

У ҳаминга қолақ соҳани ёки идорани «кўтариб» бериш учун шахсан палончи ака томонидан юборила-

ди. Аниқроғи янги ишга ўтишини яқинларига шундай деб тушунтиради. Бахтга қарши район маҳаллий саноат комбинати янги тузилганлиги учун Баширжон бу ёққа индамай ўтақолади. Чунки «чўкиб» қолган ташкилотнинг ўзи йўқ. Уни ташкил қилиш керак, холос. Бироз муддат ичида бир нечта цехларнинг тарақ-туруқ овози ичра «раҳбарлик» қилиб юрган Баширжонни кўрамиз. Кечагина «доирачини эмас, сурнайчини биринчи ёзинг», «афишага номимни ёздираман» деб юрган одам бирдан ишлаб чиқариш корхонасига «сардор»лик қила бошлайди. Хайриятки, уни бирор касалхона бош врач қилиб тайинлашмайди. Шуни ўйлаб тепада ўтирганлар ҳам аҳмоқ эмаслигидан қувонасиз. Ҳар қалай одамнинг жони билан боғлиқ бўлмаган соҳалар Баширжонга топширилади. Китобхон «катта»ларнинг келажagini олдиндан кўра билишларига қойил қолади. «Кўтариб беришга» келган Баширжон фаолиятини ҳамиша абгор қилиш билан яқунлайди. Шундан бўлса керак, унга ҳамиша «назарноғир» идорачаларни топширишади.

Зайнишев ишда ҳам, уйда ҳам кўп марта шумлик қилишга ҳаракат қилади. Баъзан ўзини ҳамма нарсадан хабардор, ишчан одам қилиб кўрсатишга, акахонлари олдида эса содда, бечора одам сифатида тассурот қолдиришга уринади. Лекин на унисини, на бунисини эплай олади. Китобхон унинг шум одам эмаслигини сезиб туради. Сезиш баробарида Баширжоннинг ҳар бир турланиш-тусланишию талвасалари кулги уйғотади. Масалан, у ишхонасига келган ревизорга аввал беписанд, ўзича улуғворлик билан муомала қилади. (Чунки ҳали уни ревизор эканлигидан хабари йўқ эди-да). Ревизор ўзини таништиргач, бир муддат серрайиб қолади ва ўзини зўрға кўлга олиб хушомадга ўтади. Бир пасда улуғворлик ҳам, беписандлик ҳам, аллақайга гумдон бўлади. Ташкилотда югур-югур бошланади. Собик шофёри—эндиликда ўринбосари Илҳомжон ревизорнинг «жудаям честнийлигини» айтгач, Зайнишев батамом ўзини йўқотиб қўяди ва гўё амалга оширилган қинғирликларда ҳеч қандай айби йўқ одамдай, ҳеч нарсадан хабари йўқдай ҳамма балони Илҳомжоннинг бўйнига тибрамоқчи бўлади. Баширжоннинг мана шу кичик «шум»лиги ҳам ўтмайди. Унинг хатти-ҳаракатларига қараб одам ҳам шунчалик гўл, фаросатсиз бўладими, деб ўйлаб қоласиз. Ахир ўринбосарининг қўлида уни бутун кирдикорларини фож қилувчи ҳужжатлар бор-ку. Наҳотки шуни билмаса?

Баширжон дунёга гофил бўлиб келган эди.

Кулгу бўлиб яшади.

Гофиллиги шундаки, ҳатто ўзини инсон сифатида эмас, «керакли тук» эканлигини ҳам англаб-англамасдан кўп касофатларга дучор бўлдики, охири китобхон ҳам уни на ўлганлигини, на тириклигини билолмай қолди.

«Елвизак»нинг мантиқий давоми бўлмиш «Суварак» якунида ҳалокатга учраб ҳалок бўлган Баширжонни ёзувчи «у ўлган эди» дейди-ю, «яна ким билади дейсиз?» деб китобга нуқта қўяди. Уқувчи «ким билади дейсиз?» ортидаги жамиятнинг чиркин рамзини, Баширжоннамо одамлар галасининг энг катта фожиасини кўради. Китобга сўнгги нуқта қўйилган даврда Баширжонлар ҳали куч-қувватга тўлиб от устида эдилар.

Кулги етовиди юрган одамларнинг фоже қисмати бизга нақадар таниш ва яқин. Социализм тарбияси маълум рамкалар шаклида бўлса-да бироқ муқаддас инсоният қадриятлар ўлчови батамсам қатағон қилинган эди. Ахлоқ ва ахлоқсизлик ораси бир қадам — истасанг бу тарафга, истамасанг у тарафга қадам бос. Аммо хоҳиш сенинг қўлингда эмас, қадамингга ўзинг хўжайинлик қилолмайсан. Улкан хўжайинлар юртида ҳеч нарсанинг хўжайини йўқ ва ҳамма нарса битта хўжайиннинг иродасига боғлиқ.

Қисматинг белгиланган. Ичадиган сувингдан ухлайдиган вақтинггача, иқтидоринг борми-йўқми, хўжайин ёки хизматкор бўлишинг аввалдан белгилаб қўйилган...

Алоҳида белгилар билан белгилаб қўйилган буюк мамлакатга буюк белги ярашар экан.

Баширжон пешонасида шундай белги ярақлаб турадики, бундай тамғани сал синчиклаб қарасак ҳаммадан ва ҳар биримиздан топиш мумкин.

Бу — «Кулгуга маҳкум этилганлар» белгисидир.

Қон устида қурилган жамият буюк кулгунинг буюк маҳкумига айланди.

Ғалати ҳолат: неки ғалабалар, қайсидир муваффақиятлар янги замон шарофати билан яратилган, иллатлару қабихликлар ўтмишдан мерос қолган... мамлакатни биласизми?

Хўжақулова социализм меваси, Баширжон капитализмдан (қурилмаган жамиятдан) мерос қолган иллат. Яшанг. Иккаласини устидан ҳам бир одам раҳбарлик қилади. Иккаласи ҳам бир замонда туғилган. Бир «мева», бири «иллат». Китобда персонажларга юқоридаги

тахлит кескин баҳо берилмаган, албатта. Фақат ғоявий пухта китобхон ўзи учун шундай хулоса ясаб олади. Ва бу хулосаси тўғри эканлигига қўшқиссанинг босилиб чиққанлигини асос қилади. Унинг асосида жон бор. У учун китобда нима ҳақда қандай ёзилганлиги муҳим эмас.

Муҳими, хулосани тўғри чиқариб олишда.

«Қаҳқаҳа» ўқувчи қўлига тегибдими—демак...

«Тўғри йўлда кетаяпмиз, ўртоқлар».

Биз ҳам ўз йўлимизни мақола бошидаёқ танлаб олганмиз. Уни ҳар сафар эслатишга эҳтиёж йўқ. Эҳтиёж туғилди—Баширжон кечагина «маликам» деб оғушига олган Қирмизхондан дабдурустдан воз кечди. Пулга эҳтиёж Баширжонни шундай қилишга мажбур қилади. Қирмизхон ҳам «висол» кечаси» олинган ваъда бажарилмаганидан сўнг тақрон жойда қолишни истамайди. «Ҳомиладор» бўлиб қолади. Ахир у «ор-номусли» «қиз» эмасми—ундан халос бўлишни истайди. Баширжоннинг галварслиги қўзиб шундай нозик паллада... «Э, сенинг ўйнашларинг камми?» дея тутаб турган оловга керосин сепеди. Баширжон сохта эркалашлар ва тилёғла-маликни йиғиштириб, дилидагини тилига кўчиради. Қирмизхон ҳам бўш келмайди. «Нима индамай думини тугиб кетаверади», деб ўйладингизми, деб «шаҳзода»га ҳужумга ўтади ва Баширжоннинг энг нозик жойидан ушлайди.

Баширжоннинг «нозик жойи» қаерда? Эртаклардан биламиз—девлар, ҳар хил алвастиларнинг жони аллақаерларда, аллақандай ғорлар ичида сақланаркан. Баширжоннинг раҳбар сифатида «жони», яъни нозик жойи райкомда сақланади. Қирмизхон Баширжонни ўтақасини ёриб «кетдим райкомга», устингиздан арз қилман, дейди. Баширжон шундан сўнггина вазият қалтис эканлигини тушунади. «Донишмандлик» билан Қирмизхонни алдамоқчи бўлади. Уринсиз донишмандлик ҳам аҳмоқликдай гап. Қирмизхоннинг талаби битта: ё ҳомилани «тушириш» учун пул, ё райкомга бориш. Баширжон ўйланиб қолади. Бош омон бўлса пул топилар. Муҳими, «жон»ни сақлаб қолиш.

Пулдан айрилади-ю, лекин энг асосий нарсани бу сафар сақлаб қолади.

Аслида Қирмизхон «ҳомиласини тушириш» учун ундирган пулини қандайдир тақинчоқ олишга сарфлайди. Гап пулнинг қаерга, нима мақсадда сарфланганида эмас. Ана шу қалтис вазиятда Баширжон ва Қирмиз-

хоннинг бир-бирига муносабати ойдинлашади. Озгина муддат бурун «муҳаббат» ва висол «ҳажрида» куйиб-ёнган ошиқ-маъшуқлар озгина пул учун биров-бировини жонини суғуришга тайёр ҳолатга келадилар. «Ширин» бўсалар аччиқ замзама ва кинояларга айланади.

Инсон ҳақиқий башарасини аён қилиш учун озгина манфаатга дахл қилинса бўлди.

Албатта, манфаатнинг катта-кичиклиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгаки, бу энди манфаат эгасининг характери хусусиятларига боғлиқ. Айтайлик, Шамси Тўраевичнинг манфаати минг сўмлар билан ўлчанади. Вафо аттор ўн-ўн беш сўм «топса» ҳам узундан-узоқ дуо қилади. Баширжон эса «раҳбарий орган»ларда ишласа ҳам беш сўм кўзига бир дунё бўлиб кўринади. Ана шу беш сўм унинг ҳақиқий характерини кўрсатиб қўйишга етарли.

Китобнинг дастлабки саҳифаларидан, яъни «кулгули жой»ларидан узоқлашганингиз сайин жиддийлик қамраб олаётганини сезиб борасиз ва сезгингиз баробарида кулги ортидаги улкан ижтимоий ҳалокат соясини кўрасиз.

Бу қаҳрамонларнинг шахс сифатидаги ҳалокати.

Жамиятнинг ҳалокатга маҳкум фоже қисмати.

«Елвизак» бутун бир даврнинг пуч мағзи кулги зарбалари остида инқирозга юз тутиши ҳақида битилган китоб эканлигини давр таназзулидан анча олдин англайсиз.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ростгўйлик	5
Вақт ҳукми	16
Хўрланган одам	26
Мансаб оти	32
Ғофиллик ғолиблиқдир	47
Усиши керак бўлган йигит	58
Пешонадаги тамға	67

Адабий-бадиий нашр
ЖАЛОЛИДДИН САФОЕВ
ҚАҲҚАҲА СИРИ

Тошкент «Маънавият» 1998

Муҳаррир *У. Қўчқор*
Рассом *С. Соин*
Техник муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусахҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга берилди 30.04.98. **Босишга** рухсат этилди 25.08.98. Бичими 84×108^{1/2}.
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли **б. т.**
4,20. Шартли кр-отг, 4,41. Нашр т. 4,54. 3000 нусха. Буюртма № 63. Нархи
шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 9—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-уй. 1998.

С 34

Сафоев Ж.

Қахқақа сири.—Т.: «Маънавият», 1998.—
80 б.

ББК 83.3Уз

5



3 330000 381371

120341

Manuscript